

15.34
43

890 130.55 585(1)


Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОНИНИГ ЯНГИ КОНУНЛАРИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Конграшнинг ўн
икканичи чақириқ ўнинчи сессиясида қабул қи-
линган қонун ва карорлар)

6

2032193



ТОШКЕНТ «АДОЛАТ»
1993

34C

ББК.67.99(2) — 3
У — 32

Нашр учун масъул:
М. Э. Абдусаломов
М. М. Мирсамадов

Узбекистон Республикасининг
янги қонунлари. Сон 6 — Т.:
Адолат, 1993. — 248 бет

Сарл. олдида: Узбекистон
Республикаси Адлия вазирлиги.

Новые законы Узбекистана. Вып. 6.

У 1203020000—035
(04) — 93

© «Адолат», 1993.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль

ҚОНЫ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 328-модда)

1-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ниг рангли ва оқ-қора тасвири тасдиқлансан (илова қилинади).

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби республика давлат мустақиллигининг рамзиdir.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қўйидаги кўришишга эга: тоглар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шоҳларидан иборат чамбарга уралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида баҳт ва эркесварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантida «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангили кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар — кумуш рангид; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва «Ўзбекистон» ёзуви — олтин рангид; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий — яшил рангда; чаноқлардаги пахта — өқ рангда; лента — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангларини акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак — олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; яримой ва юлдузлар — олтин рангид тасвириланган.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

1) қўйцадаги биноларда;

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

б) Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши биносида;

в) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг биносида;

г) Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида;

д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларининг биноларида;

е) Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судлари биноларида;

ж) Ўзбекистон Республикаси Прокуратура идораларининг биноларида;

з) Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик мӯассасаларининг биноларида;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Раёсати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мажлислари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган биноларда, судлар ва ҳакамлик судлари суд мажлислари ўтказилаётган хоналарда, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда руйхатга олинадиган хоналарда;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши, унинг Раёсати қўмиталари, комиссиялари ва Республика Олий Қенгашининг Қотибияти, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирларлари ва давлат қўмиталарининг; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа идораларининг, Ўзбекистон Республикаси судлари ва ҳакамлик судларининг, Ўзбекистон Республикаси конституциявий назорат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари, давлат ҳокимияти ва бошқарув маҳаллий идораларининг, давлат потариал контораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан муҳрлар ва бланкаларда гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар муассасалар ҳамда ташкилотларнинг муҳрлари ва бланкаларида;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида;

5) Ўзбекистон Республикасининг пул бирликларида, қимматли қофозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотереяси билетларида;

6) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

7) Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад столбаларида ўрнатиб кўйлади.

Ўзбекистон Республикаси давлат гербининг бўртма тасвиридан Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мажлис залларида, судлар ва ҳакамлик судлари — суд ўtkaziladigан мажлис залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари — туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини акс эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербинг тақорланаётган тасвири, унинг катта-кичклигигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирга аниқ мос бўлиши керак.

6-модда. Ўзбекистон Республикасиning Давлат герби тўғрисидаги ушбу Қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвиридан фойдаланиш ҳуқуқи берилган давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

7-модда. Ушбу Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш маҳаллий давлат идоралари зиммасига юклатилади.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек республикада турган ўзга шахслар Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини ҳурмат қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини бехурмат қилганлик Ўзбекистон Республикаси Қонуиларида белгиланган тартибда жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ
ГЕРБИ ТҮГРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИНИ АМАЛГА
КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 329-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Олий Қенгashi қарор
қилилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни қабул
қилинган кундан бошлаб амалга киритилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, аввалги Давлат герби
1993 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республика-
сининг янги Давлат гербига алмаштирилиши шарт. Ана
шу давр ичидаги аввалги Давлат гербидан фойдаланишга
йўл қўйилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Махкамасига:

1992 йил 15 августгача бўлган муддатда Ўзбекистон
Республикасининг Давлат гербини тайёрлаш, шунингдек
Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири ту-
ширилган муҳрлар, ҳужжатларнинг бланкаларини тай-
ёрлаш, улардан фойдаланиш, сақлаш ва йўқотиб таш-
лаш тартибини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари-
ни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғри-
сида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига муво-
фиқлаштириш топширилсин.

4. Қўйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi Раёсатин-
нинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғриси-
да»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1981 йил 30 июл-
даги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенга-
шининг Ахборотномаси, 1981 йил, 22-сон, 444-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш

ҳақида»ги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида»ги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, 33-сон, 648-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган печатлардан ва ҳужжатларнинг бланкаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги 1981 йил 30 июль Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, 22-сон, 447-модда);

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган печатлардан ва ҳужжатларнинг бланкаларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги 1981 йил 27 ноябрь Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1981 йил, 33-сон, 650-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ХАЛҚАРО
ВАЛЮТА ФОНДИ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА
РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО БАНКИ, РИВОЖЛАНИШ
ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ, ХАЛҚАРО МОЛИЯ
КОРПОРАЦИЯСИ, КҮП ТОМОНЛАМА САРМОЯ
АЖРАТИШНИ КаФОЛАТЛОВЧИ АГЕНТЛИККА
АЪЗОЛИГИ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг

1992 йил 2 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 333-модда)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқлилик асосида жаҳон ҳамжамияти тарқибига кириши зарур эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига киришининг, бу ташкилотларга аъзо бўлишининг ҳамда уларнинг имкониятларидан республикани ривожлантириш учун фойдаланишининг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси номидан халқаро валюта фондни (қўйида фонд деб аталади), Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки (қўйида Банк деб аталади), Ривожланиш халқаро ассоциацияси (қўйида Ассоциация деб аталади), Халқаро молия корпорацияси (қўйида Корпорация деб аталади), Кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентлик (қўйида Агентлик деб аталади) унинг аъзолигини қабул қилишга ва шутариқа фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация бошқарувчилари тегишли Қенгашларни, Агентлик бошқарувчилари Қенгашининг Ўзбекистон Республикасининг ана шуташкилотларга аъзолигига дахлдор бўлган резолюцияларидаги муддатлар ва шартларни қабул қилиб, матнлари ушбу Қонуннинг I, II, III, IV ва V иловаларида келтирилган барча тузатишлари билан фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентликнинг битимларидаги тегишли моддаларни қабул этишга ўакид қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукуматига матни ушбу Қонуннинг VI иловасида берилган фонд Битими моддаларига тақдим этилган Учинчи тузатишни Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилиш ҳуқуқи берилади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Президент тайинлаши мумкин бўлган бошқа шахс:

Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентлик муассасалари битимлари моддаларининг асл нусхасини имзолаш, фондга аъзоликка доир ҳужжатларни ва ана шу мақсадлар учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда киритиш;

Фонд Битими моддаларига таклиф этилган Учинчи тузатишни Ҳукумат номидан имзолаш ваколати берилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ёки у тайинлаган шахс Ўзбекистон Республикаси номидан матни ушбу Қонуннинг VII иловасида келтирилган Давлатлар ва бошқа давлатларнинг фуқаролари ўртасидаги сармояга доир низоларни тартибга солиш тўғрисидаги Конвенциянинг (қуйида СНТСХМ Конвенцияси деб аталади) асл нусхасини имзолашга, фонд аъзолигига доир ҳужжатларни ва ана шу мақсадлар учун зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда киритишга ҳақлидир.

3-модда.

Фондга аъзо бўлиб кирилганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси номидан ўзлаштиришнинг маҳсус ҳуқуқлари бўлимига: Ўзбекистон Республикаси ушбу қонунга мувофиқ фонднинг мазкур бўлими иштироқчисининг барча мажбуриятларини зиммага олади дейилган ва Ўзбекистон Республикаси ўзлаштиришнинг маҳсус ҳуқуқлари бўлими иштироқчисининг барча мажбуриятлари ижросига юридик мақом берилиши учун барча чора-тадбир кўрганлигини тасдиқловчи ҳужжатни расмийлаштириш ва киритишга вакил қилинган.

4-модда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Ўзбекистон Республикасининг ана шу ташкилотларга аъзоли.

тига дахлдор бўлган резолюциялардаги шартлар ҳамда муддатларда ва Битим ёки Конвенция моддаларига мувофиқ равишда фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Агентликка туланиши лозим бўлган счётларни қарз олиш ёхуд тегишли йўл билан сотиб олиш ҳамда тўлаш, шунингдек фонднинг маҳсус ҳуқуқларни ўзлаштириш бўлимида Узбекистон Республикасининг шитирок этиши билан боғлиқ тўловларни амалга ошириш ҳуқуқи берилади.

Узбекистон Республикасининг Молия вазирлиги юқорида кўрсатиб ўтилган тўловларни тўлаш учун Узбекистон Республикаси Марказий банкини манбалар билан таъминласин.

Узбекистон Республикаси Марказий банки Фонд, Банк, Ассоциация ва Корпорация битимларининг, Конвенциянинг тегишли моддаларига ва Агентлик белгилайдиган моддаларга мувофиқ Узбекистон Республикаси Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ёки Агентлик аъзолиги учун зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган ёки аъзолигига мувофиқ равишда ҳар қандай ўзга қўлга ўtkazilmайдиган фонзиз векселлар харид қилишга ҳақлидир.

5-модда.

Ушбу Қонунга мувофиқ Узбекистон Республикаси Марказий банки фонд Битими I-бўлимининг V моддасида ва Банк Битими 2-бўлимининг III моддасида назарда тутилган молия муассасаси сифатида амал қиласи ҳамда Фонд Битими ва Банк Битими моддаларининг қондларида назарда тутилган барча операциялар ва битимларни Узбекистон Республикаси номидан амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

Узбекистон Республикаси Марказий банки Корпорация Битими 10-бўлимининг IV моддаси, Ассоциация Битими 10-бўлимининг VI моддаси ва Конвенциянинг 38-моддасида кўзда тутилганидек Агентлик белгилайдиган моддаларга мувофиқ алоқа канали ҳисобланади.

6-модда.

Узбекистон Республикаси Марказий банки Фонд ва Банк Битимлари моддаларининг турли қондларида назарда тутилган операциялар ва келишувларда тўланиши ёки Республикага ўтказилиши мумкин бўлган ҳар қандай суммани қабул қилиб олишга ҳақлидир.

7-модда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация ва Агентлик тўловлари-нинг Ўзбекистон Республикасидаги киритувчиси деб таинланади.

8-модда.

Фонд, Банк, Ассоциация, Корпорация, Конвенция, Агентлик, СНТСХМ Конвенциясининг Битимлари, шунингдек кучга кирган уларга доир тузатишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча юридик шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

9-модда.

Заруратга қараб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасининг Битимлар ва Конвенция моддаларида, Агентлик томонидан ва ушбу Қонуннинг 1-моддасида санаб ўтилган резолюцияларда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш ва ушбу Қонуннинг қоидаларига амалий куч бериш учун фармонлар ва бошқа норматив ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ХАЛҚАРО
ВАЛЮТА ФОНДИ, РЕКОНСТРУКЦИЯЛАШ ВА
РИВОЖЛАНИШ ХАЛҚАРО БАНКИ, РИВОЖЛАНИШ
ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ, ХАЛҚАРО МОЛИЯ
КОРПОРАЦИЯСИ, КҮП ТОМОНЛАМА САРМОЯ
АЖРАТИШНИ ҚАФОЛАТЛОВЧИ АГЕНТЛИГИНИНГ
АЪЗОСИ ЭКАНЛИГИ ТҮҒРИСИДА»ГИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИНИ
АМАЛГА ҚИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1992 йил,
9-сон, 334-модда)

Узбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласди:

1. «Узбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, күп томонлама сармоя ажратишни қафолатловчи Агентлигининг аъзоси эканлиги түғрисида»ги Узбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилишган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Узбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда:

икки ойлик муддат ичидаги Узбекистон Республикасига амалдаги қонунларини узгартириш ва ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш түғрисида Узбекистон Республикаси Олий Қенгашига таклифлар киритсан;

ушбу Қонунга зид келувчи ҳукумат ва тармоқ норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин.

Узбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ТАШКИ
ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИГА
ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль**

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 335-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши томонидан 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 8-сон, 182-модда) қўйидаги ўзгартишлар кири tilсии:

1. Биринчи модданинг биринчи сатридаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти» деган сўзлар «Ташқи иқтисодий фаолият» деган сўзлар билан, «ташқи иқтисодий ҳамкорлик ўрнатишга» деган сўзлар эса «ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-модда чиқариб ташлансин. Кейинги моддаларни тартиб рақами тегишли равишда ўзгартирилсин.

3. 4-моддадаги «ва СССР» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 6-моддадаги «ССР Иттилоғи ихтиёрига берилган масалаларда СССР Қонунлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 7-модда қўйидаги таҳирда баён этилсин:

«7-МОДДА. Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ваколатлари Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан белгиланади».

6. 10-модданинг иккинчи қисмидаги «совет фуқаро-

лари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари» деган сўзлар билан алмаштирилсии.

7. 11-модданинг сарлавҳасидаги ва биринчи қисми-даги «ва ССР Иттифоқи» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

Шу модданинг иккинчи қисми-даги «ёхуд СССРнинг савдо ёки бошқа ваколатхоналари ҳузурида республика ваколатхоналари» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

8. 12-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушинг қонунларига мувоғиқ чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналар, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларининг юридик шахслари ҳамда фуқаролари иштирокида халқаро иқтисодий ташкилотлар ва молия ташкилотлари тузилиши мумкин».

12-модданинг тўртничи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналар тузилиши мумкин, бу зоналарда хўжалик фаолиятини амалга ошириш шартлари Ўзбекистон Республикаси Қонунлари билан белгиланади».

*9. 13-модданинг егтинчи хатбоисидаги «ССР давлат чегараси орқали» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

10. 17-модданинг биринчи қисми-даги «6-моддасида» деган сўзлар «5-моддасида» деган сўзлар билан алмаштирилсан.

11. 18-модданинг биринчи қисми-даги «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлар «давлат» деган суз билан алмаштирилсан.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ
ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ ТҮФРИСИДА»ГИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНУНИГА
УЗГАРТИШ ВА ҚУШИМЧАЛАР ҚИРИТИШ
ХАҚИДА**

**Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль**

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 336-модда)**

«Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари түғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши 1991 йил 14 июнда қабул киленгандай Ўзбекистон Республикаси Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, 8-сон, 184-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсін.

1. Кириш қисміда «иктисодий» деган сөз чиқарып ташлансін.

2. 1-моддада:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

«чет элда доимий яшайдыган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет эллик инвесторлар бўлишлари мумкин».

3. 3-моддада:

иккинчи хатбоши «корхоналар» деган сўздан кейин «ва» боғловчиси ўрнига «банклар», суғурта компаниялари ва бопқа» деган сўзлар билан тўлдирилсін;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

«мустақил равишда ёки юридик ва жисмоний шахслар иштирокида мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан инвестицияларни амалга оширишлари мумкин».

4. 5-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

«5-модда. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими

«Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари давлат-ҳуқуқий ҳимояси билан таъминланадилар. Чет эл инвестицияларининг ҳуқуқий режими Ўзбекистон Рес-

публикасининг шунга ўхшаш корхоналари, ташкилотлари ва фуқаролари учун белгиланган тегишли режимга қараганда ноқулай бўлиши мумкин эмас.

Иқтисодиётнинг нуфузли тармоқларига йўлланадиган чет эл инвестициялари учун Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қўшимча имтиёзлар белгилаши мумкин.

5. 6-моддада:

иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Узбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ лицензия олиш керак бўлган фаолият турлари билан шуғулланиш учун чет эллик инвестор Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган тартибда лицензия олиши шарт».

6. 7-модда чиқариб ташлансан, моддаларниг тартиб рақами ҳам шунга мувофиқ ўзгартирилсин: 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40 ва 41-моддалар тегишинча, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 36, 37, 38, 39, 40-модда деб ҳисоблансан.

7. 7-моддада:

биринчи қисмдан «Узбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

иккинчи қисм чиқариб ташлансан;

учинчи қисм иккинчи деб ҳисоблансан;

тўртинчи қисм чиқариб ташлансан:

8. 9-моддада:

иккинчи қисмнинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансан;

учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Узбекистон Республикасининг давлат идоралари чет эллик инвесторларнинг ҳуқуқларини камситувчи норматив ҳужжатлар қабул қилган тақдирда, уларга етказилиган зааран ана шу идоралар томонидан суд йўли билан тўланади»;

тўртинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари чет эллик инвесторларнинг Узбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ҳолда амалга ошираётган хўжалик фаолиятига аралашибга ҳақли эмас».

9. 10-моддада:

иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари реквизити қилинмаслиги

керак, табиий офат, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар бундан мустасно. Реквизиция қилиш ҳақидағи қарорни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қабул қиласы. Шунақа ҳолларда чет эллик инвесторга тўланадиган товоң пули бошқаларга тўланадиган товоң пули билан баб-баравар бўлиши лозим».

10. 11-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11-модда. Фойдани ва пулни чет эл валютасида ўтказилишининг кафолатлари

Чет эллик инвесторларга уларнинг қонуний фаолият натижасида олган фойдаси ва бошқа пулларининг чет элга ўтказилиши кафолатланади».

11. 12-моддада:

биринчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистон Республикасида олган фойдаси республика ҳудудида такрор инвестиция қилиниши ёки мулк эгасининг ихтиёрига кўра ўзгача тарзда фойдаланиши мумкин. Чет эллик инвесторлар республика банкларида исталган валютада юритиладиган ҳисоб рақамларига ҳеч қандай чеклашсиз эга бўлишлари мумкин».

12. 13-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Қўшма корхона тузиш

Қўшма корхоналар янги юридик шахс ташкил этиш ўйли билан ёки чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатиб турган корхонада улуш сотиб олиши нули билан барпо этилади.

Қўшма корхона барпо этиш тўғрисидаги қарорни чет эллик инвестор ва Ўзбекистон Республикасидаги корхона эгаси қабул қиласидилар».

13. 14-моддада:

биринчи қисмдаги «жаҳон бозори нархларида, бундай нархлар бўлмаган тақдирда эса» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

14. 15-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15-модда. Чет эл корхонасини очиш

Бир ёки бир нечта чет эл инвестори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл корхонасини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ очиши мумкин».

15. 16-моддада:

биринчи қисмдаги иккинчи жумла чиқариб ташланын.

16. 17-моддада:

биринчи қисмдаги «Ўзбекистон Республикаси қонунларидан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни тузиш учун белгиланган шартларга риоя этган ҳолда» деган сўзлар «ушбу Қонун талабларига риоя этган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи жумла қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан ташқарида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа алоҳида бўлинмалари очилиши мумкин».

17. 18-модданинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналарнинг хўжалик уюшмалари»

18. 19-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона Ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспорт қилишга ва ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда ички бозорда реализация қилиш учун маҳсулот импорт қилишга ҳақлидир. Ўзи ишлаб чиқарган, экспортга етказиб бериладиган маҳсулотни ҳамда ўзининг эҳтиёжлари учун корхона томонидан импорт қилинадиган маҳсулотни аниқлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси товар яратилишининг жаҳон амалиётига монанд қоидалари асосида белгилаб беради».

19. 23-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Солиқларга доир қонунларда назарда тутилган имтиёзлардан ташқари уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси солиқ соҳасида қўшимча имтиёзлар бериши мумкин».

20. 24-модданинг номидаги «текшириш» деган сўз «назорат қилиш» деб ва шу модда биринчи қисмидаги «текширадилар» деган сўз «назорат қиладилар» деб ўзгартирилсин.

21. 27-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасидаги чет эл корхоналари ва қўйшма корхоналар ихтиrolарга патент олиш ҳамда са-

ноат намуналарини жорнй этишни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширадилар».

22. 29-моддада:

иккинчи қисмдаги охирги жумла қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бу ходимлар оладиган иш ҳақларини ва қонуний йўл билан топилган бошқа даромадларини чет давлатларга ўтказишлари мумкин».

23. 30-моддада:

учинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхона Ўзбекистон Республикаси ходимларининг ва чет эллик ходимларнинг давлат ижтимоий суфуртаси бўйича ажратмаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ходимларининг пенсия таъминотига ажратмаларни амалдаги қонунларга мувофиқ тўлайди».

24. 31-моддада:

биринчи қисмнинг учинчи жумласидаги «совет» деган сўз «рубль» деган сўз билан алмаштирилсин.

25. 32-моддада:

иккинчи қисм чиқариб ташлансин;

учинчи қисм иккинчи, тўртинчи қисм эса учинчи қисм деб ҳисоблансин;

модда қўйидаги мазмундаги янги, тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхона қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда ишдан бўша-тилаётган ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига қонунларга мувофиқ риоя этиш кафолатланади».

26. 33-модда кўйпдаги таҳрирда баён этилсин:

«33-модда. Қўшма коорхонадан чиқиша мол-мулкини тақсимлаш

«Чет эллик инвестор қўшма корхонадан бутунлай чиққанда ёки бу корхона тугатилган тақдирда корхона мол-мулкидаги ўз улушкини бозор қийматига мувофиқ пул ёки товар шаклида қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда бошқа қатнашчиларга қўшма корхонадан чиқаётган ажнабий қатнашчининг улушкини сотиб олиш ҳуқуқи берилади».

27. 34-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34-м о д д а. Давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш

Чет эллик инвестор давлатнинг қимматбаҳо қоғозларини қонунларда белгилаб қўйилган тартибда сотиб олади».

28. 35-м о д д а қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35-м о д д а. Юридик шахсларнинг қимматбаҳо қоғозларини сотиб олиш

Чет эллик инвесторлар Узбекистон Республикаси юридик шахсларининг акциялари ва бошқа қимматбаҳо қоғозларини сотиб олишга ҳақлидирлар. Уларни сотиб олиш тартиби ва шартлари қонунлар билан белгилаб қўйилади».

29. VII бўлимнинг номи ўзгартирилиб, қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАРНИНГ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУҚУҚЛАРИНИ ОЛИШИ, ИЖАРА ВА КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАЛАРИ»

30. 36-м о д д а д а:

биринчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларга ва чет эл инвестициялари иштироқидаги корхоналарга шартнома шартларида кўрсатилган муддатга ер ижарага берилиши мумкин».

31. 37-м о д д а д а:

биринчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Чет эллик инвесторларга мол-мулкни ижарага бериш ижарага берувчи томонидан шартномалар асосида ҳамда қонунларга мувофиқ амалга оширилади»;

иккинчи қисм чиқариб ташлансин.

32. 38-м о д д а д а:

биринчи қисмдаги «тикланадиган ва тиклаб бўлмайдиган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

33. VIII бўлимнинг номи ўзгартирилиб, қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«НИЗОЛАРНИ КАРАБ ЧИКИШ ВА ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР»

34. 39-м о д д а д а:

иккинчи қисмдаги «низолар Узбекистон Республикаси судларида» деган сўзлар «низолар Узбекистон Рес-

публикаси ҳакамлик судларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИҚАСИННИГ ФУҚАРОЛИГИ ТУҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 338-модда)

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикаси фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манбаатларини ҳимоя қилади.

2-м о д д а. Тенг фуқаролик

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги фуқароликини олиш асосларидан қатъи назар барча учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишлиаридан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машгулотининг тури ва сажияси ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенгҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий тур-

мушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг ҳам фуқаро-сиdir.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-лик тўғрисидаги қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида қабул этилган ушбу Қонундан ва Ўзбекистон Республикасининг шу Қонунга мувофиқ чиқариладиган бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги-га мансублик

Қўйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-лари бўладилар:

1) келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, машғулотининг тури ва сажиясидан қатъи назар, ушбу Қонун кучга кирган вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмаган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахслар;

2) давлат йўлланмаси билан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаётган ёки ўқиётган шахслар, агар улар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида туғилган бўлсалар ёки доимий яшаганликларини исбот қилган бўлсалар, бошқа давлатларнинг фуқаролари бўлмасалар ва ушбу Қонун кучга кирганидан кейин кечи билан бир йил ичida Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган бўлсалар;

3) Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахслар.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаро-лигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса — туғилганлик тўғрисида-

ги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг ва туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасининг намуналари ни, уларни бериш тартиби ва шартларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

6-модда. Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда фуқароликнинг сақланиб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эркак ёки аёлнинг чет эл фуқароси билан ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай ишкоҳнинг бекор қилиниши эр ёки хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг фуқаролиги ўзгариши иккинчишининг фуқаролиги ўзгаришига олиб келмайди.

7-модда. Чет элда яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элда яшави Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхталишига олиб келмайди.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элда давлат томонидан ҳимоя қилиниши

Чет элда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлигидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикаси, унинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўзлари борган мамлакат қонунлари билан, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароси борган давлат қатнашаётган шартномалар ҳамда халқаро одатлар билан бериб қўйилган ҳамма ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари учун чоралар

кўришлари, уларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан муҳофаза қилишадиган манфаатларини қонунларда белгиланган тартибда ҳимоя қилишлари, зарур ҳолларда эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чораларини кўришлари шарт.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқарөсини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахснинг чет давлат фуқаролигига мансублиги тан олинмайди.

Алоҳида ҳолларда, хорижий давлат фуқаролари бўлмиш ватандошлар, агар улар ёки уларнинг ота-оналари, бувалари ёки бувилари бир вақтлар мавжуд тузум туфайли ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган, бўлсалар, ўз илтимосларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши маҳсус комиссиясининг холосасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ҳам қабул қилинишлари мумкин.

11-модда. Фуқаролиги бўлмаган шахслар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб тургани ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқароси булмаган, ва чет давлат фуқаролигига мансублигини исботлайдиган далиллари бўлмаган шахслар фуқаролиги бўлмаган шахслар деб хисобланади..

**II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛИШ**

12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда олинади:

- 1) туғилганда;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши натижасида;
- 3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича;
- 4) ушбу Конунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

13-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Туғилган пайтида ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган бола, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёхуд Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

14-модда. Онаси ёки отаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган болаларнинг фуқаролиги

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган қўйидаги ҳолларда бола Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

- 1) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса;
- 2) агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туғилган бўлсаю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлса.

Ота-онасининг фуқаролиги ҳар .хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлган бўлсалар, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодалангандан келишувни билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси эса .фуқаролиги ўйқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар у Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

15-м о д д а. Фуқаролиги бўлмаган шахслар болаларининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган боласи Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

16-м о д д а. Ота-онаси номаълум бўлган болаларнинг фуқаролиги

Ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

17-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра ушбу Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш;

2) сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаганлик;

Ушбу қонда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, буваси ёки бувиси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилганилигини ва бошқа давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди;

3) қонуний тирикчилик манбаларининг мавжудлиги;

4) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини тан олиш ва бажариш.

Ушбу модданинг 1, 2 ва 3-бандларида қайд этиб ўтилган талаблар алоҳида ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси олдида буюк хизматлари ёки фан, техника ва маданият соҳасидаги катта ютуқлари бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикасини қизиқтирадиган касб ёхуд малакага эга бўлган айрим шахсларга нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Агар шахс:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зурлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса;

фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони утаетган бўлса, уни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

18-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш

Илгари Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган шахс ўз илтимосномасига биноан ушбу Қонун талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тикланиши мумкин.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИНИНГ ТУХТАТИЛИШИ

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиши асослари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

1) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш оқибатида;

2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш оқибатида;

3) Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида назарда тутилган асосларга биноан;

4) Ушбу Қонунда кўзда тутилган бошқа асосларга биноан.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилиши Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролигининг тўхтатилишига сабаб бўлади.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш

Ушбу Қонунда белгиланган тартибда шахснинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат этилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши илтимос қилувчи шахс давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг муҳим манбаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятларини бажармаган бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши рад этилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши илтимос қилувчи шахс айбланиувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро этилиши зарур бўлган суд ҳукми бўлса ёки шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикаси давлат ҳавфсизлиги манбаатларига зид бўлса, унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига йўл қўйилмайди.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиши

Қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги йўқотилади:

1) шахс чет давлатда ҳарбий хизматга, ҳавфсизлик хизмати идораларига, полицияга, адлия идораларига ёки давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа идораларга ишга кирганлиги натижасида;

2) агар чет элда доимий яшовчи шахс беш йил давомида узрли сабабларсиз консуллик ҳисобига турмаган бўлса;

3) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ёлғонлиги шак-шубҳасиз маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида олинган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиққан кундан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилади.

IV. ОТА-ОНАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИГИ ЎЗГАРГАНДА ВА ФАРЗАНДЛИККА ОЛИНГАНДА БОЛАЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИГИ

22-модда. Ота-оналарининг фиқаролиги ўзгарганда тақдирда болалар фуқаролигининг ўзгариши

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарганлиги натижасида уларнинг ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтганида ёки ҳар иккаласи Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиққанида, ўз навбатида уларнинг 14 ёшга тўлмаган болаларининг фуқаролиги ҳам ўзгаради.

Агарда боланинг ота-онасидан бири маълум бўлса, ана шу ота ёки онанинг фуқаролиги ўзгарганида 14 ёшга тўлмаган боланинг фуқаролиги ҳам тегишли суратда ўзгаради.

23-модда. Васийлик ёки ҳомийликка олинган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи боланинг ота-онаси ёки ёлғиз отаси ё бўйлмаса онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқсалар ва айни вақтда улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари васийликка ёки ҳомийликка олган боланинг тарбиясида иштирок этмасалар, ота-она, васий ёки ҳомийнинг илтимосига кўра бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

24-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган тақдирда болаларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланса, бошқаси эса чет эл фуқароси бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини

Элаётган ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бола
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши мумкин.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси
фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган
шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳуду-
дидаги яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига
айланади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси
фуқаросига айланса, бошқаси эса фуқаролиги бўлма-
ган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси-
дан ташқарида яшовчи бола Ўзбекистон Республикаси
фуқаролигини олаётган ота ёки онанинг илтимоснома-
сига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини оли-
ши мумкин.

**25-модда. Ота-онасидан бири Ўзбекистон Респу-
бликаси фуқаролигидан чиқсан
тақдирда боланинг Ўзбекистон Респу-
бликаси фуқаролигини сақлаб қо-
лиши**

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси
фуқаролигидан чиқса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси
фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикаси
фуқаролигини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқаётган
ота ёки онанинг илтимосномасига кўра бундай боланинг
Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рух-
сат этилиши мумкин.

**26-модда. Бола фарзандликка олинган тақдирда
Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги-
ни олиши**

Чет эл фуқароси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахс
бўлиб, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан
фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республика-
си фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси
фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги бўл-
маган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка
олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига
айланади.

Фуқаролиги бўлмаган, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

Чет эл фуқароси бўлиб, бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр хотин томонидан фарзандликка олинаётган бола фарзандликка олувчиларнинг келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаросига айланади.

27-модда. Фарзандликка олинган тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, чет эл фуқаролари томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси чет эл фуқароси бўлган эр хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Фарзандликка олувчиларнинг илтимосномасига кўра бундай боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига рухсат берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, болани фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан фарзандликка олинган ёки бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бошқаси фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр хотин томонидан фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади.

28-модда. Болаларнинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида улар розилик беришининг зарурлиги

Ота-оналарининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда, шунингдек болалар фарзандликка олинган тақдирда 14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган болаларнинг фуқаролиги ушбу Қонуннинг 34-моддасида кўзда тутилган тартибда фақат болаларнинг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

V. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ ТҮҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТУВЧИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАҚОЛАТЛАРИ

29-м о д д а. Үзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Үзбекистон Республикасининг давлат идоралари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги ишларни юритувчи Үзбекистон Республикасининг давлат идоралари қўйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

Ўзбекистон Республикасининг Йчки ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари.

30-м о д д а. Үзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

2) чет элда яшаётган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентига тегишли илтимоснома билан мурожаат этган тақдирда уларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида;

3) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш тўғрисида;

4) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисида;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисида қарор қабул қиласди.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ватегишили ваколатлар берилган унга бўйснинувчи идоралар:

- 1) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қиласди;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;
- 3) фуқаролик масалаларига доир аризани зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллади;
- 4) Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлади;
- 5) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўкотган ҳолларни қайд этади.

32-модда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари:

- 1) чет элларда доимий яшаб турган шахслардан Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризаларни қабул қиласди;
- 2) Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига доир аризани асослаш мақсадида келтирилган далил ва ҳужжатларни текширади;
- 3) фуқаролик масалаларига доир аризаларни зарур ҳужжатлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари бўйича комиссияга йўллади;
- 4) чет элда доимий ишлаб турган шахсларнинг Ўз-

бекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлайды;

5) чет элда доимий яшаб турган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганлигини қайд этади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшаб турган фуқароларини ҳисобга олади.

VI. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД АРИЗАЛАР ВА ТАҚДИМНОМАЛАРНИ КҮРИБ ЧИҚИШ

33-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалар топшириш тартиби

Фуқаролик масалаларига оид аризалар Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчиларнинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари орқали, чет элда доимий яшовчи шахслар томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари орқали топширилади.

Чет давлат фуқароси бўлган шахс ўз фуқаролигини ўзгартириш ниятида мазкур давлатнинг муносабатини кўрсатувчи ҳужжатни тақдим этиши шарт.

34-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларнинг шакли

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномалар аризачининг ёзма илтимосига биноан кўриб чиқилади. 18 ёшга тўлмаган шахслар хусусидаги илтимосномалар улар вакилларининг нотариал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан тасдиқланган қонуний вакилларининг илтимосига биноан кўриб чиқилади.

14 ёшдан 18 ёшгacha бўлган болаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига олиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш ва ундан чиқариш тўғрисида ариза топшириш чоғида уларнинг розилиги бўлиши шарт. Бундай розилик ёзма баён этилиши ва нота-

риал идоралар томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасалари томонидан тасдиқланган булиши керак.

Вояга етмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши тўғрисида илтимоснома топширганда, башарти унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қоладиган бўлса, унинг ўз боласининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишига муносабати билдирилган аризаси ҳам тақдим этилиши керак. Бундай ариза нотариус томонидан, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муссасаси томонидан тасдиқланган булиши шарт.

Башарти ариза берувчи саводсизлиги ёки жисмоний камчиликлари сабабли аризани имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан бошқа киши аризани имзолайди, бу ҳақда ички ишлар идораси, чет элда эса Ўзбекистон Республикаси тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан аризага ёзиб қўйилади.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлаш

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги ариза унинг доимий истиқомат жойида ички ишлар идорасига, чет элда доимий яшайдиган шахс томонидан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансубликни аниқлашда шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғланаётган вазият бошланган пайтда амал қилиб турган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномаларнинг қоидалари қўлланилади.

36-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалирини расмийлаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар ариза берувчи шахсан мурожаат этган

тақдирда унинг доимий истиқомат жойидаги ички ишлар идоралари, чет элда доимий яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ёки консуллик муассасалари томонидан расмийлаштирилади.

Ўзрли сабаблар бўлган тақдирда ички ишлар идоралари, тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари фуқаролик тўғрисидаги ҳужжатларни бошқа шахслар ёки почта орқали юборилган аризаларга мувофиқ расмийлаштиришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид аризалар берилганда давлат божи тўланади, унинг миқдори Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

37-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризалар юзасидан хulosалар

Фуқаролик масалаларига оид аризани расмийлаштираётган ички ишлар идораси ёки тегишли дипломатия ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасаси мазкур ариза юзасидан асосланган хуносасини чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномалар юзасидан ўз хulosаларини ҳамда бошқа зарур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги фуқаролик масалалари комиссияси номига юборадиллар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги аризаларга оид хulosаларда ариза берувчининг давлат олдида бажарилмай қолган мажбуриятлари ёки унинг фуқаролар ёхуд давлат, кооператив ва бошқа жамоа ташкилотлари муҳим манбаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбуриятлари хусусидаги, уни айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги, ёхуд унга нисбатан суднинг қонуний кучга кирган, ижро этилиши лозим бўлган ҳукмни мавжудлиги ҳақидаги ё бўлмаса мазкур шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиши Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳавфсизлиги манбаатларига зидлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам хабар қилинади.

38-модда. Аризалар ва тақдимномаларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги фуқаролик масалалари комиссиясида дастлабки тарзда кўриб чиқилиши

Ушбу Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган фуқароликка оид масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фуқаролик масалалари комиссиясини тузади.

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ва тақдимномаларни кўриб чиқиш пайтида комиссия ариза берувчининг далилларини, тақдимноманинг мазмунини, давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг хulosаларини, бошқа ҳужжатларни ҳамда тегишли тарзда расмийлаштирилган гувоҳлар кўрсатмаларини атрофлича баҳолайди.

Башарти, шахс Қорақалпоғистон Республикасиға бориб яшамоқчи бўлса, комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг уни Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул этиш ёки унинг фуқаролигини тиклаш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги, шу жумладан республикада унга иш, турар-жой ва бошқа қулайликлар бериш имконияти бор-йўқлиги ҳақидаги фикрини эътиборга олади.

Комиссия ўз ихтиёридаги иш юзасидан материаллар ва ҳужжатларни тегишли давлат идоралари ва жамоат ташкилотларидан талаб қилиб олишга ҳақлидир, бу давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари эса комиссия белгилаган муддатда зарур маълумотни тақдим этадилар.

Комиссия ҳар бир ариза ёки тақдимнома юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Комиссиянинг қарори баён билан расмийлаштирилади, уни комиссиянинг мажлисда қатнашган барча аъзолари имзолайдилар .

39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик масалалариға оид қарорларнинг қабул этилиши

Фуқаролик масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлар чиқаради.

Агар Фармонда бошқа муддат белгиланган бўлмаса, фуқароликдаги ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқарилган кундан бошланиди.

Фуқаролик масаласига оид тақорорий ариза, қоида тариқасида, шу масалага оид аввалги қарордан кейин бир йил ўтгач кўриб чиқилади. Иш учун муҳим бўлган ҳамда ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган вазиятлар вужудга келгани тақдирда тақорорий ариза илгарироқ ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

40-модда. Фуқаролик масалаларига оид аризаларни кўриб чиқиш муддати

Фуқаролик масалаларига оид аризалар ёки тақдимномаларни кўриб чиқиш муддати бир йилдан ошмаслиги керак.

VII. УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ҚАРОРЛАРНИНГ ИЖРОСИ

41-модда. Фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этувчи идоралар

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижроси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли идоралари, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари, чет элда яшовчи шахсларга нисбатан эса Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зиммасига, Ўзбекистон Республикасининг тегишли дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари зиммасига юклатилади.

42-модда. Паспортлар ва истиқомат учун гувоҳномалар бериш

Қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олган шахсларга Ўзбекистон Рес-40

публикасининг ички ишлар идоралари ёки дипломатия ваколатхоналари ёхуд консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси паспорти топширилади. 16 ёшга етмаган болаларнинг ҳужжатларига уларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёзиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасида яшаб турган лекин Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўхтатилган, бошқа давлат фуқароси бўлмаган шахсларга ички ишлар идораси томонидан фуқаролиги бўлмаган шахсларга мўлжалланган истиқомат гувоҳномаси берилади.

43-м о д д а . Фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижросини назорат қилиш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид қарорлар ижроси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси томонидан, шунингдек бошқа ваколатли идоралар томонидан ўз ҳуқуqlари доирасида назорат этилади.

VIII. МАНСАБДОР ШАХСЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИГА ОИД НОҲАҚ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ

44-м о д д а . Мансабдор шахсларнинг фуқаролик масалаларига оид ноҳақ хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш

Фуқаролик масалаларига оид аризаларни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлик, аризани кўриб чиқиш муддатлари бузилганлик, шунингдек мансабдор шахсларнинг фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тартибини ва фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш тартибини бузадиган, бошқа ноҳақ хатти-ҳаракатлари хусусида улар бўйсунадиган юқори мансабдор шахсга ёки судга қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

IX. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

45-модда. Халқаро шартномаларнинг қўлланилиши

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ФУҚАРОЛИГИ ТҮҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашиниң

1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашиниң
Ахборотномаси,

1992 йил, 9-сон, 339-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласди:

1. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги түғрисінде»гі Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда
әтълои қилинган күйдан башлаб амалга киритилсі.

2. Ушбу Қонун у күчга кирганидан кейин юзата қе-
ладиган ҳуқуқи мунисабаттарга иисбатан құлланы-
лади.

3. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Ўзбе-
кистон Республикасынинг фуқаролиги түғрисінде»гі Ўз-
бекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келти-
рілгениң қадар Ушбу Қонуига зид бўлмаган амалдаги
Қонуи ҳужжатлари қўлланылаверади.

4. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти
ҳақидаги ҳамда тұғылғанлық түғрисінде говоҳиома
ҳақидаги низомлар тасдиқлашунга ва уларниң наму-
налари тайёрланғунга қадар мавжуд ҳужжатлар амал-
да бўлаверади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини
ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсі;

ушбу Қонунга зид бўлган идоравий норматив ҳуж-
жатлар қайта кўриб чиқилишини ва бекор қилиншини
таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ва түғилганлик тұғрисидаги гувоҳномаси ҳақидағы низомларни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар беришга доир 5- ва 42-моддаларнинг босқичма-босқич жорий этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХАЛҚ
ДЕПУТАТЛАРИНИНГ МАҚОМИ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ
8-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ
ХАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 341-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласи:

«Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг
мақоми түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-
нинг 8-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмидаги «ССЖИ» деган сўз «Ўзбекистон
Республикаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

модда қуйидаги мазмундаги IV қисм билан тўлди-
рилсин:

«Алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Республикаси халқ
депутатининг ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг қарорига биноан муддатидан илгари тўх-
татилиши мумкин. Халқ депутати деган юксак номни
обрўсизлантирувчи хатти-ҳаракатлари, унинг давлат
тузилиши асосларини қўпоришга, ижтимоий-сиёсий ва-
зиятни беқарорлаштиришга, шунингдек давлат ҳоки-
мияти ва бошқарувни идораларининг қонунга мувофиқ
қабул қилинган қарорларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва
эркинликларига қарши қаратилган ғайриконституция-
вий хатти-ҳаракатларни содир этиши ёки шундай хатти-
ҳаракатларга даъват этиши шундай масаланинг қараб
чиқилиши учун асос бўлиши мумкин. Ўзбекистон Респ-
убликаси Олий Қенгашининг Депутатлик одоби комис-
сияси ва Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг фикрини ҳи-
собга олган ҳолда қабул қилинади».

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

ТАЪЛИМ ТҮФРИСИДА¹

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси, 1992 йил, 9-сон, 342-модда)

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқлари-
дан биридир.

Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни иж-
тимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий ривожланти-
ришнинг устивор соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат
сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тари-
хий тажрибасини, маданий ва фан бобидаги кўп аср-
лик анъаналарини, жамиятнинг истиқболдаги ривожини
ҳисобга олган ҳолда юргизади.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади, у
республиканинг акл-заковат ва илм борасидаги куч-
қувватини ривожлантириш, жамият, оила ва давлат
олдидаги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан
баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўз-
лайди.

I. Б Ү Л И М. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг таълим түғрисидаги қонуплари

Гаълим Конституцияга, «Ўзбекистон Республикаси-
нинг давлат мустақиллиги асослари түғрисида»ги Ўз-
бекистон Республикаси Қонунига, ушбу Қонунга ва
уларга мувофиқ ҳолда чиқариладиган бошқа қонун
хужжатларига мувофиқ рӯёбга чиқарилади.

Қорақалпоғистон Республикасида таълимга доир
масалалар Қорақалпоғистон Республикасининг Консти-
туцияси ҳамда қонуллари билан тартибга солиб бори-
лади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 май Қонуни билан
киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан.

2-м о д д а. Таълим тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари

Таълим тўғрисидаги қонунлар фуқароларнинг илм олиш соҳасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим соҳасидаги ўзаро муносабатларининг принциплари, ҳуқуқ-ваколатлари ва масъулиятларини, Ўзбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишининг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб беради.

3-м о д д а. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қўйидагилардан, чунончи:

таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократикилиги;

таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;

давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;

таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;

давлат таълим стандартлари доирасида ҳамманинг таълим олиши учун имконият яратилганлиги;

таянч (тўқиз синф ҳажмидаги) таълимнинг мажбурийлиги;

таълим, маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимдонлик ва истеъодони рағбатлантириш;

таълим муассасаларида чет тилларини ўрганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш;

таълим муассасаларининг сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий харакатларнинг таъсиридан холи бўлиши;

тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;

педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш;

амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклларидаги таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлиги, уларнинг мустақиллигидан иборатdir.

4-м о д д а. Илм олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси келиб чиқиши, жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан, ижтимоий аҳволи, машғулотининг тури, турар жоёйи, республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан катъи назар барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

Таълим муассасаларига қабул қилиш шартлари давлат бошқарув идоралари томонидан тасдиқланадиган қоидалар билан белгиланади.

Таълим олиш ҳуқуқи:

таълим олиш учун ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратиш;

давлат тасарруфидаги ва давлат тасарруфида булмаган таълим муассасалари тармоқларини ривожлантириш;

давлат тасарруфидаги таълим муассасаларida бепул таълим олиш ва давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларida белгиланган меъёрлар доирасида таълим олиш;

таълимнинг кундузги, кечки, сиртқи, оиласдаги ва экстернат таълим каби турли шаклларидан фойдаланиш, давлат таълим муассасаларida шартнома асосида пуллик таълимни йўлга қўйиш;

барча турдаги таълим муассасаларини битирувчи-ларнинг таълимнинг кейинги босқичи ўқув юртига киришларida тенг ҳуқуққа эга эканлиги билан таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари таълимни шартномалар ва битимларда белгиланган шартларда ва тартибда республика таълим муассасаларida оладилар.

5-м о д д а. Таълим тиллари

Таълим муассасаларida таълим беришда қайси тилдан фойдаланиш «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади.

6-м о д д а. Таълимнинг давлат стандартлари

Ўзбекистон Республикасида мулкчиликнинг барча шаклидаги ўқув юртлари учун мажбурий бўлган маъ-

лумот савиясига ва ўқув дастури ҳажмларига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берувчи, таълимнинг жаҳон тажрибаси мезонларига мос давлат стандартлари белгиланади.

Таълимнинг давлат стандартларини белгилаш ва жорий этиш тартиби Узбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади.

II БҮЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

7-м о д д а. Ўзбекистон Республикасида таълим тизими

Ўзбекистон Республикасида таълимнинг ягона тизими амал қилиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

мактабгача тарбия;

умумий таълим;

мактабдан ташқари таълим;

хунар-техника таълими;

ўрта маҳсус таълим;

олий таълим;

илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш;

кадрларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

оиласдаги таълим;

мустақил таълим.

Таълим тизими ўқув режалари ва дастурлари мувофиқлаштирилганлиги, таълим босқичлари ва шаклларининг изчиллиги, таълимнинг давлат стандартларига мос келиши билан таъминланади.

8-м о д д а. Мактабгача таълим

Мактабгача таълимнинг вазифаси бола камолати асосларини шакллантиришдан, унинг билимга қизиқиншини, маданий-аҳлоқий эҳтиёжларини, дастлабки меҳнат кўникмаларини, илмга муҳаббат қўйишини ўстиришдан, саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатdir.

Мактабгача тарбия оиласда ва мактабгача тарбия муассасаларида олиб борилади.

9-м о д д а. Умумий таълим

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчилар илмий билим, меҳнат ва бошлангич касб-кор кўникумалари, ишбилар-монлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қобилиятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Умумий таълим уч босқич: бошлангич (I—IV синфлар), таянч (V—IX синфлар) ва ўрта (X—XI (XII) синфлар) босқичидан иборат бўлиб, бошлангич, таянч ва ўрта мактабларда, бошқа ўрта ўқув юртларида (гимназиялар, лицейлар ва бошқаларда) амалга оширилади.

Таянч таълими мажбурий бўлиб, таълим олувчиларга ўрта таълим муассасаларида, турли хил ҳунар ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Ҳар бир босқичда таълим олувчининг ёши ва таълимнинг давомийлик муддати тегишли таълим муассасининг устави билан белгиланади.

III босқич таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

Ўрта умумий таълим муассасаларида ихтисослашган таълим амалга оширилиши, ўқувчилар танлови бўйича курслар жорий этилиши ва фанлар чуқур ўргатилиши мумкин. Бундай курсларнинг дастурлари умумитаълим муассасалари томонидан тасдиқланади.

10-м о д д а. Мактабдан ташқари таълим

Болалар ва ўсмирларнинг шахсий талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш мақсадида давлат идоралари, мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар маданий-аҳлоқий, табий-илмий, техника, спорт ва бошқа йўналишдаги мактабдан ташқари муассасалар барпо этишлари мумкин.

Турли хилдаги мактабдан ташқари муассасалар фаолиятига давлат томонидан кўмак берилади, бу фаолият таълим идоралари томонидан мувофиқлаштирилади, уларнинг белгиланган тартибда тасдиқланган низомлари билан тартибга солинади.

11-м о д д а. Ҳунар-техника таълими

Ҳунар-техника таълими меҳнат ва касб-кор маҳорати ҳамда кўнікмалари олишини, ишчи кадрлар тайёрлашни, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни мақсад қилиб қўяди.

Ҳунар таълими ҳунар билим юртларида, ўқув-ишлаб чиқариш, ўқув-курс комбинатларида, марказларида, бошқа ўқув юртларида ёки бевосита ишлаб чиқаришда олиб борилади.

Ҳунар-техника таълими таянч таълими асосида бир вақтнинг ўзида умумий ўрта таълим бериш ёки фақатгина касб ўргагиб қўя қолиш ёхуд бошқа таълим асосида фақатгина касб ўрганиш орқали амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ҳунар-техника билимлари ўргатиладиган таълим муассасаларида дастлабки касбни ўрганаётган, шунингдек иш билан таъминлаш давлат хизматининг йўлланмаси билан қайта тайёргарликдан ўтаётган фуқароларнинг таълим олиши бепулдир.

12-м о д д а. Ўрта маҳсус гаълим

Ўрта маҳсус таълим ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш мақсадини қўллайди.

Ўрта маҳсус таълим техникумларда, билим юртларида, коллежларда ва бошқа ўрта маҳсус ўқув юртларида, шу жумладан ўзга хилдаги ўқув юртлари (ҳунар-техника билим юртлари ёки олий ўқув юртлари) билан қўшилган ўрта маҳсус ўқув юртларида таянч, ўрта, ва ҳунар-техника таълими негизида амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ўрта маҳсус билим ўргатиладиган таълим муассасаларида дастлабки касбни ўрганаётган, шунингдек иш билан таъминлаш хизматининг йўлланмаси билан қайта тайёргарликдан ўтаётган фуқароларнинг таълим олиши бепулдир.

13-м о д д а. Олий таълим

Олий таълим ўзи танлаган фаолият соҳасида чуқур умумилмий ва маҳсус билимни зарур касб-кор кўнікмаси билан уйғунлаштирадиган юқори малакали мутахассислар, шунингдек илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш умумий ўрта, ўрта ҳунар-техника, ўрта маҳсус таълим асосида амалга оширилади. Олий ўқув юртларида таълим олиш учун саралаш ва ўқишига қабул қилиш қонунлар билан тартибга солинади.

Олий ўқув юртларидағи таълим икки босқичли асосда, Узбекистон Республикасининг Ҳукумати тасдиқланган Низомга мувофиқ изчил тарзда бакалавр ва магистр даражаси бериш орқали амалга оширилади.

Сиртқи ёки мустақил таълим тарзида ўрганишга йўл қўйилмайдиган касб ва ихтисослар рўйхати Узбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади. Фуқаролар шартнома (пуллик) асосида иккинчи олий маълумот олишга ҳақлидирлар.

Олий ўқув юртларининг фаолияти ўз уставлари билан тартибга солинади. Олий ўқув юртлари қонунларда белгиланган тартибда вақти-вақти билан аттестация ва аккредитациядан утказиб турилади.

14-модда. Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш уз-луксиз таълим тизимида олий босқич ҳисобланиб, шахс ва жамият эҳтиёжларини, шунингдек жамиятнинг бундай кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришни таъминлади.

Илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш, илмий даражалар ва унвонлар бериш тартиби қонунлар билан белгиланади.

Олий таълим тизимидағи илмий фаолият шартномалар, контрактлар, давлат буюртмалари, дастурлари, лойиҳалари бўйича, шунингдек ўз илмий манфаатларига мувофиқ илмий жамоалар, айрим муассасалар томонидан амалга оширилади. Шу мақсадда илмий илмий ишлаб чиқариш бўлинмалари, бирлашмалари, уюшмалари, талаба ёшларнинг илмий-техника ҷходиёти марказлари ва бошқа тузилмалар тузилади.

15-модда. Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ижтимоий ривожланиш, фан-техника тарақ-

қиёти талаблариға, ишлаб чиқаришдаги, мөхнат бозоридаги ўзгаришларга мувофиқ равишда, шунингдек одамларнинг шахсий талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, касбий билим ҳамда кўникмаларини чуқурлаштириш ва бойитиш, шунингдек янги ихтисос ўргатиш мақсадида амалга оширилади.

Кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш давлат маблағлари ҳисобидан, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, айрим шахслар билан шартномалар асосида давлат тасарруфидаги ва бошқа хил ўқув юртлари базасида амалга оширилади. Таълимнинг шакллари, муддатлари ва мазмуни буюртмачи билан келишилган ҳолда ўқув юртлари томонидан белгиланади.

16-модда. Оиладаги таълим

Ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари шахснинг жисмоний, маънавий камолати ва ақл-заковати жиҳатидан ривожланишига асос солишлари лозим.

Ота-оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар боланинг маълумотни оиласи учун имконият яратиб беришга ҳақлидирлар. Бундай ҳолларда ўқувчиликларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар билан таълим муассасаси, таълимни бошқарувчи тегишли идора ўртасида шартнома тузилиб, унда бола, оила ва жамиятнинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда томонларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа мажбуриятлари белгилаб қўйилади.

Болаларга уй шароитларида таълим бериш ўқув юртларининг дастурлари бўйича амалга оширилиб, кеийинчалик экстернат тартибида аттестациядан ўтказилиди.

Оилада таълим олаётган шахслар тегишли аттестациядан ўтгач, таълимнинг исталган босқичидан бошлаб ўқишини таълим муассасасида давом эттиришга ҳақлидирлар.

Давлат оиладаги таълимга ёрдам кўрсатади. Тегишли давлат муассасалари томонидан қонунларда белгиланган тартибида методик, диагностик, маслаҳат ёрдами берилади. Қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибида оилага компенсация тўланиши мумкин.

17-м о д д а. Мустақил равишда билим олиш

Давлат одамларнинг мустақил равишда ўз маълумотлари, маданий ва касб-кор савияларини оширишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлайди ва бунинг учун зарур шароитлар яратиб беради.

Билим ёки малака даражасини мустақил равишда оширган шахсларга экстернат тартибида имтиҳон топшириш имконияти яратиб берилади.

18-м о д д а. Таълим тўғрисидаги ҳужжатлар

Аkkредитациядан ўтган таълим муассасаларининг битиравчиларига, мактабгача таълим муассасалари бундан мустасно, таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги ҳужжат берилади.

Таълим тўғрисидаги белгиланган намунадаги ҳужжат мустақил равишда, оиласда билим олиш орқали таълим олган ёки ўз билим ёхуд малакаси даражасини оширган, экстернат тартибида имтиҳонларни муваффақиятли топширган шахсларга ҳам берилади.

Аспирантура, докторантурани тутатиб, диссертация ёқлаганидан кейин фан номзоди ёки фан доктори илмий даражаси ва диплом берилади.

Давлат таълим тўғрисидаги ҳужжатлар амалдаги халқаро қоидаларга мувофиқ келишини таъминлайди.

III БЎЛИМ. ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ

19-м о д д а. Таълим тизимини бошқаришнинг давлат-ижтимоий хусусияти

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини бошқариш давлат-ижтимоий хусусиятига эгадир.

20-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги ваколатлари

Таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасининг тасаруфига олий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан амалга ошириладиган:

таълим соҳасида ягона давлат сиёсати белгилаш ва амалга ошириш;

таълим соҳасида ҳуқуқий бошқаришни амалга ошириш;

таълимни ривожлантириш, уни моддий-техника жиҳатидан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва рӯёбга чиқариш;

таълимни давлат томонидан бошқарилишининг марказий идораларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш;

таълим муассасалари ташкил этиш, уларни қайтадан тузиш ва тугатиш тартибини белгилаш, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

таълим тўғрисидаги ҳужжатлар намуналарини ва уларни бериш тартибини тасдиқлаш;

таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилиш ва уларга лицензиялар бериш тартибини, педагогик ва илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш;

таълимнинг жаҳон даражасига мос давлат стандартларини белгилаш;

республика бюджетининг таълимга йўналтириладиган улушкини белгилаш;

таълимни пул билан таъминлашнинг давлат меъёrlарини, шу жумладан таълим олувчилар ва педагог ходимларни моддий таъминлашнинг меъёrlарини, таълим муассасаларига солиқ солиш, таълим олувчилар ва педагог ходимларга имтиёзлар бериш тартибини белгилаш;

таълим ва фанни ривожлантириш республика фондини шакллантириш;

педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш ваколатлари киради.

21-модда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг таълим соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари:

таълим муассасалари тармоқларининг ўз ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг талаб-эҳтиёжларига мос келишини таъминлайдилар;

республика идоралари тасарруфидаги ўқув юртлари ва таълим муассасаларидан ташқари ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари ташкил этадилар, улар-

ни қайта ташкил этадилар ва тугатадилар, уларнинг уставларини рўйхатдан ўтказадилар;

мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган маҳаллий аҳамиятга молик таълим муассасалари очиш учун лицензиялар берадилар;

ўз ваколатлари доирасида ўз ҳудудларидағи таълим муассасалари учун пул билан таъминлашнинг миқдорларини, иш ҳақи тўлаш шартлари ва солиқ имтиёзларини белгилайдилар; корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар, акциядор муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари, бошқа бадаллар ва ионалар ҳисобидан таълимни ривожлантириш фондларини шакллантирадилар;

таълим бўйича кенгашлар, таълим муассасалари раҳбарияти билан биргаликда таълим олувчилар ва таълим ходимларининг ижтиомий талаб-эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайдилар;

ўз ҳудудларида ишчи кадрлар ва мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар;

туар жойларда болалар ва ёшларни тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини ўстириш ва талаб-эҳтиёжларини қондириш учун лозим шарт-шароитлар яратадилар;

васийлик қилишга доир масалаларни қонунларда белгилangan тартибда ҳал этадилар;

ўз ваколатлари доирасида таълимнинг, педагог ходимлар касб-кор тайёргарлигининг даражасига нисбатан қўйилган давлат талабларига риоя этилиши устидан ўз ҳуқуқ-ваколатлари доирасида назоратни амалга оширадилар.

22-модда. Узбекистон Республикасида таълимни бошқариш давлат идоралари

Узбекистон Республикасида таълимни бошқаришни давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий ҳамда маҳаллий идоралари томонидан ваколат берилган маҳсус давлат идоралари амалга оширадилар.

Таълимни бошқариш давлат идоралари таълим муассасаларида давлат томонидан белгилangan талаблар ва меъёrlар бажарилишини таъминлайдилар, кимнинг тасарруфида эканлиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар таълим муассасаларига услубий раҳбарликни амалга оширадилар.

23-модда. Таълим муассасаларини бошқариш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва шу муассасаларнинг Уставига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасасига умумий раҳбарлик иши унинг белгиланган тартибда тузиладиган ва амал қиласидан кенгаши томонидан олиб борилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасасига бевосита раҳбарлик мудир, директор, ректор ёки бошқа раҳбар томонидан амалга оширилади.

Давлат тасарруфидаги ўрта умумий таълим, ҳунар-техника ва ўрта маҳсус таълим муассасаларининг раҳбарлари лавозимига давлат бошқарувининг тегишли идораси томонидан белгиланган тартибда тайинланадилар.

Давлат тасарруфидаги олий ўқув юртларининг ректорларини тегишли вазирликлар ва идораларнинг тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тайинлайди ва бу ректорлар ўқув-тарбия жараёнининг аҳволи учун тўлиқ жавобгар бўладилар.

Давлат тасарруфидаги бўлмаган республика аҳамиятига молик таълим муассасаларининг раҳбарлари муасислар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишиб тайинланади.

24-модда. Таълим муассасаларини бошқаришда жамоатчиликнинг иштироки

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини бошқариш ўқувчилар, талабалар, педагог ходимлар, хизматчилар, ота-оналар, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Таълим тизимида:

жамоанинг умумий йиғилиши (конференцияси);

ягона умумтаълим сиёсатини ўтказишда жамоатчилик ва давлат ҳамкорлигининг шакли сифатида таълим муассасасининг кенгаши;

таълим ходимлари ноҳия, шаҳар, вилоят конференциялари, республика сеъзи;

таълим масалалари бўйича ҳудудий кенгашлар, олий ўқув юртлари ректорларининг кенгашлари ва ўрта

максус ўқув юртлари директорларининг кенгашларидан иборат ижтимоий ўзини ўзи бошқариш идоралари фаолият кўрсатиши мумкин.

Таълим соҳасидаги жамоат бирлашмаларининг фаолияти қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

25-модда. Таълимни бошқариш давлат идоралари билан давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларининг ўзаро муносабатлари

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомга мувофиқ бундай фаолият билан шуғулланиш учун рухсат (лицензия) олганларидан кейингина таълим бериш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги қонунлари бузилган ҳолларда давлат таълим бошқарув органлари низо суд тартибида хал этилгунга қадар бу муассасалар фаолиятини тўхтатиб туришга ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ уларнинг раҳбарларини эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида таклиф киритишга хақлидир.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари га қабул давлат ўқув юртлари учун белгиланган тартибида ва муддатларда ўtkaziladi.

26-модда. Таълимни бошқариш давлат идоралари билан ўзга бўйсунувдаги таълим муассасаларининг ўзаро муносабатлари

Таълимни бошқариш давлат идоралари тармоқ ва бошқа давлат идоралари, ташкилотлари, муассасалари ва корхоналари бўйсунувдаги бўлган таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг таълимга доир қонунларига риоя этилишини назорат қилиб борадилар.

VI БУЛ ИМ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ. ВАЗИФАЛАРИ ВА МАҶСУЛИЯТЛАРИ

27-модда. Таълим олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Таълим олувчилар:

ўз инсоний қадр-қимматлари ҳурмат қилиниши, виж-
дон эркинлиги, ахборот эркинлиги, ўз қарашлари ва
эътиқодларини эркин ифода этиш;

давлат стандартларига мувофиқ таълим олиш;

ўқув юртини танлаш, шунингдек таълим муассасаси-
нинг уставига мувофиқ таълим соҳаси, шакллари ва
муддатларини, якка тартибдаги дастурларини танлаш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш;

~~турли~~ хил илмий фаолият, конференциялар, олимпиа-
далар, кўргазма ва танловларда иштирок этиш;

олган малакаларига мувофиқ равишда ўз касблари,
ихтисослари бўйича таълимни давом эттириш, шарт-
нома асосида қўшимча таълим олиш;

ёш хусусияти ва саломатлиги ҳолатига монанд мех-
нат фаолияти билан шуғулланиш;

иш жойида ҳақ тўланадиган қўшимча таътил олиш,
қисқартирилган иш вақти ва ишлаб чиқаришдан аж-
ралмаган ҳолда таълим олувчи шахслар учун қонун-
ларда назарда тутилган бошқа имтиёзлардан фойда-
ланиш ҳуқуқига эгадир.

Таълим олувчиларни ўқиши вақти ҳисобидан таълим
жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишга жалб этиш та-
қиқланади. Узбекистон Республикаси Ҳукумати қарор-
ларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Таълим олувчиларни вазифалари:

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, аҳлоқ ва
одоб кондаларига риоя этиш;

таълим муассасасининг устави ва ички тартиб
қондаларига риоя этиш;

ўз билимлари, амалий кўникмалари, касб-кор маҳо-
ратларини мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориш
ҳамда ўзларининг умуммаданий савияларини ошириш-
дан иборатdir.

Таълим олувчиларнинг бошқа ҳуқуқлари ва маж-
буриятлари Узбекистон Республикасининг қонунлари,

таълим муассасалари тўғрисидаги низомлар ҳамда уларнинг уставлари билан белгиланади.

28-м о д д а. Таълим олувчиларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш

Таълим олувчилар белгиланган тартибда стипендиялар, нафақалар, ётоқхоналар, интернатлар, имтиёзли ёки бепул овқат билан ва бошқа имтиёзлар билан таъминланадилар.

Таълим олувчиларга кутубхона фонди, ўқув-ишлабчиқариш, илмий, спорт, майший хизмат ва соғломлаштириш базаларидан, транспорт хизматидан, театр ва бошқа томоша муассасаларининг хизматидан белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартларда фойдаланиш кафолатланади.

Давлат иқтидорли ёшларга моддий жиҳатдан кўмак бериш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларида ўқиш ва тажриба ошириш имкониятини яратиш йўли билан доимий фамхўрлик кўрсатади.

29-м о д д а. Таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш

Таълим муассасалари таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратадилар. Ўқув-меҳнат топшириқлари, таълим олувчиларнинг машғулот ва овқатланиш тартиб-қоидаси, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби таълимни бошқариш давлат идораларининг соғлиқни сақлаш идоралари билан келишиб олинган тавсиялари асосида таълим муассасалари томонидан белгиланади.

Таълим олувчиларнинг қонунларда белгиланган ўқиши, меҳнат қилиши ва дам олиш шарт-шароитларига риоя этилиши учун таълим муассасасининг муассиси масъул бўлади.

30-м о д д а. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар: шасхларнинг ҳуқуқлари, мажбурият ва масъулиятлари

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар: ўзларининг балоғатга етмаган болалари учун таъ-

лим шаклларини, умумтаълим муассасаси тури ва ўқитиш тилини танлаш;

таълим муассасаси маъмуриятидан ўқув юртлари уставларига монанд зарур шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш;

болага ҳурмат билан муносабатда бўлишни талаб қилиш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар:

белаларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилишлари;

боланинг қадр-қимматини ҳурматлашлари, болада меҳнатсеварлик, яхшилик ва мурувват туйғусини, Ватанга, ёши улуғларга, давлат тили ва она тилига, оиласа, миллий тарихий қадрнятлар ва маданият қадриятларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялантири.

Қонунлар, ҳуқуқлар ва инсон эркинликларига ҳурмат туйғусини тарбиялашлари;

белаларнинг таълим муассасаларида ўқиши учун ёки белгиланган талаблар ҳажмида уйда тўлақонли таълим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишлари шарт.

Боланинг тарбияси ва камол топиши учун ота-онанинг зиммасига масъулнот тенг юкланди.

Белалар таълим олишига монийлик қилаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

31-модда. Педагогик фаолият билан шуғулланиш

Юксак аҳлоқий фазилатларга тегишли маълумот ва касб-кор тайёргарлигига эга шахсларга давлат тасаруфидаги таълим муассасаларида педагог ва тарбиячи сифатида ишлаш учун рухсат этилади.

Педагог ходимлар битим асосида Ҳукумат тасдиқлаган Низомга мувофиқ ишга қабул қилинадилар.

Малакаси пастлиги ёки саломатлиги касбига оид вазифаларини бажаришига монелик қилаётганлиги туфайли ўз лавозимига номуносиблиги аниқланган тақдирда, шунингдек у муаллимлик фаолиятини давом эттириш учун йўл қўйиб бўлмайдиган аҳлоқсизлик содир

этган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда педагогик ишидан четлаштириладилар.

Педагогик фаолияти билан шуғулланишга тўсқинлик қилувчи тиббий кўрсаткичларнинг рўйхати ва касб жиҳатидан иомуносиблика доир масалаларни ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати томонидан белгиланади.

32-м о д д а. Педагог ходимларнинг ҳуқуқлари

Педагог ходимлар:

ўзларининг касб-кор шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш;

таълим муассасасини бошқаришда иштирок этиш;

касб фаолияти учун шарт-шароитлар билан таъминланиш, малакаларини ошириш, қайта тайёргарликдан ўтиш, таълим шакли, услуби ва воситаларини танлашда ташаббус кўрсатиш;

якка тартибда педагогик фаолият билан шуғулланниш ҳуқуқига эга.

Педагог ходимларни ўз касб-кор вазифаларини бажаришдан чалғитиш тақиқланади, қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

33-м о д д а. Педагог ходимларнинг мажбуриятлари

Педагог ходимлар:

касб-корнинг юксак даражасида таълим беришлари, таълим олувчилар ўқув дастурларини мажбурий ҳисобланган давлат талаблари даражасида ўзлаштиришларини таъминлашлари;

педагогларнинг ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишлари, бола ўқувчи ва талаба шахсининг қадр-қимматини ҳурматлашлари, уларни меҳнат, қонунларга, ота-оналар ва хотин-қизларга, маънавий, тарихий, маданий-миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашлари;

ўзларининг бутун фаолиятлари ва шахсий намуналари билан умуминсоний ахлоқ қоидаларига, ҳақиқат, адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик, яхшилик ва бошқа хайрли хислатларга нисбатан ҳурматни қарор топдиришлари;

ўсиб-улғайиб келаётган авлодни бир-бирини тушушиш, халқлар ўртасида, шунингдек барча элатлар, миллатлар ва диний гурӯҳлар ўртасида тинчлик, аҳил-иноқлик руҳида тарбиялашлари;

болалар ва ёшларни зўравонлик кўринишларидан ҳимоя қилишлари;

ўзларининг касб кўнікмалари ва муаллимлик маҳоратларини доимо такомиллаштириб боришлиари шарт.

Педагог ходимларнинг бошқа мажбуриятлари таълим муассасаларининг уставларида белгилаб қўйилади.

34-модда. Давлат тасарруфидаги таълим муассасалари ходимларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя килиш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг педагог ходимлари:

мехнатга ҳақ тўлашнинг нарх-наво индексининг ўзгаришларига мувофиқ ҳолда мунтазам равишда тузатишлар киритиб бориладиган кафолатланган даражасига эга бўлиш;

муаллимлик фаолиятининг малака ва натижаларига қараб, табақалаштирилган иш ҳақи олиш, шунга мувофиқ равишда қисқартирилган иш вақтига эга бўлиш, узайтирилган ҳақи тўланадиган таътил олиш;

қишлоқ жойларда ва шаҳар типидаги посёлкаларда истиладиган ва ёритиладиган уй-жойлардан бепул фойдаланиш;

якка тартибда уй-жой қуриш учун ўзларига ер участкалари биринчи навбатда ажратиб берилishi ва бинокорлик материалларини биринчи навбатда сотиб олиш;

ўзлари яшастган давлат ва идоралар тасарруфидаги уйлар ҳамда квартиralарни бепул шахсий мулкка айлантириб олиш, уй-жой ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлашда имтиёзлардан фойдаланиш;

пенсияга чиққанларидан кейин педагоглик фаолиятини давом эттирганлари тақдирда пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқларига эга.

Таълим муассасалари меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилган мавжуд маблағлар доирасида ставкаларга, мансаб окладларига мустақил равишда табақалаштирилган қўшимча ҳақлар белгилаш ва меҳнатга ҳақ тўйиб-улғайиб келаётган авлодни бир-бирини тушушиш, халқлар ўртасида, шунингдек барча элатлар, миллатлар ва диний гурӯҳлар ўртасида тинчлик, аҳил-иноқлик руҳида тарбиялашлари;

лаш ҳамда уни рағбатлантиришни ташкил этишнинг турли шаклларини қўллашга ҳақлидирлар.

Қишлоқларда жойлашган давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ишловчи педагогларга нисбатан қишлоқ хўжалик мутахассислари учун белгиланган имтиёзлар татбиқ этилади.

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларнинг ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари, ишлаб чиқариш устахоналари (цехлари) ва ўқув хўжаликлари ходимларига нисбатан давлат тасарруфидаги тегишли корхоналарнинг ва бошқа корхоналарнинг худди шу соҳа ходимлари учун белгиланган имтиёзлар ва афзалликлар татбиқ этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий идоралари, корхоналар, ташкилотлар, кооперативлар ва бошқа муассасалар давлат тасарруфидаги таълим муассасаларининг ходимларига қўшимча ижтимоий имтиёзлар беришга ҳақлидирлар.

Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасида Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун билан белгиланади.

У БУЛИМ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ АЛОҲИДА ШАРТ-ШАРОИТИГА МУХТОЖ БОЛАЛАР ҲАМДА ҮСМИРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

35-модда. Етим болалар ва ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни боқиш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларида ва лицензияга эга, давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаларида етим болалар ва ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчилар раҳнамолигидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни боқиш тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади. Тарбияланувчиларни бошқа турдаги таълим муассасаларига асосиз равиша ўtkазиш тақиқланади.

Етим болалар турмушда ва ишга жойлашишда ҳамда кейинги босқич таълим муассасасига киришда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда давлат кўмагидан фойдаланадилар.

36-м о д д а. Жисмоний ва руҳий жиҳатдан нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ вақт даволанишга муҳтоҷ болалар ҳамда ўсмирларнинг тарбияси ва таълим олиши

Жисмоний ёки руҳий жиҳатдан ривожланишида нуқсонлари бўлган, шунингдек узоқ муддат даволанишга муҳтоҷ болалар ва ўсмирларга таълим бериш, уларни тарбиялаш ҳамда даволашиб учун маҳсус таълим муассасалари барпо этилади ва иш олиб боради. Бундай таълим муассасаларига болалар ва ўсмирларни йўллаш ҳамда уларни бу муассасалардан чиқариб юбориши болаларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар фикри ҳисобга олинган ҳолда руҳият, тиббиёт ва педагогика мутахассисларидан иборат комиссиянинг хуносасига асоссангина амалга оширилади. Маҳсус таълим муассасаларининг тарбияланувчилари қисман ёки тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, улар бепул даволанадилар, овқатланадилар ва уларга ясама ортопедия воситалари, ногиронлар аравачалари текин берилади.

37-м о д д а. Ижтимоий ёрдамга ва саломатлигини тиклашга муҳтоҷ шахслар учун ўқув-тарбия муассасалари

Тарбия ва таълимнинг алоҳида шарт-шароитларига муҳтоҷ болалар ва ўсмирлар учун тарбиянинг алоҳида тартиби жорий этилган маҳсус ўқув-тарбия муассасалари барпо этилади ва улар тарбияланувчилар таълим олиши, касб урганиши ва ижтимоий ўзини тиклашини таъминлайдилар.

Вояга етмаганларни маҳсус ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси қонуқларига мувофиқ фақатгина суднинг ҳукми ёки ҳал қилив қарорига биноан амалга оширилиши мумкин.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида сақланаётган шахсларга илм олиш учун ва мустақил равишда таълим олиш учун шарт-шароит яратиб берилади.

VI БҮЛИМ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИННИГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ. ТАЪЛИМНИНГ МОДДИЙ БАЗАСИ ВА УНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

38-модда. Таълим муассасаларининг муассислари

Қўйидагилар, чунончи:

давлат бошқаруви республика ва маҳаллий идоралари;

мулкчиликнинг барча шаклидаги муассасалар, ташкилотлар ва корхоналар;

жамоат бирлашмалари;

диний ташкилотлар;

ажнабий мамлакатларнинг ташкилотлари ва халқаро ташкилотлар таълим муассасаларининг муассислари бўлишлари мумкин.

39-модда. Таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми

Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунларда белгиланган тартибда барпо этилади.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритади.

Таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Хукумати тасдиқлайдиган қоцдалар асосида ва шу қондадарга мувофиқ ишлаб чиқпладиган пизомлар асосида фаолият курсатадилар.

Таълим муассасаларига муайян мақом (гимназия, лицей, дорилфунун, академия ва шу кабилар мақоми) берилishi таълимни бошқариш тегишли идоралари томонидан аттестация асосида амалга оширилади.

Таълим муассасалари ўзаро битим тузишга, ўқувтарбия комплекслари ва ўқув-ијмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари (уюшмалари) ташкил этишига, худудий ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмалари таркибига киришга ҳақлидирлар. Бундай комплекс ва бирлашмалар таркибига кирувчи муассасаларининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ўз уставларида белгиланади.

40-м о д д а. Таълим тизимида мулк ҳуқуки

Таълим муассасалари ва таълим тизимида ташкилотларнинг мол-мулки уларнинг муассислари мулки ҳисобланиб, ана шу муассисларнинг қарорига биноан мол-мулк бевосита таълим муассасалари ва ташкилотларнга мулк сифатида ёки уларнинг хўжалик юритиши учун берилishi мумкин.

Таълим тизими муассасалари ва ташкилотлари фойдаланаётган ер участкалари тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан ана шу муассасалар ҳамда ташкилотларга бепул ва узоқ муддат фойдаланиш учун берилади. Бу участкалардан фойдаланиш ҳуқуки «Ёр тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солиб борилади.

41-м о д д а. Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси таълим ва тарбия бериш, илмий-методик ва илмий-тадқиқот ишлари ўтказиши ҳамда таълим соҳасида бошқа вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланиладиган ер, бинолар, тажрибаҳоналар, кутубхоналар, спорт иншоотлари, алоқа воситалари, машиналар ва асбоб-ускуналарни, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкни ўз ичига олади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базаси республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобидан, шунингдек пул билан таъминлашниң қўшимча манбалари ҳисобидан ривожлантирилади.

Таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, шу жумладан бундай муассасаларни лойиҳалаш ва қуриш ишлари жаҳон тажрибаси ютуқларини ҳисобга олган ҳолда меъёрий асосда устивор тартибда амалга оширилади.

Таълим муассасаларига берилган давлат мол-мулкига солиқ солинмайди, бу мол-мулк тоғтиб олинмайди ёки улардан кўзланган асосий вазифалардан бўлак мақсадларда фойдаланилмайди.

42-м о д д а. Таълимни пул билан таъминлаш

Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини пул билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетлар

ҳисобидан, корхона, бирлашма, ташкилотларининг ва айрим шахсларнинг маблаглари ҳамда қўшимча манбалар ҳисобидан давлат меъёрлари асосида амалга оширилади.

Давлат таълимга унинг устиворлигини таъминлайдиган миқдорда ҳар йили маблаглар ажратишни, шунингдек ҳар бир тарбияланувчи ёки таълим олувчига кетадиган ҳаражат меъёрларини мунтазам разишда ошира бориб, жаҳон стандартлари даражасига етказиши кафолатлайди.

Таълим муассасалари аҳолига, корхона ва ташкилотларга таълим борасида ҳақи тўланадиган (пуллик) хизмат курсатишга, шунингдек амалдаги қонуиларда тақиқланмаган бошқа турдаги тижорат фаолияти билан шугулланишга ҳақлидирлар.

Ўқувчилар ва талабалардан таълим учун ҳақ ундириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонуилари билан тартибга солинади.

Қўйидагилар, чуюнчи:

тузилган шартномаларга, шу жумладан ажнабий давлатлар билан тузилган шартномаларга биноан ходимлар тайёрлаш, уларнинг касб-кор малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашдан олинган маблағлар;

таълим соҳасида қўшимча хизматлар курсатишдан тушган маблағлар;

таълим муассасалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахсларнинг буюртмалари бўйича бажарган илмий-тадқиқот ишлари ва бошқа ишлар учун олинган маблағлар;

уқув-ишлаб чиқариш устахоналари, корхоналари, цехларининг ва таълим муассасалари хўжаликларининг маҳсулотларини реализация қилишдан, уларнинг биноялар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага беришдан олинган даромад йўсенидаги маблаглар;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг дотациялари, банкларнинг кредитлари ва ссудалари йўсенидаги маблағлар;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар ихтиёрий равишда берадиган пул бадаллари, моддий бойликлар пул билан таъминлашнинг қўшимча манбалари ҳисобланади.

Давлат тасарруфида бўлмаган таълим муассасалари муассислар таъминотида бўладилар. Бундай муассасаларнинг давлат стандартлари даражасида таълим бе-

ришии таъминлаётганларига қонунларда белгиланган тартибда маблағ ажратилиши мумкин.

43-м о д д а . Т а ъ л и м н и н г давлат т о м о н и д а н рағ- батлантирилиши

Таълим муассасаларига, шунингдек мулкчиликниң барча шаклидаги ташкилотлар, корхоналар ва бирлашмаларнинг таълимни ривожлантиришга ажратилаётган маблағларига солиқ солиш тартиби қонунлар билан бошқариб тартибга солиб борилади.

Дарсликлар чоп этадиган, ўқув қўллашмалари чиқаридиган, таълим муассасаларининг эҳтиёжлари учун моддий ресурслар етказиб берадиган корхоналар ва ташкилотларга қонунларга мувофиқ солиқ имтиёзлари берилади.

Маҳаллый ҳөкимият ва бошқарув идоралари, корхоналар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва хусусий шахслар таълим муассасаларини пул билан таъминлаш учун текинга ёки бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун ҳақ тўлаш тартибida ўтказаётган маблағларига солиқ солинмайди, бу маблағлар маҳаллый таълим фондлари ва таълим муассасалари фондларида жамланиши мумкин.

Таълимга ажратиладиган бюджет маблағлари ва таълим муассасаларининг бюджетдан ташқарни маблағларини тортиб олиб қўйиш мумкин эмас.

Иил охирида юзага келадиган пул маблағларининг қолдиги, улар тушган манбалардан қатъи назар, олиб қўйилмайди ва таълим муассасаларининг хоҳишига қараб сарфланади.

VIII Б У Л И М . Т А ъ Л И М ТИЗИМИДА ХАЛҚАРО ҲАМҚОРЛИК

44-м о д д а . Халқаро ҳамкорлик

Таълим муассасалари ва таълим тизимидағи корхоналар қонунларда белгиланган тартибда таълимга доир муаммолар юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, ажнабий мамлакатларнинг ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан биргаликдаги ўқув юртлари очиш ҳукуқига эгалар.

Таълим тизимининг муассасалари ва ташкилотлари қонунларда назарда тутилган доирада ташқи иқтисодий фаолиятда иштирок этадилар, валюта счёtlарига эга бўлишга ҳақлидирлар.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда айтилганидан бўлак қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«ТАЪЛИМ ТҮГРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОNUНИИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 343-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилиди:

1. «Таълим түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси-
нинг Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга
киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузурида-
ги Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 1 октябрга қадар:
таълим түгрисидаги давлат стандартини жорий
этиш ҳамда унинг мазмуни ҳақидаги, таълим муассаса-
ларини аттестациялаш, аккредитация қилиш ва лицен-
зиялаш ҳамда педагог кадрларни аттестациялаш хусу-
сидаги низомларни тасдиқласин, «Таълим түгрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қўлланилишини
таъминлайдиган бошқа норматив ҳужжатларни қабул
қилсии;

амалдаги қонунларни «Таълим түгрисида»ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш хусу-
сида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига так-
лифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари-
ни «Таълим түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-
нунига мувофиқлаштирун.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

КАСАБА УЮШМАЛАРИ. УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҚАФОЛАТЛАРИ ТҮФРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 2 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 344-модда)

I боб. Умумий қоидалар

1-модда. Касаба уюшмалари

Касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидағи фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

2-модда. Касаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқи

Меҳнаткашлар, шунингдек олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида таълим олаётган шахслар* ҳеч қандай тафовутсиз ўз хоҳишларига кўра ва олдиндан ижозат олмай туриб, ихтиёрий равишда қасаба уюшмалари тузиш ҳуқуқига, шунингдек уставларга риоя этиш шарти билан касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнаткашлар корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ва бошқа иш жойларида** касаба уюшмалари тузишга ҳақлидирлар.

Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзолигига кириш ёки ундан чиқиши тартиби касаба уюшмаларининг уставлари билан йўлга солиб борилади.

Касаба уюшмалари ихтиёрийлик асосида республика ва бошқа ҳудудий ҳамда тармоқ бирлашмалари тузишлиари, шунингдек уларга киришлари мумкин.

* Бундан буён — меҳнаткашлар деб юритилади.

** Мұлкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, корхоналар, (бирлашмалар) муассасалар, ташкилотлар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари бундан бўси корхоналар деб, уларнинг бошқарув идоралари эса маъмурият деб юритилади. Бошқа иш жойлари дегандা якка тартибдаги ва бошқа йўсингидаги меҳнат фаолияти назарда тутилади.

Қасаба уюшмаларининг уставлари «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Барча қасаба уюшмалари тенг ҳукуқлардан фойдаланадилар.

3-модда. Қасаба уюшмаларининг мустақиллиги

Қасаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва бошқа жамоат ташкилотларидан, мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Қасаба уюшмаларининг ҳукуқларини чеклайдиган ёки шу ҳукуқларнинг амалга оширилишига тўсқиналик қиласидиган тарзлаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

Қасаба уюшмалари мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини ташкил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, қурултоилар ўтказадилар.

Қасаба уюшмалари ўз уставларидан белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг қасаба уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, ўз хоҳишига кўра халқаро ва бошқа қасаба уюшмалари бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳукуқига эгадирлар.

4-модда. Фуқароларни қасаба уюшмаларига мансублигига қараб камситишни тақиқлаш

Фуқароларнинг қасаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонунларда кафолат берилган меҳнат, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳукуқлари ва эркинликлари бирон бир тарзда камситилишига сабаб бўлмайди. Меҳнаткашларни ишга қабул қилиш, хизмат поғоналарига кўтариш, шунингдек ишдан бўшатиш учун муайян қасаба уюшмасига мансубликни, унга кириш ёки ундан чиқишни шарт қилиб қўйиш тақиқланади.

5-м о д д а. Касаба уюшмалари фаолиятини тўх- татиш ёки тақиқлаш

Касаба уюшмалари фаолиятини тўхтатиш унинг аъзолари қарори асосида уставда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид бўлган ҳолларда бу фаолият Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланниши мумкин. Касаба уюшмалари фаолиятини бошқа бирон бир идоранинг қарори билан тақиқлашга йўл қўйилмайди.

6-м о д д а. Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар

Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунлар мазкур жамоат ташкилотларининг ҳуқуқий холати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонунда, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида, ички ишлар идораларида, миллый хавфсизлик хизматларида, ички қўшинлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида қўлланилишининг ўзига хос хусусиятлари ана шу тузилмалар тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилади.

Қорақалпоғистон Республикасида касаба уюшмаларини тузиш, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

II боб. Касаба уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари

7-м о д д а. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашининг қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиша қатнашиш ҳуқуқлари

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгashi мөхнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид

қонун ҳужжатлари ишлаб чиқишида қатнашиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашини меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тегишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этишга ҳақлидир.

Давлат бошқаруви ва хўжалик идоралари меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манбаатларига дахлдор меъёрий ҳужжатларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашини камидан бир ҳафта олдин хабардор этган ҳолда қабул қиладилар.

8-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнат қилиши ҳуқуқини химоя этиш соҳасидаги ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат қилиши ҳуқуқини химоя этадилар, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсати ишлаб чиқилишида қатнашадилар. Корхоналарда ишдан холи этиб олинадиган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишининг қонунлар асосида жамоа шартномасида белгилаб қўйиладиган чораларини таклиф этадилар.

Маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идорасининг ташаббуси билан иш жойларининг қисқартирилиши ёки иш шароитининг ёмонлашувига олиб келадиган корхонани ва ундаги таркибий бўлинмаларни тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўшиш тегишли касаба уюшмалари камидан уч ой олдин хабардор қилиб қўйилган ва улар билан меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳамда манбаатларига риоя этиш юзасидан музокара ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг аҳволини ва бу соҳадаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиб боради.

Меҳнат шартномаси маъмуриятнинг ташаббуси билан бекор қилинишига Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишилган тақдирдагина йўл қўйилади.

9-м о д д а. Қасаба уюшмаларининг музокаралар олиб бориш ва жамоат шартномалари, битимлари тузиш ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан жамоа музокаралари олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда устивор ҳуқуққа эгадирлар, уларнинг бажарилишини назорат қиласидилар.

Агар қасаба уюшмалари жамоа шартномаси, битими тузишни таклиф қиласа, маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.

10-м о д д а. Қасаба уюшмаларининг меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари

Қасаба уюшмаларининг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашга, меҳнаткашларнинг уй-жой шароитига, уларни ижтимоий суғуртага, уларни соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манбаатларни ҳимоя қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари билан тарғибга солинади.

Қасаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида меҳнаткашларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирларини ишлаб чиқишида, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб товон тўлаш миқдорини аниқлашда қатнашадилар, қонунда белгилаб қўйилган кун кечиришнинг энг паст даражасига ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорига риоя этилишини назорат қиласидилар.

Қасаба уюшмаларининг бирлашмалари шу масалалар юзасидан тегишли давлат ва хўжалик идоралари билан битим тузishi мумкин.

11-м о д д а. Қасаба уюшмаларининг меҳнат ва қасаба уюшмалари тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари

Қасаба уюшмалари маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси меҳнат ва қасаба уюш-

малари тұғрисидаги қонууларга риоя этишиларини назорат қылғын боради, аниқланған камчилікларни бартараф этишни талаб қилишга ҳақлидір. Маъмурнят мәхнат ва касаба уюшмалари тұғрисидаги қонуулар бузилишини бартараф этиш тұғрисидаги тақдимномаларни күриб чиқиши ва күриб чиқиши натижалари тұғрисида бир ой мұлдат ичида касаба уюшмасига хабар қилиши шарт.

Касаба уюшмалари меңнаткашларнинг меңнат ҳуқуқларини ҳимоя қылғын, даъво ариза билан судға мурожаат қылышга ҳақлидір. Шу мақсадда касаба уюшмалари инспекциялар, ҳуқуқий ёрдам хизматлари ва бошқа зарур идораларга эга бўлиши мумкни.

12-модда. Меңнат низоларини күриб чиқиша касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари касаба уюшмаси аъзоси билан маъмурнят үртасида пайдо бўлған якка тартибларни меңнат низоларини күриб чиқади ва улар юзасидан қонунларга мувофиқ тегишли карорлар қабул қиласи.

Касаба уюшмалари меңнатга доир амалдаги қонуларнинг жамоа шартномаси, битими шартларининг бузилиши, меңнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шартшароитларини ўзgartиринш билан боғлиқ масалаларга доир жамоа меңнат низоларини күриб чиқиша қатнашади.

13-модда. Касаба уюшмаларининг меңнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларига доир маълумотлар олиш ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари маъмурнятдан, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви идораларидан меңнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгилаб кўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидір.

14-модда. Касаба уюшмаларининг маъмурнят томонидан жамоа шартномаси бажарилишини назорат қилиш ҳукуқи

Маъмурнят жамоа шартномаси шартларини бузувчи қарор қабул қилған тақдирда касаба уюшмалари ана

шу қоидабузарликни бартараФ этиш тўғрисида маъмурятга тақдимнома киритишга ҳақлиди, бу тақдимнома бир ҳафта муддатда кўриб чиқилади. Маъмурият касаба уюшмаларининг бу талабини бажаришдан бош тортгани ёки юқорида айтилган муддатда ўзаро битимга келишилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонунларга мувофиқ кўриб чиқилади.

15-модда. Маъмурият ва меҳнат жамоаси ўртасидаги низоларни қараб чиқиш ва ҳал этиш

Меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда маъмурият билан меҳнат жамоаси ёки касаба уюшмалари ўртасида келиб чиқадиган низоларни ҳал этишга доир масалалар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига тўла мувофиқ ҳолда қараб чиқилади.

16-модда. Касаба уюшмаларининг давлатлараро битимлар тузилиши ва давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви идоралари шакллантирилишидаги иштироки

Касаба уюшмалари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ахолининг кўчуб юриши, иш билан таъминланиши, меҳнат, нарх-наво белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига доир давлатлараро битимлар тузилишида, ҳалқ депутатлигига номзодлар курсатилишда, сайлов мавсумида уларни қўллаб-куватлашда иштирок этишлари мумкин.

III боб. Касаба уюшмалари ҳуқуқларининг кафолатлари

17-модда. Маъмурият, давлаг ва хўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг касаба уюшмаларига нисбатан мажбуриятлари

Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этишлари, уларнинг фаолият кўсатишларига кўмаклашишлари шарт. Бу идоралар ва шахслар касаба уюшмалари ҳуқуқларини

бузганликлари ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўс-қинлик қиласланниклари учун қонунларда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Давлат ва хўжалик идораларининг маъмурияти жамоат ташкилоталри, майсадор шахслар касаба уюшмаларининг вакиллари шу касаба уюшмаси аъзолари ишлаётган корхоналарга уставда белгиланган вазифаларни ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун киришларига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

18-модда. Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда меҳнаткашларнинг касаба уюшмалари идораларига сайланган ходимлар учун бериладиган кафолатлар

Кўйиндагиларга интизомий жазо берилниши мумкин эмас:

ишлаб чиқаришдаги ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмалари идоралари таркибига сайланган ходимлар шу идоранинг розилиги олинмасдан туриб;

корхона бўлинмаларидағи касаба уюшмалари идораларининг раҳбарлари — тегишли касаба уюшмаси идорасининг розилиги олинмасдан туриб;

корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотчилари — тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Ишлаб чиқаришдаги асосий ишидан озод қилинмаган ҳолда касаба уюшмаси идоралари таркибига сайланган шахсларни маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга ишдан бўшатишнинг умумий тартибига риоя қилишидан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси идорасининг розилиги олингандан кейингина корхонадаги касаба уюшмаси идораларининг раислари ва аъзоларини маъмуриятининг ташаббуси билан ишдан бўшатишга эса юқоридагилардан ташқари, фақат тегишли касаба уюшмаси бирлашмасининг розилиги олинганидан кейингина йўл қўйилади.

Касаба уюшмаси ташкилотчилари ва касаба уюшмаси гуруҳлари ташкилотчиларини маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга тегишли касаба уюшмаси бирлашмаси идорасининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Қасаба уюшмалари сайлаб қўйиладиган идораларининг ишлаб чиқаришда ўзининг асосий ишидан озод қилинмаган аъзоларига жамоат шартномаси, битимида белгилаб қўйиладиган шартларга мувофиқ, жамоа маңфаатлари йўлида жамоатчилик вазифаларини бажаришлари учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан бўш вақт берилади, шунингдек қисқа муддатли касаба уюшмаси ўқувига қатнаган вақтларида уларниң ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Қасаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган идоралари аъзолари делегат сифатида касаба уюшмалари томонидан чақириладиган қурултойларда, конференцияларда, шунингдек, касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида қатнашган вақтлари учун касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланиб, ишлаб чиқаришдаги ишларидан озод қилинадилар.

19-модда. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинган ҳолда меҳнаткашларнинг қасаба уюшмалари идораларига сайланган ходимлар учун кафолатлар

Қасаба уюшма идораларидағи сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги ўз иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) бўлмаган тақдирда ўша корхонада ёки ходимнинг розилиги билан бошқа корхонада аввалгисига тенг келадиган бошқа иш (лавозим) берилади.

Тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда олдинги иш жойидаги корхона маъмуринати, корхона тугатилган тақдирда эса касаба уюшмаси ходим учун ишга жойлашиш даврида ўртача иш ҳақини сақлаб қолади, лекин бу мулдат олти ойдан ошмаслиги керак, малакасини ўзгартириш учун ўқиши чоғида эса бир йил муддатгача ўртача иш ҳақи сақлаб турилади.

20-модда. Қасаба уюшмаси идораларига сайланган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари

Қасаба уюшмаси идоралари таркибига сайланган ходимларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг

икки йил давомида маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатилишига йўл қўйилмайди, корхонанинг бутунлай тугатилиши ёки ходимининг қонунга мувофиқ ишдан бўшатилишига олиб келадиган хатти-ҳаракатлар содир этиш ҳоллари бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ишдан бўшатиш 18-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

21-модда. Касаба уюшмалари ва уларга қарашли корхоналарнинг мулкий ва молиявий ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари ва уларнинг идоралари қонунларга мувофиқ юридик шахс ҳисобланадилар.

Касаба уюшмалари мулкка эгалик ҳуқуқи асосида ўзларига қарашли бўлган мол-мулк ва пулларга эгалик қиласидилар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасаруф этадилар.

Касаба уюшмалари давлат, хўжалик, кооператив ва бошқа жамоат ташкилотларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари учун жавоб бермайдилар.

Касаба уюшмаси бюджети маблағининг манбалари, маблагни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби касаба уюшмалари уставида белгилаб берилади.

Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларниң ўз уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Касаба уюшмаларига қарашли корхоналар ва ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағ миқдори ва тўллаган солиқ миқдори давлат молия идоралари ва солиқ инспекциялари томонидан қонунларга мувофиқ равишда назорат қилинади.

Касаба уюшмалари ўз уставларида қайд этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ равишда белгилаб қўйилган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, касаба уюшмаларининг банкларини, суғурта ва акционерлик жамиятларини, қўшма тижорат корхоналарини барпо этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли фондлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

**22-м о д д а. Корхонанинг касаба уюшмалари фаолияти учун моддий шароитлар яратиш
борасидаги вазифалари**

Корхона маъмурияти касаба уюшмаларига уларнинг фаолияти учун зарур бўлган жиҳозланган биноларни фойдаланиш учун текинга беради, биноларни бериш шартлари маъмурият ва касаба уюшмалари иштирокида меҳнат жамоасининг қарори билан белгиланади.

Жамоа шартномаси тузиш чоғида қабул қилинган қарорга мувофиқ корхона касаба уюшмаларига ўз балансида турган ёки ўзи ижарага олган бинолар, хоналар, иншоотлар ва бошқа объекtlарни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маътирифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориши учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмиirlар лагерлари ва бошқа соғломлаштириш лагерларини бепул фойдаланиш учун беради.

Корхона касаба уюшмаларига жамоа шартномасида белгиланган мақсадлар учун қонунларда белгилаб қўйилган миқдорда маблағ ўтказади.

Корхонада иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шароитларни яратиш жамоа шартномаси (битими) билан тартибга солинади.

**Узбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ
ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ҚАФОЛАТЛАРИ ТҮҒРИСИДА»
ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 345-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши қарор
қилади:

1. «Қасаба уюшмалари, уларниң ҳуқуқлари ва
фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб
амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси-
нинг қонунлари «Қасаба уюшмалари, уларниң ҳуқуқ-
лари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбе-
кистон Республикаси Қонуни билан мувофиқлаштирил-
ганига қадар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун
ҳужжатларининг ушбу Қонунга зид бўлмаган қисмлари
қўлланилаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Маҳкамасига уч ой муддат ичидаги:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини
«Қасаба уюшмалари, уларниң ҳуқуқлари ва фаолияти-
нинг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-
каси Қонунига мувофиқлаштириш ҳақида Ўзбекистон
Республикаси Олий Кенгашига таклифлар киритсан;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларини
«Қасаба уюшмалари, уларниң ҳуқуқлари ва фаолияти-
нинг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республика-
си Қонунига мувофиқлаштирунсан;

Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари, давлат
қўмиталари, идоралари, концернлари ўзларининг ушбу
Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларини қайта қў-
риб чиқишлиари ва бекор қилишлиарини таъминласин.

4. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацииси Кенгашига мазкур Қарорининг З-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юқлатилган топшириқлар бажарилишида иштирок этиш тавсия қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЧЕТ
ДАВЛАТЛАРДАГИ ДИПЛОМАТИЯ ВАКОЛАТХОНА-
ЛАРИ БОШЛИҚЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ҲАМДА
ЧАҚИРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТҮҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 349-модда)

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартибини «Дипломатик муносабатлар түғрисида»ги 1961 йилдаги Вена Конвенциясига ҳамда бошқа умуметироф этилган халқаро ҳуқуқни нормалар ва қондаларга мувофиқ белгилайди.

1-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатдаги дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинланади ва чақириб олинади. Бу лавозимга номзодга доир таклифни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тегишли идоралар билан келишган ҳолда киритади.

2-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маъқуллаган дипломатия ваколатхонаси бошлигининг номзодини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири ваколатхона жойлашган мамлакат Ташқи ишлар вазирлигига (ёзма) тақдим этиб, унинг розилигини (агреман) сўрайди.

3-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлигини тайинлаш ваколатхона жойлашган мамлакатнинг расмий розилиги олинганидан кейин амалга оширилади.

Ваколатхона жойлашган мамлакатдан жавоб олингунча дипломатия ваколатхонаси бошлиғи лавозимига номзод хусусидаги мълумотлар маҳфий ҳисобланади.

4-модда.

Фавқулодда ва Мухтор Элчи ёки Фавқулодда ва Мухтор Вакил тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунига қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унга борадиган давлатининг раҳбарига топшириши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири имзоси билан тасдиқлаган ишонч ёрлигини тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Ишончли Вакилига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг қабул қўйувчи мамлакат Ташқи ишлар вазирилиги номига ёзилган мактуби берилади.

5-модда.

Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан чақириб олинади:

- а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда;
- б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда;
- в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда;
- г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда;
- д) давлат ҳалқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганида.

6-модда.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириининг буйруқлари билан тайинланадилар ва чақириб олинадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ
ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИ БЕЛГИЛАШ
ТҮФРИСИДА**

Узбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

Қ О Н У Н И

(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,

1992 йил, 9-сон, 350-мөдда)

Ушбу Қонун «Дипломатия муносабатлари түғриси-
да»ги 1961 йилги Вена Конвенцияси ҳамла халқаро
хўқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон
Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипло-
матия даражалари ва мартабаларини белгилаб беради.

1-м о д д а.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республи-
каси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг З
даражаси белгиланади:

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилина-
диган Фавқулодда ва Мухтор Элчи;

чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилина-
диган Фавқулодда ва Мухтор Вакил.

чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккреди-
тация қилинадиган Ишончли Вакил.

Ўзбекистон Республикаси ваколатхоналарининг боши-
ликлари мансуб бўлиши лойиқ кўрилган даража дипло-
матия муносабатлари ўрнатаётган давлатлар ўртасидаги
ахдлашувдан белгилаб қўйилади.

2-м о д д а.

Ўзбекистон Республикасида қўйидаги дипломатия
мартабалари — Ўзбекистон Республикасининг чет дав-
латлардаги ваколатхоналари дипломатия ходимларига
бериладиган алоҳида хизмат унвонлари белгиланади:

Фавқулодда ва Мухтор Элчи;
Биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;
Иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил;
Биринчи даражали маслаҳатчи;
Иккинчи даражали маслаҳатчи;
Биринчи даражали биринчи котиб;
Иккинчи даражали биринчи котиб;
Биринчи даражали иккинчи котиб;
Иккинчи даражали иккинчи котиб;
Учинчи котиб;
Атташе.

3-м о д д а .

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, биринчи ва иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан берилади.

Ана шу масалалар юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири киритади.

Бошқа дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг буйруғи билан берилади.

Бу мартабаларни бериш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси киритади.

Малака комиссиясининг таркиби ва у ҳақдаги низомни Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазири тасдиқлайди.

Дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг раҳбар ва масъул ходимларига ҳам берилиши мумкин.

4-м о д д а .

Бирламчи дипломатия мартабаси — атташе дипломатия хизматида камида бир йил ишлаган кишига берилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг ходимларига навбатдаги учинчи котиб, иккинчи котиб мартабалари малакасига ҳамда хоҳ марказий девонда, хоҳ Ўзбекистон Республикасининг чет элларидаги ваколатхоналарида камида 2—3 йил, биринчи котиб, маслаҳатчи мартабалари эса камида 3—4 йил хизматни муваффақиятли ўтаганлигига қараб берилади.

Ишдаги катта ютуқлари учун дипломатия ваколатхонасининг ходими белгиланган муддатдан олдин юқорироқ дипломатия мартабаси беришга тавсия этилиши мумкин.

5-м о д д а .

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил мартабалари бир умрга берилади.

Бошқа дипломатия мартабасига эга бўлган шахслар Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидан пенсияга чиққанлари тақдирда уларнинг бу мартабалари сақланиб қолади.

6-м о д д а .

Фавқулодда ва Мухтор Элчи, Фавқулодда ва Мухтор Вакил, ~~дипломатия мартабатаридан~~ Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Узбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари билан маҳрум этилади.

Дипломатия ваколатхоналарининг бошқа аъзолари хусусида бу масала юзасидан қарорни Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг малака комиссияси тақдимига кўра Ташқи ишлар вазири қабул қиласиди.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг
ДИПЛОМАТИЯ ХОДИМЛАРИ УЧУН ДИПЛОМАТИЯ
ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИ БЕЛГИЛАШ
ТҮФРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашиning
1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашиning
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 351-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қилади:

1. «Ўзбекистон Республикасининг Дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш түфрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилиниши биланоқ амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг дипломатия мартабалари учун мансаб окладларига устами ҳақларни белгиласин.
3. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига собиқ СССРнинг қонунларига мувофиқ берилган дипломатия даражалари Ўзбекистон Республикаси дипломатия даражаларига tengлаштирилган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашиning Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

АВТОМОБИЛЬ ЙҮЛЛАРИ ТҮФРИСИДА

Узбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

ҚОНЫНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 353-модда)

Ушбу Қонун Ҳзбекистон Республикасида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

I бўлим. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Автомобиль йўллари тушунчаси ва таркиби

Автомобиль йўли давлат стандартларига мос келадиган, меъёрий оғирликка ва ўлчамга эга бўлган транспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ва қулай ҳаракатланиши учун мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмудидир.

Автомобиль йўллари таркибига йўл учун ажратилган минтақада жойлашган суюйи мұҳандислик иншоотлари, йўл хизматининг яхлит технологик мажмуасига кирувчи йул идоралари, ёрдамчи, қўшимча ва бошқа ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи корхоналар киради.

Йўл учун ажратилган минтақадаги ҳаво бўшлиғи ва ер остки қисми ҳам автомобиль йўли мажмуига киради.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ушбу Қонуннинг таъсир доирасида бўлган автомобиль йўллари жумласига кирмайди.

2-модда. Узбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунлари

Узбекистон Республикасининг автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда автомобиль йўлларига тааллуқли бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Қорақалпоғистон Республикасида автомобиль йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асосстари Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

3-модда. Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари

Автомобиль йўллари тўғрисидаги қонунларнинг вазифалари автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни, шунингдек йўл идоралари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль инспекцияси ва йўллардан фойдаланувчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат, жамият, аҳоли манфаатларини кўзлаб, йўлларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишдан иборатdir.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг барча автомобиль йўлларига нисбатан татбиқ этилади.

4-модда. Автомобиль йўлларини фарқлаш

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль йўллари мансублигига қараб умумий фойдаланишдаги ба корхоналарга қарашиб йўлларга ажратилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жумласига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати белгиланган тартибда тегишли рўйхатларга киритиб, индекси ва тартиб раками кўрсатилган автомобиль йўллари киради.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва улар таркибидаги барча иншоотлар давлат мулки бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда фойдаланишга бериб қўйилади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари халқ хўжалиги ва маъмурий моҳиятига кўра халқаро, давлат ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятига эга автомобиль йўлларига бўлинади.

Мустақил давлатларнинг пойтахтларини бирлаштириб турадиган, шунингдек давлатлар ўртасидаги битимларга мувофиқ халқаро автомобиль йўллари тармоғига кирадиган автомобиль йўллари халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўллари ҳисобланади.

Давлат аҳамиятига молик йўллар жумласига республиканинг маъмурӣ, маданият ва саноат марказлари ҳамда вилоятлари ўртасидаги транспорт қатиновини таъминлайдигац, мазкур марказларни эса темир йўл станциялари, портлар, кема тўхташ жойлари, шунингдек қўшии давлатлар билан боғлайдиган йўллар киради.

Маҳаллий аҳамиятига молик йўллар жумласига республика ҳамда вилоятларнинг маъмурӣ марказларини ноҳияларининг маъмурӣ марказлари билан, қишлоқ аҳоли пунктлари билан, шунингдек ноҳия марказларини республика аҳамиятига молик йўллар, темир йўл станциялари, портлар, кема тўхташ жойлари билан бирлаштирадиган йўллар киради.

Халқаро аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг рўйхати давлатлар ўртасидаги битимлар асосида тасдиқланади.

Давлат аҳамиятига ва маҳаллий (вилоят) аҳамиятига молик автомобиль йўлларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати тасдиқлайди.

Идораларга қарашли автомобиль йўллари тегишли корхоналар, колхозлар ва хўжалик ташкилотларининг мулкидир.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўллари ўз аҳамиятига кўра шоҳобча йўллар, технологик, хўжалик ичидаги, хизмат, патруль йўллари ва бошқа йўлларга бўлинади.

5-модда. Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланиш эҳтиёжлари учун ер ажратиб бериш тартиби

Пўяллар қуриш (пўялларни қайтадан қуриш) ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек автомобиль йўлларига алоқадор махсус жойлар барпо этиш учун йўл идораларига ва бошқа йўллар қурувчи, улардан фойдаланувчи ташкилотларга доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгилаб қўйилган тартибда ер ажратиб берилади.

Ердан фойдаланувчиларга автомобиль йўллари қуриш (уларни қайтадан қуриш) ва кейинчалик улардан фойдаланиш учун йўлнинг турига қараб тегишли лойиҳа бўйича минтаقا ажратилади.

6-модда. Автомобиль йўлларига ажратилган миңтақадан фойдаланиш тартиби

Пўл учун ажратилган миңтақадан фақат йўл идораларигина фойдаланади. Автомобиль йўлига ажратилган миңтақада тегишли йўл идораларининг рухсатисиз ҳар қандай ишларни амалга ошириш тақиқланади.

Йўл идоралари ва корхоналарга қарашли йўлларнинг эгалари фойдаланмаётган йўл учун ажратилган миңтақадаги ерлар шартнома асосида йўл сервис корхоналарини жойлаштириш мақсадида ижарага берилиши мумкин. Бунда фақат йўлларни транспорт — фойдаланиш даражаси, қатнов хавф-хатарсиз ўтиб туриши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларини бажарнига кафолат бериши керак.

II бўлим. Автомобиль йўлларини бошқариш

7-модда. Автомобиль йўлларини бошқарувчи давлат идоралари

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати маҳсус ваколат берилиган автомобиль йўлларини бошқарадиган давлат идораси орқали республика автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш ишини низорат қиласи ҳамда бу борада ягона техника сиёсати юритади, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини фойдаланиш учун яроқли ҳолда сақлашни, таъмирлашни ва бундай йўллар қуришини ташкил этади.

Идораларга қарашли йўлларни бошқариш қонунларда белгиланган тартибда ана шу йўлларни тасаруф этувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади, бу ишларни маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари уйғунлаштирадилар.

8-модда. Автомобиль йўлларини бошқарувчи идоралар

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Ўзбекистон Республикаси халқининг бўйлиги бўлиб, давлат-

нинг мутлақ мулкидир ва хусусийлаштирилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари Ўзбекистон Республикаси йўл хўжалиги идоралари (йўл идоралари), бошқаруvida бўлади ва уларнинг балансида туради.

Көрхоналарга қарашли автомобиль йўллари қайси корхона, муассаса ва ташкилот балансида турса ва қайси бири ана шу йўлларнинг сақланишини таъминласа, шу корхона, муассаса ва ташкилот ихтиёрида бўлади.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳолига пункларидағи кўчалар тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари тасарруфида бўлади ҳамда уларнинг сақланишини таъминлайдиган уй-жой-коммунал хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари балансида туради.

9-м о д д а. Автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришни режалаштириш

Автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириши режалаштириш ҳудудий йўл идоралари ёки корхоналарга қарашли йўлларнинг соҳасини эгалари томонидан республиканинг иқтисодиётини ва низомий соҳасини ривожлантириш манбаатларини кўзлаб, барча ер эгаларининг фойдаларини ҳисобга олиб ва табиатни муҳофаза қилишга қаратилган қонун талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилади.

Автомобиль йўлларини ривожлантириш режалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари билан келишиб олинади.

10-м о д д а. Йўл ишларини пул билан таъминлаш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида бажариладиган ишлар (лойиҳалаш, қуриш, қайтадан қуриш, таъмирлаш ва сақлаш) йўл жамғармалари маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади.

Пўл жамғармаларини вужудга келтиришининг хуқуқий негизлари ҳамда улардан қай йўсинда фойдаланиш Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш (қайтадан қуриш, таъмирлаш ва сақлаш

ишларни мазкур корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағ билан таъминлайдилар.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчаларини лойиҳалаш, қуриш (қайтадан қуриш), таъмирлаш ва сақлаш ишлари маҳаллий бюджетлар ҳисобидан маблағ билан таъминланади.

11-модда. Автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш ихтисослаштирилган муассасалар, ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш, қуриш ва қайтадан қуриш мазкур ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш учун бериладиган топшириқ маҳаллий йўл идоралари билан келишилади. Корхоналарга қарашли йўлларни қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Тегишли идораларга ажратилган ҳудудлардаги умумий фойдаланиш учун мўлжалланмаган корхоналарга қарашли йўлларни лойиҳалаш ва қуриш маҳсус рухсатномаларсиз амалга оширилади.

Автомобиль йўлларидан фойдаланишдан манфаатдор бўлган юридик шахслар, шунингдек тегишли маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари йўлларни қуриш ва қайта қуриш ишларида улуш қўшиб иштирок этишлари мумкин. Бундай ҳамкорликнинг шакллари шартномалар билан белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб қўшиладиган (туташириладиган) ва улар кесиша-диган йўлларни қуриш учун рухсатномалар тегишли йўлларни бошқарувчи ташкилотлар томонидан берилади. Агар бундай туташиш ёки кесишиш жойлари тегишли рухсатномасиз ёки йўл идоралари қўйган шартларни бузган ҳолда қурилган бўлса, йўл идоралари уларни қайта қуриш ҳақида ёхуд жойни дастлабки ҳолатига келтириш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Йўлга ажратилган минтақада ишоотлар (трубопроводлар, алоқа ва электр узатиш линиялари ва ҳо-

казолар) қуриш ҳамда уларни қайтадан қуриш лойиҳалари йўл эгалари билан ҳамда йўл ҳаракатининг хавфсизлигини назорат қилиб турувчи идоралар билан келишиб олишлари шарт.

Автомобиль йўллари, кўприклар ва бошқа йўл иншотларини барпо этиш ёки қайта қуриш чоғида алоқа тармоқларини кўчириш юзасидан амалга ошириладиган ишларни қурилиш буюртмачилари ўз ҳисобларидан, алоқа коммуникацияларининг эгалари берадиган техникавий шартларга мувофиқ бажарадилар.

12-модда. Автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини йўл идоралари сақлаб турадилар ва таъмирлайдилар.

Саноат, қурилиш ва бошқа корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотлари ўзларига қарашли кириб келувчи автомобиль йўлларини ўз маблаглари ҳисобшга сақлаб турадилар ҳамда таъмирлайдилар.

Корхоналарга қарашли бўлиб, умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган автомобиль йўлларини сақлаш ҳаражатларини шу йўллардан доимий фойдаланувчи юридик шахслар улуш қўшиш асосида амалга оширадилар.

Йўл транспорт иншотларини (темир йўлларни кесиб ўтиш жойларини, осма кўприкларни, паром кечувларини, трамвай йўлларини ва ҳоказоларни) ана шу иншотлар эталари бўлган ташкилотлар сақлаб турадилар ва таъмирлайдилар. Бундай иншотларни сақлаб туриш ва таъмирлаш тартиби тегишли йўл идоралари билан келишиб олинади.

Автомобиль йўлларини қуриш, сақлаш, таъмирлаш ва қайтадан қуриш ишлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланган экология меъёrlарини албатта ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

13-модда. Йўл идоралари ходимларининг ҳуқуқлари

Йўл идораларининг ходимлари хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

йўл қисмларини бузётган ёки ифлослантираётган, ё бўлмаса ўқига тушадиган оғирлиги, ёхуд ўлчамлари ушбу автомобиль йўли учун белгилаб қўйилгандан ор-

тиқча бўлган транспорт воситаларини тўхтатиш ва автомобиль йўлининг қатнов қисмидан четга чиқариб қўйишни талаб қилиш, шунингдек аниқланган қоидабузарликлар ҳақида протоколлар расмийлаштириш (мазкур протоколлар зарур чоралар кўриш учун Давлат автомобиль инспекцияси идораларига ва транспорт воситаларининг эгаларига, транспорт воситалари йўлни ёки йўл иншоотларини шикастлантирган тақдирда эса — келтирилган заарнинг ўрнини қоплаш учун судларга ёки ҳакамлик суди идораларига юборилади);

ўзлари хизмат қилаётган йўл бўлимлари чегарасида умумий фойдаланишдаги рейсли (маршрутли) автобусларда уларга кетаётган йўналишда бепул юриш.

Бепул қатнашга рухсат бериладиган йўл идоралари ходимларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси йўл идоралари томонидан Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлиги билан келишган холда тасдиқланади.

Юк автомобильларининг ҳайдовчилари (ҳарбий юклар, поча ташувчи, инкассатор автомобильлари ва бошқа маҳсус автомобиллардан ташқари), йўл-йўлакай йўл идораларининг ходимларини, агар хизмат гувоҳномасини кўрсатган тақдирда ва ўзлари хизмат кўрсатадиган йўл бўлимида хизмат бурчларини бажариш учун кетаётган бўлсалар, бепул олиб бориб қўйишлари, шунингдек уларнинг талаби билан йўлнинг қатнов қисмидан четга чиқариб қўйиш керак бўлган бузилган транспорт воситаларини шатакка олишлари шарт.

III бўлим. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш

14-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа юридик шахслар, шунингдек бошқа ҳаракат қатнашчилари автомобиль йўлларидан фойдаланувчилардир.

Чет давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари республика худудида автомобиль йўлларидан Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ва фуқаролари билан баравар фойдаланадилар.

Йўл ҳаракатининг қатнашчилари умумий фойдаланишдаги барча автомобиль йўлларидан, шунингдек уму-

мий фойдаланиш учун очиқ бўлган корхоналарга қа-
рашли автомобиль йўлларидан ўтиш ҳуқуқига эга-
дирлар.

Транспорт воситаларидан фойдаланадиган корхона-
лар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар улардан
фақат ҳаракат хавфсизлигига жавоб берадиган ҳамда
автомобиль йўллари ва йўл инишотларига путур етказ-
майдиган ҳолатдагина фойдаланишлари керак.

Транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ва ҳара-
катнинг бошқа қатнашчилари автомобиль йўлида ёки
унинг сунъий инишотларида бузуқ жойларни кўриб қол-
салар, бу ҳақда йўл ва милиция идораларини хабардор
қилиб қўйишлари шарт.

15-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш тартиби

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан
ушбу Қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг қонун-
ларида белгилаб қўйилган тартибда фойдаланилади.
Корхоналарга қарабли автомобиль йўлларидан фойда-
ланиш тартибини тегишли корхоналар ҳамда маҳаллий
ҳокимият ва бошқарув идоралари белгилайди.

Транспорт воситалари автомобиль йўлларида амал-
даги йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ юрмоғи керак.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғир-
лиги белгиланган меъёрлардан ортиқ бўлмаган тран-
спорт воситалари, ўзиюрар машиналар ҳамда механи-
зимларнинг юришига рухсат этилади.

Автомобиль йўлларидан ўқига тушадиган юк ва оғир-
лиги белгиланган меъёрдан (шу жумладан мавсумлар
бўйича) ортиқ бўлган транспорт воситаларининг ўтиши
учун уларнинг эгаларидан махсус ҳақ ундирилади. Йўл-
дан фойдаланишга рухсат берилиши фойдаланувчилар-
ни етказилган моддий зарарни қоплаш учун улардан
ундирилган махсус ҳақдан ортиқ бўлган қисмини тўлаш-
дан озод қилмайди.

Автомобиль йўллари чеккаларида иш олиб бораёт-
ган ташкилотлар ишларни амалга оширишнинг тарти-
би, муддатлари, сифатига риоя қилиниши учун, шунинг-
дек транспорт воситаларининг автомобиль йўлларида
ва айланиб ўтиш жойларида ҳаракат хавфсизлигини
таминалаш учун тўла жавобгардирлар.

Мазкур ташкилотлар иш бошлашдан олдин тегишли йўл идораларидан маъсъул шахслар, ишларни бажариш технологияси ва муддатлари кўрсатилган ордер олишлари шарт.

• 16-модда. Автомобиль йўлларидан фойдаланиш ҳамда уларда юриш шароитини ёмонлашишга олиб келадиган ишларни амалга ошириш ҳуқуқин чеклаш

Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари билан келишмасдан туриб:

йўл чеккаларида ва йўл учун ажратилган минтақада йўл ахборотига алоқаси бўлмаган реклама-шиорлар, лавҳалар, эълонлар ўрнатиш;

спорт мусобақалари (кросслар, автомобиль, мотоцикл, велосипед пойгалари ва бошқа тадбирлар) ўтказиш;

йўлга ажратилган минтақада кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш;

автомобиль йўлларини каналлар, алоқа ва электр узатиш линиялари, нефть қувурлари, газ қувурлари, сув қувурлари, темир йўллар ва бошқа коммуникациялар кесиб ўтиши, туташадиган ва ажралиб чиқадиган йўлларни қуриш;

кўприклар ва қувурлар яқинида мелиорация ҳамда бошқа мақсадлар учун дарёларнинг ва зовурларнинг ўзанларини чукӯрлаштириш;

умумий фойдаланишдаги йўллар билан бирлаштирилган шлюзларни, тўғонларни ва бошқа мелиорация ҳамда гидротехника иншоотларини таъмирлаш;

йўл четларида ҳамда йўл кўтармалари ва уйимларининг қияликларида жойлашган алоқа ва электр узатиш линияларини қайтадан қуриш тақиқланади.

17-модда. Автомобиль йўлларида ҳаракатни чеклаш ва тақиқлаб қўйиш

Табиий офат юз берган ҳолларда, таъмирлаш-қурилиш ишларини амалга ошириш чөғида ёки бошқа ҳолларда маҳаллий ҳокимиёт ва бошқарув идоралари қаторларига мувофиқ автомобиль йўлларида ҳаракат вақтинча тўхтатиб ёки чеклаб қўйилиши мумкин.

Автомобиль йўлларини сақлаш учун жавобгар идоралар йўл учун ажратилган минтақада иш олиб бораётган даврда бу ишлар транспорт ҳамда пиёдалар тўхтосиз ва хавфсиз харакатига таҳлика солса, йўллардаги ёки уларнинг маълум бўлакларидағи қатновни ёпиб қўйиш ёхуд чеклашга ҳақлидирлар.

Автомобиль йўлларида йўл ишларини амалга ошириш учун қатновни ёпиб қўйиш ёки чеклаш маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари берадиган ордер асосида амалга оширилади.

Берилган кўрсатмаларни ёки ишларни амалга ошириш учун ордерда кўрсатилган муддатларни бузиш, ишларни амалга ошираётган идораларнинг қонунда белгиланадиган миқдорда ва тартибда моддий жавобгарлигига сабаб бўлади.

Шошилинч, кечиктириш мумкин бўлмаган ҳолларда ишларни амалга ошириш учун олдиндан ордер олмасдан туриб ҳам қатновни чеклаш ёки тақиқлаш мумкин, бироқ бу ҳақда йўлларни сақлаш учун масъулиятли бўлган идораларга ва Давлат автомобиль назорати идораларига хабар бериш шарт.

18-модда. Автомобиль йўлларига туташ ер эгаларининг ва ердан фойдаланувчиларнинг бурчлари

Худудларидан автомобиль йўллари ўтадиган ер эгалири ва ердан фойдаланувчилар:

умумий фойдаланишдаги йўлларга қўшиладиган ва уларга олиб борадиган йўлларни техникавий жиҳатдан соҳзода сақлашлари;

йўлкаларни, пиёдалар йўлларини ахлатдан, лойдан ва қордан тозалаб туришлари;

дов-дараҳитларни асраш ва яхши сақлаб туришга ёрдам беришлари;

йўлга туташ буталар ва биноларни парваришлаган ҳамда бўялган ҳолатда сақлашлари;

йўл ўртасидан 50 метрдан кам бўлган масофада тош, шох-шабба, конструкциялар ва бошқа материаллар тўпланишига йўл қўймасликлари шарт.

19-м о д д а. Йўлларда транспорт воситаларига техникавий ёрдам кўрсатиш

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида автомобильларга техника хизмати кўрсатиш станциялари, автомобиль транспорти корхоналари ва ташкилотлари (ушбу корхоналар жойлашган биноларда), кооперативлар транспорт воситаларига техникавий ёрдам кўрсатадилар.

Техникавий ёрдам кўрсатиш ташкил этиладиган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан автомотоҳаваскорлар республика кўнгилли жамияти билан келишган ҳолда тасдиқланади ва матбуотда эълон қилинади.

Корхоналарга қарашли автомобиль йўлларида автомобилларга техникавий ёрдамни шу йўлларнинг эгалари кўрсатадилар.

20-м о д д а. Автомобиль йўлларида тиббий ёрдам кўрсатиш

Автомобиль йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларида жароҳатланганларга тиббий ёрдам ана шу йўлларга яқин бўлган тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилади.

Халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобиль йўлларидаги ана шундай тиббиёт муассасаларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг йўл идоралари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати билан келишган ҳолда белгиланади.

21-м о д д а. Автомобиль йўлларининг давлат томонидан назорат қилиниши

Автомобиль йўлларининг ҳолати узлуксиз ва хавфхатарсиз қатнов талабларига мувофиқ бўлишини ҳокимият ва бошқарув идоралари назорат қиладилар.

22-м о д д а. Йўл идораларининг автомобиль йуллари тўғрисидаги қонунларни бузганилик учун жавобгарлиги

Йўл идоралари ўзлари хизмат кўрсатаётган автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари транспорт воситаларини узлуксиз ва хавф-хатарсиз ўтказиб туришни таъминлайдиган соз ҳолатда сақланиши учун жавобгардирлар.

Автомобиль йўлларини бошқарувчи идоралар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажармаганлиги оқибатида йўл шароитлари ёмонлашуви туфайли юз берган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларга тўлашлари шарт ва улар юз берган ҳодиса оқибатларининг оғирлик даражасига қараб интизомий, мулкий, маъмурӣ ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Йўл шароитлари билан боғлиқ ҳолда юз берган йўл-транспорт ҳодисалари тўғрисидаги ҳужжатлар Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоралари томонидан автомобиль йўлининг тегишли бўлагини бошқарувчи йўл идораси вакиллари иштирокида расмийлаштирилади.

23-м о д д а. Автомобиль йўлларидан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги

Автомобиль йўллари бўлакларининг бузилиб, йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлишига йўл қўйган мансабдор шахслар ва фуқаролар Узбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Йўл белгилари, кўрсаткичлар, автопавильонлар, йўл ёқасидаги дов-дараҳтлар, қор ва қум кўчишларидан ҳимоя қилувчи иншоотларнинг ҳамда автомобиль йўлларини ободонлаштиришининг бошқа жиҳозлари шикастланишига йўл қўйган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар мазкур элементларнинг ва уларни қайта тиклаш ишларининг қийматини тўлайдилар.

Йўл қопламасини, йўл четидаги ихоталар, тупроқ кўтармаси, тўсиқ қурилмалари, кўприклар, кўтарма, осма йўллар, сувни оқизиб юборадиган ва бошқа иншоотлар шикастланишида айбдор бўлган корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролар уларни йўл

идоралари белгилаган муддатларда ўз кучлари билан
ва ўз ҳисобларидан таъмирлашлари (қайта тиклашла-
ри) ёки келтирилган заарарнинг ўрнини қоплашлари
шарт.

Айборлардан йўл хўжалигига етказилган моддий
зарар, шунингдек ушбу Қонунда кўзда тутилган жари-
малар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белги-
ланган тартибда ундириб олинади.

24-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган
халқаро шартномада Ўзбекистон Республикасининг Ав-
томобиль йўллари тўғрисидаги қонунлардагидан бошқа-
ча қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, халқаро шарт-
нома қоидалари қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТҮФРИСИДА

Узбекистон Республикасининг

1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг

Ахборотномаси,

1992 йил, 9-сон, 355-модда)

Ушбу Қонун санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартиба солади, одамнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳамда у билан боғлиқ бошқа ҳуқуқларини ва уларни амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлат санитария назорати бу санитария қонунлари ни бузилишини олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўшишга қаратилган санитария-эпидемиология хизматининг фаолиятидир.

I бўйим. Умумий қоидалар

1-модда. Узбекистон Республикасининг давлат санитария назорати түғрисидаги қонунлари

Узбекистон Республикасининг санитария назорати түғрисидаги қонунлари ушбу Қонундан ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларининг ўз ваколат доирасида чиқарадиган бошқа ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатdir.

2-модда. Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари

Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашнинг асосий принциплари қўйидагилардан иборат:

атроф-муҳитни соғломлаштириш, овқатланиши, меҳнат, турмуш, дам олиш, таълим-тарбия бериш шароитларини яхшилашга қаратилган қонунчилик, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши ташкилий тад-

бирлар мажмуини амалга ошириш асосида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳуқуқларини кафолатлаш;

халқ хўжалик объектлари, технология ускуналарини ва асбобларини, транспорт воситаларини ривожлантириш, жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш чоғида атроф-муҳит омиллари аҳоли саломатлигига заарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга қаратилган фаолиятининг устиворлигини таъминлаш;

аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ва ижтимоий фаолиятнинг мажбурий қисми сифатида амалга ошириш;

мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария нормаларига, гигиена нормативларига риоя қилмаслик ҳамда санитарияга доир ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширмаслик натижасида аҳолининг саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган заарарнинг ўрнини қоплаш;

санитария нормалари, қоидаларига риоя этилиши ва санитария-гигиена тадбирлари амалга оширилиши устидан давлат санитария назоратини амалга ошириш.

3-модда. Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари

Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари илмий тадқиқот ва бошқа муассасалар томонидан ишлаб чиқлади, Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланади ва шундан сўнг уч ой муддат ичida матбуотда босиб чиқарилиши керак.

II бўйим. Одамнинг қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи ва уни таъминлаш кафолатлари

4-модда. Одамнинг қулай атроф-муҳит шароигларига эга бўлиш ҳуқуқи

Ҳар бир одам қулай атроф-муҳит шароитларига эга бўлишга ҳақли.

5-м о д д а. Аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитнинг аҳволи ҳақида ахборот олиш ҳуқуқи

Ҳар бир киши касалликлар, эпидемия ва радиация вазияти, атроф-муҳитнинг ҳолати ҳамда уларнинг одамлар саломатлигига таъсири ҳақида, шунингдек гигиена соҳасидаги ва маҳсус ўтказилган бошқа экспертизалар ҳақида ҳаққоний маълумот олиш ҳуқуқига эга.

6-м о д д а. Одамнинг саломатлигига етказилган заарарнинг ўрнини тўлатиш ҳуқуқи

Ҳар бир одам атроф-муҳитнинг заарали кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа омиллари, шунингдек сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа саноат буюмлари таъсирида ўзига етказилган заарарнинг ўрнини тўлатиб олишга ҳаклидир.

III бўлим. Санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини, радиация хавфсизлигини таъминлаш талаблари ва уларни бажариш мажбуриятлари

7-м о д д а. Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахсларнинг санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлашга доир мажбуриятлари

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар,

белгиланган тартибда тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари;

давлат санитария назоратини амалга ошираётган идоралар, муассасалар, мансабдор шахсларга рўй берган авариялар, санитария-эпидемия, радиация вазияти тўғрисида ҳаққоний ва тўла тўқис ахборот беришлари шарт.

8-модда. Норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг мажбуриятлари

Норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқаётган давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар аҳолининг саломатлигини сақлашни ва санитария-эпидемия масалаларида хотиржамлигини таъминлашга қаратилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Қайд этилган идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар янги кимёвий ва биологик моддаларни, ион ҳосил қилувчи нурланиш манбаларини ҳамда мана шу манбаларга эга бўлган асбобларини, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини, материалар, технология жараёнлари, ускуналар ва бошқа халқ истемоли молларини жорий этишдан олдин аҳолининг санитария-эпидемия хавфсизлигини таъминлашга доир нормативлар бўйича илмий асосланган таклифларни, уларга риоя этилиши устидан назорат қилиш усулларини, зарарли маҳсулот ва чиқитларни заарсизлантириш йўлларини ишлаб чиқишлиари ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачига тақдим этишлари шарт.

9-модда. Объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш чоғида санитария талабларига риоя этишининг шартлиги

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, бирлашмаларнинг раҳбарлари ва алоҳида шахслар объектларни лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, янгилаш чоғида, корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва уларни фойдаланишга топшириш чоғида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига амал қилишлари шарт.

10-м о д д а. Майдонлар, иншоотлар, биноларни сақлаб туриш, ускуналар ва транспорт воситаларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар технология ва бошқа ускуналардан фойдаланишини, майдон, иншоотлар, ишлаб чиқариш бинолари ва санитария-маиший бинолар, иш жойлари, турар жой бинолари, болалар ва даволаш-профилактика муассасалари, ўқув юртлари, маданият, спорт ва бошқа муассасалар бинолари, шунингдек транспорт воситалири санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ сақлаб турилишини таъминлашлари шарт.

11-м о д д а. Қимёвий моддалар, биология воситалари ва материалларини қўлланишга, заарсизлантиришга, қайта ишлашга, кўмиб ташлашга қўйиладиган талаблар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, мuaассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар кимёвий моддаларни, биология воситалари ва материалларини сақлаш, қўлланиш, заарсизлантириш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хэтиржамлигини таъминлайдиган санитария нормалари, қоидалари ҳамда гигиена нормативларига риоя қилишлари шарт.

Янги кимёвий моддалар, биология воситалари ва материаллари, минерал ўғитлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ўсишини тезлаштирадиган дори-дармонлар, ўсимникларни ҳимоя қилишнинг кимёвий ва биологик воситалари, полимер ва пластик массалар, атирупа ва пардоз маҳсулотларини, бошқа кимёвий ва биологик воситаларни қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан, гигиена нормативлари белланганидан кейингина Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рухсатномасига кўра йўл қўйилади.

12-м о д д а. Радиация хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги талаблар

Давлат бошқаруви идоралари, мулкчиликнинг шакларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, таниклиотлар, бирлашмалар, меҳнат жамоалари ва айрим шахслар радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилиувчи нурланиш манбалари билан ишлаганда радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларига, шунингдек радиоактив моддалар ва бошқа ион ҳосил қилиувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида стандартларга, техника шартларига ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилишлари шарт.

13-м о д д а. Тураг жой биноларига одам қўйиш ва уларда яшаш тартиби

Яшаш учун тураг жой биноларини берадиган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, бошқа мулкдорлар ана шу биноларга одам қўйиш чоғида амалдаги санитария нормаларини бажаришлари шарт.

Амалдаги гигиена нормативларига жавоб бермайдиган тураг жой биноларига одам яшашига йўл қўйилмайди, уйларда яшовчилар тураг жой биноларини сақлаш ва улардан фойдаланишининг маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланган қоидаларини бажаришлари шарт.

14-м о д д а. Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, сақлаш ва сотишга қўйиладиган санитария талаблари

Мулкчилик шаклларидан қатъи назар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёси ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, ташиш, сотиш билан шуғуланувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар тиббиёт-биология талабларига, санитария нормаларига ва гигиена нормативларига риоя этишлари шарт.

Янги озуқа қўшимчаларини, махсус қўшиладиган биологик актив моддаларни, озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини, шунингдек озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотлари бевосита солиб қўйиладиган идишларнинг янги турларини қўлланишга улар заҳарлилиги ва гигиенаси жиҳатидан баҳоланганидан кейингина ва Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг рухсати билан йўл қўйилади.

15-модда. Ҳўжалик-ичимлик суви таъминотига қўйиладиган санитария талаблари

Давлат идоралари, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳўжалик-ичимлик суви таъминотининг марказлаштирилган тизимлари етказиб бералиган сувнинг сифати гигиена талабларига ва давлат стандартларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

Марказлаштирилган тартибда ҳўжалик-ичимлик суви етказиб берадиган сув қувурлари ва уларнинг манбалари учун махсус тартиблар ўрнатилган санитария муҳофазаси майдони белгилаб қўйилади.

Сув қувурларининг, улар сув оладиган манбаларнинг санитария муҳофазаси майдонлари, уларнинг санитария тартиботи маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари томонидан тасдиқланади.

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар рўзгорда ва майший мақсадларда ишлатиладиган ҳавзалардаги сувнинг, шу жумладан марказлаштирилмаган тартибда таъминланадиган сувнинг сифати амалдаги санитария нормалари ва қоидаларига мос бўлишини таъминлашлари шарт.

16-модда. Чет эллардан сотиб олинадиган маҳсулотни етказиб бериш ва сотишга қўйиладиган талаблар

Давлат идоралари, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар чет эллардан сотиб олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб бериш, сотиш ва улардан фой-

даланишда Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қилиншлари шарт.

17-м о д д а. Таълим шароитларини тартибга солиб турувчи санитария нормалари ва қоидаларига риоя этиш талаблари

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғултавувчи шахслар таълим муассасаларида ва корхоналарда санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини таъминлашлари шарт.

18-м о д д а. Тиббий кўрикдан ўтишнинг мажбурийлиги

Юқумли ва паразитар касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишига йўл қўймаслик, касб касалликлари, заҳарланишлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассаса, ташкилот ва бирлашмаларнинг ходимлари дастлабки ҳамда даврий тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикларни ўtkазиш тартиби Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Касаба ўюшмалари Федерациясининг Кенгashi билан келишган ҳолда белгиланади.

19-м о д д а. Касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш соҳасидаги мажбуриятлар

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарлари ва алоҳида шахслар юқумли, паразитар ва бошқа оммавий касалликлар, шу жумладан радиация омили билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг, шунингдек улар келиб чиққан тақдирда бу касалликларни йўқотиш чораларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашлари шарт.

Юқумли, паразитар, бошқа оммавий касалликлар келиб чиқиш ва тарқалиш хавфи туғилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари бош давлат санитария врачларининг тақдимиға мувофиқ белгиланган тартибда тегишли ҳудудларда ишлаш, ўқиш, ҳаракатланиш ва одам, юк ташишининг алоҳида шарглари ва тартибини жорий қилишилари мумкин.

Юқумли ва паразитар касалликлар ўчоғларида карантин-ташкнилар ва профилактика тадбирларини ўтказиш, касалликка чалинган беморларни касалхоналарга ётқизиш тартиби ва муддатларини тегишли ҳудудлардаги ҳокимият ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари ҳамда бош давлат санитария врачлари белгилайдилар.

20-модда. Илмий-гадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва ташкилотларнинг маҳсус экспертизаларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикасининг Боз давлат санитария врачи йулланмаси билан буюртмачининг маблағлари ҳисобига фан ва техника тараққиётининг ҳозирги даражасини ҳисобга олган ҳолда, аҳоли ва алоҳида шахслар саломатлиги ва касалланиш ҳолатини маҳсус экспертиза қилишининг санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа турларини, шунингдек лойиҳа, техника ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини, ускуналарини, асбобларини ва аппаратларни, кимёвий моддаларини, турли бирикмаларни, материалларни ва муҳитларни, озиқ-овқат хом ашёсини ва овқатларини, саноат буюмларини, радиоактив моддаларни, радиация техникасини экспертиза қилишлари ҳамда тиббий иммунобиологик препаратлари устидан назоратини амалга оширишлари шарт.

Қайд этилган илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, бошқа муассасалар ва ташкилотлар экспертизалар тўғри ўтказилиши учун жавобгардирлар.

IV бўлум. Давлат санитария назорати ба текшируви

21-модда. Санитария назорати ва текширувни амалга оширувчи идоралар ва муассасалар

Ўзбекистон Республикасининг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсуншидан ва мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жонлашган давлат идералари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Санитария-эпидемиология станцияси ушбу Қонунга ҳамда улар тўғрисидаги Низомга мувофиқ иш кўрувчи тиббий профилактик муассаса ҳисобланиб, санитарияга доир ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларининг мажмунини уюштирилишини ва ўтказилишини таъминлайди ҳамда давлат санитария назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирикларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ўрта Осиё темир йулининг ишлатилётган ва қурилаётган обьектларида идоравий санитария назоратини тегнишли вазирлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станицалари амалга оширадилар.

Санитария милицияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келингган ҳолда тасдиқланган Низомга мувофиқ санитария текширувни амалга оширади.

Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари қанси идорага бўйсуншидан қатъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик үладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар

Давлат санитария назоратини ташкил этиши ба амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош

давлат санитария врачи ва унинг ўринбосарлари, вилоятлар, шаҳарлар, поҳиялар бош давлат санитария врачи ва уларнинг ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

23-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар фаолиятиниг асосий кафолатлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология хизматининг давлат санитария назоратини амалга оширувчи бош давлат санитария врачлари, бошқа мансабдор шахслари ва мутахассислари ҳокимият вакилини ҳисобланадилар ва давлат ҳимоясига бўладилар.

24-модда. Давлат санитария назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятга аралашибга йўл кўйиб бўлмаслиги

Бошқа ташкилотларининг давлат санитария назорати идораларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш мақсадида уларнинг ишига аралашниши, давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга бирон-бир нўл билан таъсир кўрсатиши тақиқланади ва Ўзбекистон Республикаси қонуналарига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачи:

давлат санитария эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қилади, давлат санитария назоратини амалга оширишнинг асосий вазифаларини ва устивор йўналишларини белгилайди;

санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативларини тасдиқлайди;

атроф-муҳит омилларининг инсон организмига таъсирини аниқлашга доир республика норматив-техника ҳужжатларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва нашр этади;

авария вазиятларини йўқотиши чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга карши тадбирларни

амалга ошириш юзасидан муваққат санитария нормалари ва қондаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларини тайинлайди;

санитария-эпидемиология хизмати муассасаси раҳбарларининг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқади;

одамларининг ҳаёти ва саломатлиги учун ҳавфли бўлган яшаш ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайди;

худудларни карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

санитария холатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш учун ажратиладиган республика ва маҳаллий эпидемияга қарши жамғармалардан ва моддий-техникавий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланаётганини назорат қиласди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат санитария врачини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси тайинлайди.

26-м о д д а. Вилоят ва Тошкент шаҳри бош давлат санитария врачларининг ваколатлари

Вилоят ва Тошкент шаҳрининг бош давлат санитария врачлари:

ўз бўйсунувидағи санитария-эпидемиология хизмати идоралари ва муассасаларига раҳбарлик қиласди;

халқ хўжалиги объектларини қуриш ва қайта қуриш лойиҳалари юзасидан хулосалар берадилар;

санитария эпидемия жиҳатидан хотиржамлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг қарорлари асосида ва уларни бажариш юзасидан ҳужжатлар чиқарадилар;

одамларининг ҳаёти ва саломатлигини ҳавфли бўлган, аҳолининг яшаси ва хўжалик фаолиятини юритиш тақиқланадиган ҳудудларни белгилайдилар;

вилоят ва шаҳар ҳудудларига карантин инфекциялари олиб кириш ва тарқатишдан санитария муҳофазаси тадбирларини амалга оширадилар;

авария вазиятларини йўқотиш чоғида санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказадилар;

Узбекистон Республикасининг Бош санитария врачи билан келишган ҳолда шаҳарлар ва ноҳияларнинг бош давлат санитария врачларини тайнилайдилар.

27-модда. Давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари

Давлат санитария назоратини амалга ошираётган мансабдор шахсларга уларнинг ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) давлат бошқаруви идораларида, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалардан, шунингдек алоҳида шахслардан йўл қўйилган санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам беришни талаб қилиш;

б) халқ ҳўжалиги обьектларини қурмаш ва уларни қайта қуриш лойиҳаларида санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларига риоя этилишини назорат қилиш;

в) мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга ва алоҳида шахсларга белгиланган тартибда:

аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуриш лойиҳалари, халқ ҳўжалиги обьектларини жойлаштиришнинг истиқбол режалари бўйича, шунингдек корхоналар, бинолар ва иншоотларни қуриш, қайта қуриш лойиҳалари бўйича хулосалар бериш;

қурилиш учун ер участкалари бериш, рўзгорда ва машиий мақсадларда сувдан фойдаланадиган жойларни ва оқава сувлар тозаланганидан кейин уларни тушириб юбориш шартларини аниқлаш, заҳарли, кимёвий, радиоактив ва бошқа моддаларни қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш масалалари бўйича хулосалар бериш;

г) турар жой бинолари ҳамда маданий-менинй бинолар, саноат, қишлоқ ҳўжалик ва бошқа корхоналар, шунингдек иншоотларнинг амалдаги санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига мувофиқлиги ҳақида хулосалар бериш;

д) болалар муассасаларида тарбияланаётган ҳамда ўқув юртларида таълим олаётган болаларнинг ўқув-мехнат соатлари ва тахминий машғулот тартиби ҳакида тақдим этишган таклифлар юзасидан хуносалар берниш;

е) қайси идорага буйсуншидан қатъи назар, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларини, бошқа муассасалар ва ташкилотларни маҳсус экспертизалар ўтказишга жалб этиш ва бунга буюртмачилар ҳисобидан ҳақ тўлаш;

ж) санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бажарилишини назорат қилиш мақсадидан исталган вақтда хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга тўсқинликсиз кириш;

з) қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларнинг раҳбарларидан ва алоҳида шахслардан;

санитария нормаларини, қондаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам суратда бажармаётган ва ишлаб чиқаришининг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юкумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини туғдирадиган шахсларни ишдан четлаштиришни;

атрофдагилар учун хавфли бўлган юкумли ва паразитар касаллик билан оғриган беморларни касалхонага ётказиши;

профилактика ва эпидемияга қарши тарбияларни амалга оширишни;

съёктларнинг санитария ҳолатини аниқлаш ҳамда аҳоли саломатлигининг ҳолатини эпидемиология жиҳатидан таҳлил қилиш учун зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришларни беришни талаб қилиши ҳуқуқига эгадирлар;

и) гигиена экспертизалари, лабаратория тадқиқотлари ўтказиш учун озиқ-овқат маҳсулотларини, буюмларни, предметлар ва материалларни олиш, шунингдек бевосита обьектларнинг ўзида, лабораторияда ва асбоблар ёрдамида зарур текширишлар ўтказиш;

к) санитария назоратини амалга оширишга бошқа идораларнинг мутахассисларини шартнома асосида, шунингдек жамоатчилик вакилларини жалб этиш.

Бош давлат санитария врачлари ва уларниң ўринбосарлари санитария қонунлари бузилгани тақдирда қўйидаги ҳуқуқларга эга бўладилар:

ер участкаси, уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш ва бошиқа халқ хўжалиги обьектлари қурилишига, уларни қайта қуриш, кенгайтиришига, ер ажратишга доир, санитария нормаларига ва қоидаларига жавоб бермайдиган лойиҳалаш ҳақидаги ҳужжатларни ва лойиҳаларни қайтарни;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилишига барҳам берилгунга қадар амалдаги ишлаб чиқариш обьектларида, маданий-маиший бинолардан фойдаланишини, умумий овқатланиши ва савдо корхоналарининг, таълим даволаш-профилактика ҳамда санаторий-курорт муассасаларининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш, ускуналар, асбоблар ва гидротехника ишшоотларини ишлатинин тақиқтаб қўшиш;

санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилган тақдирда аҳоли пунктлари, бинолар ва ишшоотлар қурилишини, уларни қайта қуриши ҳамда мазкур обьектларда айрим иш турларини амалга оширишини тўхтатиб қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига рўйхатдан ўтказилмаган ёки одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли деб топилган янги хом ашё турларини, кимёвий моддаларни, технология ускуналарини, жараёнларини ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ва озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюмларини, қурилиш материалларини, ион ҳосил қилувчи нурланиш мањбаларини, биология воситаларини, озиқ-овқат хом ашёси, озиқ-овқат маҳсулотлари ва доридармонларга ишлатиладиган идишлар, пластик, полимер ва бошқа материалларни, улардан тайёрланган буюмларни ва бошқа халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаринини, қўллашини ва сотишни тақиқлаб қўйиш;

хўжалик ва ичимлик суви билан таъминлашда, озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов берини чоғида кимёвий моддаларни қўллашни, одамлар саломатлигини заарларни таъсир кўрсатиш хавфи туғилган тақдирда қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларининг ўсишини тезлаштирадиган ва тартибга соладиган дориларни, пестицидларни, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини қўллашни бу моддалар ва материалларни ишлаб чиқувчи уларниң хавфли эмаслиги ҳақида илмий

асосланган маълумотларни тақдим этгунигача тақиқ-
лаб қўйиш;

сув истеъмол учун яроқсиз деб топилганда ундан
ичиш ва хўжалик мақсадларида ишлатишни тақиқлаб
қўйиш;

санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нор-
мативларини бузаётган шахсларни вақтинча ишдан
четлашириш.

**28-модда. Бош давлат санитария врачлари ва
ўринбосарларининг қарорлари устидан
шикоят қилиш**

Маъмурий жарима белгилаш ҳақидаги қарорлар
устидан Ўзбекистон Республикасининг қонунларида на-
зарда тутилган тартибда шикоят берилади.

**V бўлим. Санитария қонунларини бузганлик учун
жавобгарлик**

**29-модда. Санитария қонунларини бузганлик
учун жавобгарлик**

Мулкчиликининг шаклларидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, мансабдор ва бошқа шахслар қўйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиладилар:

1) тупроқни, атмосфера ҳавосини, озиқ-овқат маҳсулотларини, иш олиб бориладиган жой ҳавосини, сув билан таъминлашнинг очиқ ерости маибаларини, аҳоли томонидан маданий-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув ҳавзалари ҳамда сув омборларининг қирғоқларини кимёвий, физиковий, биологик ва бошқача тарзда ифлослантирганлик учун;

2) санитария нормаларига, қоидаларига ва гигиена нормативларини ҳисобга олмаган ҳолда аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишни, санитария-эпидемия масалаларида аҳолининг хотиржамлигини ва радиация ҳавфислигини таъминлашга доир норматив-техникавий ҳужжатларни ишлаб чиқсанлик учун;

3) янги хом ашё турларини, технология ускуналарини, жараёнлари ва асбобларини, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат хом ашёсини, саноат буюм-

ларини, бинокорлик материалларини, ион ҳосил қи-
лувчи нурланиш манбаларини, кимёвий моддалар ва
маҳсулотларни, биология воситаларини, озиқ-овқат хом-
ашёси, озиқ-овқат моллари ва дори-дармонлар бевоси-
та тегиб турадиган идишлар, бошқа материалларни, бу
материаллардан тайёрланадиган буюмларни, атирупа-
ва пардоз маҳсулотларини ҳамда бошқа халқ истеъ-
моли молларини, тиббиёт ва иммунобиология дори-дар-
монларини ишлаб чиқариш ва қўлланишга доир норма-
тив-техника ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси-
нинг Бош давлат санитария врачи билан келишмаган
ҳолда ишлаб чиққанлик учун;

4) корхоналар, бинолар ва иншоотларни, транспорт
воситаларини, сув таъминоти, канализация ва оқава-
сувларни тозалаш тизимларини, гидротехника иншоот-
ларини, бошқа объектларни санитария нормаларига,
қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этмаган
ҳолда ва давлат санитария назорати идоралари билан-
келишмасдан туриб лойиҳалаганлик, қурганлик, қайта-
қурганлик учун;

5) ер участкасидан давлат санитария назорати идо-
ралари билан келишмасдан туриб янги қурилиш, объ-
ектларни қайта қуриш, кенгайтириш учун фойдаланган-
лик учун;

6) давлат санитария назорати идораларининг руҳ-
сатисиз объектларни қабул қилиб олгаилик ва фойда-
ланишга топширганлик учун;

7) озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотлари сифатига
қўйиладиган талабларга риоя этмаганлик, таркибида
инсон ҳаёти ва саломатлиги учун хавфли бўлган радио-
нуклиидлар, заҳарли, биологик, кимёвий ва бошқа мод-
далар ва бирикмалар белгиланган гигиена норматив-
ларидан юқори бўлган маҳсулотларни овқатга ишлат-
ганлик учун;

8) озиқ-овқат хом ашёси ва озиқ-овқат маҳсулотла-
рини ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиб ва сотиш ҷоғида
санитария нормалари қоидаларини ва гигиена норма-
тивларини бузганлик учун;

9) қишлоқ хўжалик экинлари ва ҳайвонларининг
ўсишини тезлаштирадиган моддаларни, ўсимликларни
химоя қилишининг кимёвий ва биологик воситаларини,
озиқ-овқат хом ашёсига, озиқ-овқат маҳсулотларига ва
дори-дармонларга тегиб турадиган идишлар, бошқа
материалларни, ем-хашакка қўшиб бериладиган оэуқа

моддаларни давлат санитария назорати идораларининг рухсатисиз қўлланганлик учун;

10) чет элдан олинадиган технологиялар, материаллар, хом ашё ва маҳсулотларни етказиб беришда, сотишда ва улардан фойдаланишда санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

11) хўжалик-ичимлик сув таъминоти марказлаштирилган тизимлари орқали берилаётгани сувнинг сифати гигиена талабларига мос келмаслиги учун;

12) сув ҳавзаларидан рўзгорда ва майний мақсадларда фойдаланганда, сувнинг сифати санитария нормалари ва талабларига мос келишини таъминламаганик учун;

13) аҳоли пунктлари ва ҳудудларини сақлашнинг саноат, қишлоқ хўжалик ва хўжалик рўзгор-чиқитларини, шу жумладан радиоактив ва заҳарли моддаларни тўплаш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлашнинг санитария қоидаларини бузганлик учун;

14) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг санитария нормалари қоидалари ва гигиена нормативларини бузганлик учун;

15) барча тиқдаги таълим муассасаларида соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот муассасаларида ва бошқа муассасалар ҳамда корхоналарда санитария нормалари қоидалари ва нормативларига риоя этмаганик учун;

16) радиоактив моддалар, ион ҳосил қилувчи нурланниш манбалари билан ишлашда, шунингдек радиоактив чиқитларни кўмиб ташлаш чоғида радиация хавфсизлиги нормалари ва санитария қоидаларини бузганлик учун;

17) юқумли, паразитар касаллклар тарқалишининг олдини олиш ва уларни тугатиш чора-тадбирларини баражмаганик учун;

18) давлат санитария-эпидемиология идоралари ва муассасаларининг йўлланмалари билан санитария-гигиена, тиббий, биологик, техникавий, социологик ва бошқа маҳсус экспертизалар ўтказишдан асоссиз боштортиганик учун;

19) тиббий кўриклардан ўтмаган ёки саломатлиги туфанили меҳнатга яроқсиз дёб топилган шахсларга ишлашга рухсат берганлик учун;

20) айрим тоифадаги фуқаролар мажбурий тиббий

кўрикдан ўтмаганлиги ёки кўрикдан ўтиш муддатларини бузганлиги учун;

21) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идоралар ва муассасаларнинг кўрсатмаларини, хуносаларини ҳамда қарорларини бажармаганлик учун;

22) обьектдаги санитария гигиена ҳолатини, эпидемия вазиятини ва радиация ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган материалларни беришдан бош тортганилик учун;

23) давлат санитария назоратини амалга оширувчи идораларга ва муассасалар томонидан ёпиб қўйилган обьектларда муҳрларни узиб ташлаганлик ва ишни қайта бошлаганлик учун;

24) ишчи ва хизматчиларнинг айрим тоифалари, шунингдек якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг мажбурий гигиена таълимидан ўтиш тўрисидаги конун талабларини бузганлиги учун.

30-модда. Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари қўллайдиган маъмурий жавобгарлик чоралари

Бош давлат санитария врачлари ва уларнинг ўринбосарлари санитария қонунлари, санитария нормалари, қондалари ва гигиена нормативлари бузилган, давлат санитария назоратини амалга ошираётган маңсабдор шахсларнинг кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда аибдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш, шу жумладан қўшидаги миқдорларда жарима солиш ҳуқуқига эгадирлар:

мансабдор шахсларга — кўпи билан икки ойлик даромади миқдорида;

бошқа шахсларга — кўпи билан бир ойлик даромади миқдорида.

Маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпидемияга қарши жамғармаларига тушади.

Маъмурий жазо чоралари қўллангандай кейин бир йил давомида такрор содир этилган, шунингдек одамларининг ҳалок бўлишига, гуруҳ бўлиб ёхуд оммавий тарзда касалланишига, заҳарланишига сабаб бўлган, аҳолининг саломатлигига катта зарар етказган хатти-ҳаракатлар учун айборлар Узбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

31-м о д д а. Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларини бузиш натижасида келтирилган заарнинг ўрнини қоплаш

Мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар, санитария қонунларини бузишда айбдор бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ва алоҳида шахслар шикастланганларни даволаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш, даволаш-профилактика тадбирларига, санитария ҳолатини яхшилаш ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга оширишга сарфланган ҳаражатларни Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тўлашлари шарт.

VI бўлум. Халқаро шартномалар

32-м о д д а. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу Қонундагидан бошқача қоидалар белгилаб қўйилган бўлса, у ҳолда халқаро шартномалар қоидалари қўлланади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ ТҮГРИСИДА»ҒИ
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 356-модда)

Узбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор
қилиди:

1. Узбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати түгрисида»ги Қонуни матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киртилсин.

2. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузурида-
ги Вазирлар Маҳкамаси:

уч ой муддат ичидаги «Санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя қўймаслик ва санитарияга доир, эпидемияга қарши чора-тадбирларни ўтказмаганлик оқибатида одамлар саломатлигига ва атроф-муҳитга етказилган зааранинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, айрим шахслар томонидан тўланиши тартиби түгрисида», «Санитария қонунлари бузилган ҳолларда диагностика чораларига; даволаш ва эпидемияга қарши кураш чора-тадбирларига қилинган ҳаражатларни тўлаш тартиби түгрисида», «Санитария соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жарималар ундириш тартиби түгрисида»ги низомларни тасдиқласин;

1992 йилнинг 1 декабрига қадар:

Узбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини «Давлат санитария назорати түгрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақлифни Узбекистон Республикаси Олий Қенгашига тақдим этсин;

Узбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари-ни мазкур Қонунга мувофиқлаштирсан.

Узбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮФРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

Қ О Н У И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 358-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қилиди:

1959 йил 21 майдаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1959 йил, 6-сон, 3-модда) қўйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсан:

1. Кодекс қўйидаги мазмунда бўлган 47²-модда ва ўн учинчи¹ боб билан тўлдирилсан:

47²-модда. Суриштирув идоралари, терговчи, прокурор ва суднинг жараён қатнашчилари ҳамда ўзга шахсларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларни кўриш борасидаги вазифалари

Жабрланувчига, гувоҳ ёки ишда қатнашаётган бошқа шахсларга, шунингдек уларниг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уругларига, улдириш, зўрлик қилиш, шахсий мол-мулкини йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкига шикаст етказиш билан ёинки ўзга тайриқонуний хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир, дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирув идораси, терговчи, прокурор, суд, бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкини муҳофаза қилиш, шунингдек анборларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари шарт.

Суд, прокурор, шунингдек терговчи ва суриштирув идораси прокурорининг розитиги билан милиция идораларига ишда қатнашаётган шахсларнинг ҳаёти, сало-

матлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки муҳофаза қилинишини таъминлоъчи барча чора-тадбирларни куриш хусусида ёзма равишда топшириқ беришга ҳақлидирлар.

Майлиция идораси жиноий ишда хавф остида қолган шахсларга доир мавжуд маълумотлардан, бу хавфнинг эҳтимол тутилган характери, манбалари, жойи, вақти ва бошқа ҳолатлар ҳақида хабардор этилиши лозим».

«Ўн учинчи¹ боб

Телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиш

160¹-м о д д а . Сўзлашувни эшитиш учун асослар

Кўзгатилган жиноий иш юзасидан гумон қилинаётган шахснинг, айбланувчининг телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали сўзлашувларини эшитиш оқибат-натижада ишга доир муҳим аҳамиятга эга маълумотлар олиниди деб, ҳисоблаш учун етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда прокурорнинг рухсати билан суриштирув идораси ёки терговчининг қарорига биноан ёхуд суднинг ажримига кўра амалга оширилиши мумкин.

Жабрланувчига, гувоҳга, худди шунингдек уларнинг қариндош-уруғлари ва яқин кишиларига нисбатан зўрлик қилиш, таъмагирлик қилиш ёки ўзга ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этиш таҳдиidi мавжуд бўлган тақдирда ана шу шахсларнинг аризалари ёки ёзма равишда берган розилигига кўра прокурорнинг рухсати билан ёнкни суднинг ажримига биноан уларнинг телефонлари ё ўзга сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувни эшитиш мумкин.

160²-м о д д а . Телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа хил сўзлашувларни эшитиш тартиби

Терговчи ёки суриштирув идораси сўзлашувларни эшитишни, зарур ҳолларда бу ишга мутахассисни жалб этиши мумкин. Терговчи, суриштирув ўтказаётган шахс, прокурор ва судья топшириқ ёзади. Бу топшириқнома ижро этиши учун ички ишлар идораси ёки миллий хавф-

сизлік хизматининг сұзлашувларни әшитиши махсус бүлінмасы (хизмати) раҳбарнiga юборилади.

Әшитилаётган маълумотларнинг характеристи ва қажыми, шунигдек сұзлашувларни әшитишнинг бориши ва натижаларнинң қайд қилиш шакли сурнштирув идорасынинг терговчининг, прокурорнинг қарорида ёки суднинг ажримида белгилаб берилади.

Телефон сұзлашувлари ва бошқа сұзлашувлар олти ойдан ортиқ давом этиши мүмкін эмас.

Телефонлар ва бошқа сұзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сұзлашувларни әшитиши ҳамда магнит лентасига овоз ёзиб олиннан мүмкін. Әшитишиң үтказилғанлығы ва магнит лентасига овоз ёзиб олинғанлығы түғрисінде баён тузилиб, унда ишіга тааллуқты сұзлашувлар фонограммасыннан қисқача мазмуни ифода этилади. Фонограмма мұхрлаппап, баёнға тикиб қўйилади, уннан ишіга тааллуқты бўлмаган қисми эса ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилиб юборилади.

160 -модда. Телефон орқали сұзлашув ва бошқа хил сұзлашувларни әшитишнинг фонограммасы ҳамда баёни

Телефонлар ва бошқа сұзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сұзлашувларни әшитиши чөғида овоз магнит лентасига ёзиб олиннан мүмкін. Әшитишиң үтказилғанлығы ва магнит лентасига овоз ёзиб олинғанлығы түғрисінде баён тузилиб, унда ишіга тааллуқты сұзлашувлар фонограммасыннан қисқача мазмуни ифода этилади. Фонограмма мұхрлаппап, баёнға тикиб қўйилади, уннан ишіга тааллуқты бўлмаган қисми эса ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин йўқ қилиб юборилади.

Сұзлашув әшитилғанлығы ва овоз магнит лентасига ёзиб олинғанлығига доир баёнда абонент рақами, сұзлашув әшитилган ва овоз магнит лентасига ёзиб олинған вақт, жой, бу ишларни бажарған шахсларга доир маълумотлар, шунингдек иш учун аҳамиятта әга булиши мүмкін бўлган бошқа маълумотлар акс эттирилади.

Сұзлашув әшитилғанлығы ва овоз магнит лентасига ёзиб олинғанлығига доир баён ушбу Кодекс 117-модда-си талабларига риоя этилган ҳолда тузилади ва бу ишларни амалга оширган шахслар томонидан имзоланаради.

2. 12-модданынг иккінчи қисми қуйидагича таҳрирда баён этилсии:

«Бундан ташқари ўн олти ёшга тўлмаган шахслар-нинг жиноятларига доир ишлар бўйича, ишда қатна-шаётган шахслар ҳаётининг сир тутиладиган томонла-ри тўғрисидаги маълумотлар ошкор бўлишининг олдини олиш мақсадида жиноий алоқаларга доир ва бошқа ишлар бўйича, шунингдек жабрланувчи, гувоҳ ҳамда ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндош-уругларининг хавфсизли-гини таъминлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг асослантирилган ажримига биноан иш ёпиқ судда кўрилишига йўл қўйилади».

3. 13 ва 14-моддалар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Гумон этилаётган шахснинг, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқу-ки таъминланиши

Гумон этилаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи ҳимоя ҳуқуқига эгадир.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс гумон этилаётган шахс, айбланувчи ҳамда судланувчига қонунда белгиланган воситалар ва усуллар билан ҳимояланиш имкониятини, шунингдек уларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлаб беришлари шарт.

14-модда. Ишнинг ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холис текшириш

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс ишнинг ҳолатлари ҳар тарафлама, тўла ва холис текширилиши учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари, гумон қилинаётган шахс, айбланиувчи ва судланувчининг ҳам айбини очадиган, ҳам уларни оқлайдиган, шунингдек уларнинг жавобгарлигини оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган ҳолатларни аниқлашлари шарт.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирув ўтказаётган шахс исботлаш вазифасини гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи зиммасига юклаб қўйишга ҳақли эмас.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи, судланувчи ва ишда қатнашашётган бошқа шахслардан мажбурлаб

кўрсатувлар олиш, худди шунингдек зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш ва бошқа ғайриқонуний йўллар билан далил-исбот тўплаш ман этилади».

4. 35-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари чиқаруб ташлансин.

5. 36-модданинг учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жабрланувчи шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали суд муҳокамасида айбловни қўллаши мумкин».

6. 40¹-модданинг иккинчи қисми «Гумондор» сўзидан кейин, «ҳимоячига эга бўлишга» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. 42-модда қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42-м о д д а. Жиноят судлов ишларини юргизишида ҳимоячининг иштироки

Ҳимоячининг ишда қатнашишига айбнома эълон қилинган пайтдан бошлаб, жиноят содир қилинганликда гумон этилаётган шахс ушланган ёки унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси айбнома эълон қилингунга қадар қўлланилган тақдирда эса унга ушлаб туриш баёни ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги қарор эълон қилинган пайтдан бошлаб, аммо ушланган вақтдан сўнг йигирма тўрт соатдан кечиктирмай йўл қўйилади. Башарти, ушбу муддат ичида гумон этилаётган шахс ёки айбланувчи танлаган ҳимоячи ҳозир бўлишининг имкони топилмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ва прокурор гумон этилаётган шахсга ёки айбланувчига бошқа ҳимоячи чақиришни таклиф қилишга ҳақлидирлар, ёинки ҳуқуқий маслаҳат идораси орқали уларни ҳимоячи билан таъминлайдилар.

Адвокатларнинг, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакилларининг муайян ташкилотлар аъзоларига тааллуқли ишлар юзасидан ҳимоячи сифатида қатнашишларига йўл қўйилади. Суриштирув идораси, терговчи ва судьянинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра бошқа шахсларнинг ҳам ҳимоячи сифатида қатнашишларига йўл қўйилади.

Ҳуқуқий маслаҳат идорасининг мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати гумон этилаётган шахсни айбланувчи ёхуд судланувчини ҳимоя қилиш учун адвокат тайинлашлари шарт. Ҳуқуқий маслаҳат идорасининг

мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати, шунингдек ишни юргизаётган суриштирув идораси, дастлабки тергов идораси, прокурор, суд Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда гумон этилаётган шахсни, айбланувчини, судланувчини ҳуқуқий ёрдам ҳақини тўлашдан бутунтай ёки қисман озод қилиншга ҳақлидир. Ҳуқуқий маслаҳат идораси мудири ёки адвокатлар ҳайъатининг раёсати ҳақ тўлашдан бундай озод қилиншга йўл қўйгани тақдирда ҳимоячининг меҳнатига адвокатлар хайъати маблағлари ҳисобидан, бошқа ҳолларда давлат ҳисобидан ҳақ тўланади.

Адвокатлар меҳнатига Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ҳақ тўлаш ёки адвокат суриштирувида, дастлабки терговда ва судда тайинлаш асосида қатнашган ҳолларда унинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун кетган ҳаражатлар бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Бундай ҳолда давлатдан кетган ҳаражатларни қоплаш маҳкумнинг зиммасига юклатилиши мумкин».

8. 43-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганларнинг, соқовлар, карлар, кўрлар ва жисмоний ёки руҳий нуқсони туфайли ўзининг ҳимоя ҳуқуқини ўзи амалга ошира олмайдиган бошқа шахсларнинг, шунингдек судлов иши юритилаётган тилини билмайдиган шахсларнинг ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш, бундай ишларни судда кўриб чиқиши чоғида ҳимоячининг иштирок этиши шарт. Бундай ҳолларда ушбу Кодекснинг 42-моддаси биринчи бандида уқтирилган пайтдан бошлаб ҳимоячининг ишда иштирок этишига йўл қўйилади.

Улим жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир қилинда айбланаётган шахсларнинг ишлари бўйича айнома эълон қилинган пайтидан бошлаб ҳимоячининг иштирок этиши шартдир. Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйиладиган бошқа ҳолларда ҳам ҳимоячининг ишда иштирок этиши шарт бўлиши мумкин»;

учинчи қисмдан «Айбланувчи ҳимоячининг иштирок этиши тўғрисида илтимос қилган ёки» деган сўзлар чиқариб ташлансан.

9. 44, 45 ва 46-моддалар қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«44-м о д д а. Ҳимоячини таклиф қилиш, тайинлаш ва ўзгартириш

Ҳимоячинни гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчи томонидан, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг топшириғи ёхуд розилиги билан уларнинг қонуний вакиллари, қариндош-уругларни ёки бошқа шахслар томонидан таклиф қилинади.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг илтимосига биноан ҳимоячининг қатнашуви суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ёки суд томонидан таъминланади.

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи танлаган ҳимоячининг узоқ вақт ишда иштирок этиш имкони бўлмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи ва суд гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчига бошқа ҳимоячи чақиришин таклиф қилишга ёхуд гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчига ҳуқуқий маслаҳат идораси орқали ҳимоячи тайинлашга ҳақлидирлар.

Башарти, гумон қилинаётган шахслар, айбланувчи ёки судланувчилар икки нафар ва ундан ортиқ бўлиб, улардан бирини ҳимоя қилиш манфаатлари иккинчисини ҳимоя қилиш манфаатларига зид келса, айни бир шахс юқорида уқтирилган шахслардан икки нафар ёки ундан ортиғининг ҳимоячиси бўла олмайди.

45-м о д д а. Ҳимоячидан воз кечиш

Гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган исталган вақтда ҳимоячидан воз кечишга ҳақлидир. Бундай воз кечишга фақат гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчининг ташаббуси билангина йўл қўйилади ва у давлат ёки жамоат қораловчисининг, шунингдек бошқа гумон қилинаётган шахслар, айбланувчилар ва судланувчилар ҳимоячиларининг ишда қатнашишига тўскенилик қilmайди.

Ушбу Кодекснинг 43-моддасига мувофиқ ҳимоячининг қатнашиши шарт бўлган ҳолларда ҳимоячидан воз кечиш истаги қондирилмайди.

46-модда. Ҳимоячининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

Ҳимоячи гумон этилаётган шахсни, айбланувчи ёки судланувчини оқладиган, уларнинг жавобгарлигини камайтирадиган ҳолатларни аниқлаш мақсадида ҳимоя қилишининг қонунда кўрсатилган барча воситалари ва усулларидан фойдаланиши ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиши шарт.

Ҳимоячи ишда қатнашишга рухсат этилган вақтдан бошлаб: айнома эълон қилинаётган чоғда иштирок этишга, гумон этилаётган шахс ёки айбланувчини сўроқ қилишга, шунингдек улар иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатлари вақтида қатнашишга; ишга доир барча материаллар билан танишиши ҳамда улардан зарур маълумотларни кўчириб олишга; суд терговида қатнашишга; далил-исботларни тақдим этишга; нийтимосларни баён этишга; радиялар беришга; суринтирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари юзасидан шикоят қилишга ҳақлидир. Ҳимоячи ишда қатнашишга рухсат этилган вақтдан бошлаб ушланган шахс ёки қамоқда сақланаётган, гумон этилаётган шахс ёхуд айбланувчи билан истаганча ва давомийлиги чекланмаган ҳолда танҳолика учрашишга ҳақлидир.

Тергов ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этаётган ҳимоячи сўроқ қилинаётган шахсга саволлар беришга, тергов баёнидаги ёзувларнинг нотўғрилиги ёки тўлиқ эмаслиги юзасидан ёзма фикр-мулоҳазалар билдиришга ҳақлидир.

Ҳимоячи ҳимояни амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум қилинган маълумотларни ошкор этишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ҳимоячнинг бошқа ҳуқуқлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Адвокат гумон этилаётган шахсни, айбланувчини ёки судланувчини ҳимоя қилиш бўйича ўз зиммасига олган вазифадан воз кечишга ҳақли эмас».

10. 50-модданинг иккинчи қисми «тергов ва суд ҳаракатларининг протоколлари» сўзларидан сўнг «виdeoёзувлар, кинофото, суратлар ва магнит лентаси ёзувларидан иборат материаллар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 54-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ узрли сабабларсиз келмаса, суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор ва суд уни мажбурий равишда олиб келтиришга ҳақлидир. Гувоҳ қасдан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда, суд бундай шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши ҳам мумкин».

12. 78-модданинг учинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув ўтказаётган шахс, терговчи, прокурор, суд эҳтиёт чораси сифатида ҳибсга олиш танланганлиги тўғрисида гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ва судланувчининг иш жойига, ўқиш жойига, оиласига ёки яқин қариндош-уругларидан бирига зудлик билан маълум қилади. Ҳибсга олиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим қамоқ жойига жўнатилади. Башарти, гумон қилинаётган шахс, айбланувчи ёки судланувчи хорижий давлат фуқароси бўлса, қарор ёки ажрим Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ҳам юборилади».

13. 98-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув идоралари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноятни содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноий иш юзасидан исбот сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ҳақиқий маълумотларни аниқлаш мақсадида зарур оператив-қидирув чораларини куриш, шу жумладан видеөёзувлар, кинофото, суратлар ва овоз ёзиш воситаларидан фойдаланган ҳолда оператив-қидирув чораларини кўриш вазифаси юклатилади».

14. 99-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноятнинг мавжуд аломатларига кўра дастлабки тергов ўтказилиш шарт бўлса, суриштирув идораси жиноий иш қўзғайди ва ушбу Кодексга амал қилган ҳолда жиноят аломатларини аниқлаш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан; кўздан кечириш, тинтуб ўтказиш, ишга дахлдор нарсаларни олиб қўйиш, телефон орқали ва бошқа хил сўзлашувларни эшлиш, мол-мулкини хатлаш, гумон қилинаётган шахсларни гувоҳлантириш, ушлаш,

сўроқ қилиш, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишдан иборат кечикириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга оширади, зарур ҳолларда эса экспертиза тайинлайди».

15. 100-моддада:

учинчи қисмдан «ишдаги материаллар билан уларни таништирмайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин; тўртинчи қисм чиқариб ташлансин.

16. 113-модданинг бешинчи қисмидаги «жабрланувчига, гражданлик даъвогари ва гражданлик жавобгарига», деган сўзлар «шунингдек жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17. 115-модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларидаги «терговчи» сўзи «суриширув ўтиказаётган шахс, терговчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. 117-модданинг олтинчи қисми «фонограммалар» деган сўздан кейин «видеоёзувлар» деган сўз билан тўлдирилсин.

19. 176-модданинг тўртинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иш тўхтатилганлиги тўғрисида айбланувчига, жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгарига ва уларнинг вакилларига тўхтатиш важлари кўрсатилган ҳамда уларга иш материаллари билан танишиш ҳуқуқи тушунтирилган ҳолда ёзма равишда маълум қилинади».

20. 178-модданинг номи ва биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«178-м о д д а. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларини ишга тааллуқли барча материаллар билан таништириш

Тергов ниҳоясига етказилиб, тўпланган далиллар айлов хулосаси тузиш учун етарли деб топгач, терговчи бу ҳақда жабрланувчига, гражданлик даъвогарига, гражданлик жавобгарига ва уларнинг вакилларига маълум қилиши, айни вақтда уларга ишга доир барча материаллар билан танишиш, худди шунингдек дастлабки терговни тўлдириш тўғрисида илтимоснома билан ариза бериш ҳуқуқига эга эканликларини тушун-

тириши шарт. Шундан сўнг уларнинг ҳар бирига ишга доир барча материаллар тикилган ва рақамланган ҳолда танишиб чиқиш учун тақдим этилиб, бу хусусда баён тузилади. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакиллари ишга доир материаллар билан танишиш чоғида ундан зарур маълумотларни кўчириб олишга ҳақлидирлар. Башарти, дастлабки тергов ўтказиш чоғида видеоёзув олиб борилган, кинога олинган ёки овоз магнит лентасига ёзиб олинган бўлса, бу воситалар юқорида ўқтириб ўтилган шахсларнинг илтимосига кўра намойиш этилиши ёки эшилтирилиши мумкин»;

Иккинчи қисм чиқариб ташлансин. Шу муносабат билан учинчи ва тўртинчи қисмлар тегишинча иккинчи ва учинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

21. 179-моддада:

Иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Кодекснинг қоидалари бўйича ҳимоячининг иштирок этиши шарт бўлган ҳолларда, шунингдек ушбу Кодекснинг 42-моддасида назарда тутилган ҳолларда терговчи ишга доир барча материалларни айбланувчига ва айни бир вақтда ҳимоячига кўрсатади. Ҳимоячи ҳозир бўлмаган тақдирда тергов иши юргизишга доир материалларни кўрсатиш кечиктирилиши лозим, бироқ кечиктириш муддати беш суткадан ошмаслиги керак. Бу муддат ичida айбланувчи танлаган ҳимоячининг ҳозир бўлиш имкони топилмаса, терговчи бошқа ҳимоячими чақириш чорасини кўради»;

Учинчи қисмидаги «киносьёмка ёки овоз ёзиш» деган сўзлар «видеоёзувлар, киносьёмка ёки овоз ёзиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

22. 180-модданинг 7-бандидан «терговчининг рухсати билан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

23. 182-модда:

Учинчи қисмидаги «қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида ҳимоячи иштирок қилаётган бўлса, у гувоҳга, жабрланувчига, экспертга ва айбланувчига, терговчи орқали саволлар беришга» деган сўзлар «қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш вақтида иштирок қилаётган ҳимоячи гувоҳ, жабрланувчи, эксперт ва айбланувчига саволлар беришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Тўртинчи қисмидаги «гражданлик даъвогарини ва гражданлик жавобгарини» деган сўзлар «гражданлик

даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

24. 221-модданинг биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Айлов хулосасининг кўчирма нусхаси ва судга чақирув қофози судланувчига, шунингдек жабрланувчига ёки унинг вакилига топширилади. Агар ишни судга ошириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида айлов ёки эҳтиёт чораси, ёхуд судга чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати ўзгартирилган бўлса, судланувчига, шўнингдек жарланувчига ёки унинг вакилига суд чиқарган тегишли ажримнинг ёки судья қарорининг кўчирма нусхалари ҳам топширилади».

25. 249-модда қўйидаги мазмунли бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Гражданлик даъвогари ёки гражданлик жавобгари қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда суд бундай шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши мумкин».

26. 250-модда қўйидаги мазмунли учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Жабрланувчи қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортгани тақдирда, у мамъурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда жавобгар бўлади».

27. 254-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Гувоҳ, эксперт ёки мутахассис узрли сабабларсиз ҳозир бўлмаса, суд уларни мажбурий равишда олиб келиш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир. Гувоҳ, эксперт ёки мутахассис қасддан судда ҳозир бўлишдан бош тортган тақдирда суд уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган тартиб ва миқдорларда маъмурий жазо белгилаши ҳам мумкин».

28. 256-модданинг номи ва биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«256-м о д д а. Жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларирига ўз ҳуқуқлари ни тушунтириш

Раислик қилувчи жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ва уларнинг вакилларирига ўз ҳуқуқларини тушунтириб беради».

29. 276-модда:

Биринчи қисм қўйидагича таҳрирда баён этилсин:

«Судлов тергови тугаганидан сўнг суд судлов музокараларига ўтади. Судлов музокаралари ишда қатнашаётган давлат ва жамоат қораловчиларининг, шунингдек жабрланувчи, гражданлик даъвогари, гражданлик жавобгари ёки улар вакилларининг, жамоат ҳимоячисининг, ҳимоячи ёки агар ҳимоячи суд мажлисида қатнашмаётган бўлса, судланувчининг нутқларидан иборат бўлади. Давлат ва жамоат қораловчиларининг сўзга чиқиш навбатини уларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда суд белгилайди. Жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбати ҳам худди шу тарзда белгиланади»;

иккинчи ва учинчи қисмлар чиқариб ташлансан. Шу муносабат билан тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар тегишинча иккничи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансан.

30. 332-мода биринчи қисмининг биринчи банди «жабрланувчи» деган сўздан кейин «ва унинг вакили» деган сўзлар билан тўлдирилсан.

31. 413-модданинг биринчи қиеми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этганликда гумон қилиниб ушланган шахслар қўйидаги ҳуқуқларга эгалар:

ўзларининг нимада гумон қилинаётганликларини билиш;

ушбу Кодекс 43-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ҳимоячи таклиф этилишини талаб қилиш;

исботлар тақдим этиш;

ушлашнинг қай даражада тўғри эканлигини текширишни прокурордан талаб қилиш. Ушланганларни сақлаш жойи маъмурияти баён қилинган талаб ҳақида прокурорга дарҳол маълум қиласди;

сuriштирув ўтказаётган шахс, терговчи ёки проку-

рорнинг хатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш, тушунтиришлар бериш, илтимос қилиш ва рад этиши;

ушбу Кодекснинг 416-моддасида белгиланган тартибда давлат идораларига, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш;

ўз кийим-кечаги ва пойабзалидан, шунингдек бошқа зарур ашё ва буюмлардан фойдаланиш, бундай ашё ва буюмлар рўйхати ушланганларни сақлаш жойларининг ички тартиб қоидаларида белгилаб қўйилади».

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**ГУВОҲЛАР, ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ЭКСПЕРТЛАР,
МУТАХАССИСЛАР, ТАРЖИМОНЛАР ВА
ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ
ТУЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҶДОРЛАРИ ТУҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг

1992 йил 3 июль

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,**

1992 йил, 9-сон, 359-модда)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қиласди:**

1. Суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақириладиган гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга ўз турар жойидан шу чақирилган ерга келиш ва бу ердан қайтиб кетиш харажатлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларига хизмат сафарига бориш ва қайтиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда тўланади.

2. Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқаридаги суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга чақирилганда ва улар шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туришлари лозим бўлганда, уларга турар жой биносини ижарага олганлик учун қилинган харажатлар ва суткалик харажатлар, шунингдек хизмат сафари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш учун белгиланган тартибда ва миҷдорда тўланади.

3. Эксперталар, мутахассислар бажарган иш учун соатига беш сўмдан ўн сўмгача миҷдорда ҳақ тўланади. Алоҳида ҳолларда, экспертизага юқори малакали мутахассислар жалб қилинган тақдирда, экспертиза учун тўланадиган ҳақининг миҷдори эксперт ва мутахассиснинг ўзи билан келишиб туриб юқорида кўрсатилган нормадан ошиқча белгиланиши мумкин, лекин бу миҷдор соатига ўн беш сўмдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4. Таржимонлар ёзма таржимага ҳар 1000 босма (қўллёзма) белги учун ўн сўм миқдорда ҳақ оладилар.

Суд мажлисларида ёки суриштирув органлари ва дастлабки тергов органлари ўтказадиган сўроқларда таржимон сифатида қатнашганлик учун таржимонлар соатига уч сўмдан ҳақ оладилар.

5. Экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ба-жарган ишлари учун суриштирув ёки дастлабки тергов органларининг қарорига ёхуд суднинг ажримига биноан ҳақ оладилар.

Бу ҳақнинг миқдори эксперт, мутахассис ёки таржи-монни чақирган идора томонидан уларнинг малакаси ва ишнинг мураккаблиги, шунингдек бажарилган иш учун сарфланган вақтни ҳисобга олиб белгиланади.

6. Ушбу Қонунда кўрсатилган барча пуллар чақи-рувчи орган томонидан: жиноий ишлар бўйича — смета бўйича маҳсус ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, фуқаролик ишлари бўйича эса тарафлар берадиган пуллар ҳисобидан тўланади, тарафлар иш юзасидан қилинадиган харажатларни тўлашдан озод этилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда пуллар смета бўйича ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тў-ланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 86-моддасига мувофиқ гувоҳлар, жабрла-нувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холисларга тўланадиган маблағлар жиноий ишлар бў-йича суд харажатларига қўшилади ва Ўзбекистон Респу-бликаси Жиноят-процессуал кодексининг 87-модда-сида белгиланган тартибда ундириб олинади.

Суд томонидан ундириб олинган суд харажатлари республика бюджетига тушади.

8. Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахас-сислар, таржимонлар ва холисларга ҳақ уларни чақир-ган орган томонидан бу шахслар ўз вазифаларини ба-жариб бўлганларидан кейин, тегишли пуллар иш юзасидан қилинган харажатлар тарзида ёки ҳукм этилганлардан суд харажатлари тарзида ташқаридан олинган ва ундириб олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар дарҳол тўланиши керак.

9. Суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузу-рига ёки судга гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахассислар, таржимонлар ва холислар сифатида ча-қириладиган ҳарбий хизматчиларнинг харажатларини

(йўлкира ҳақи, суткалик ҳақ ва квартира ҳақи) суд ҳарбий қисмларнинг талабига биноан ва ҳарбий хизматчиларнинг пул таъминоти тўғрисидаги Низомда белгиланган нормалар бўйича тўлайди.

10. Ушбу Қонун хизмат топшириғи сифатида ўз вазифаларини бажарадиган эксперталар, мутахассислар ва таржимонларга тааллуқли эмас.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«ГУВОХЛАР, ЖАБРЛАНУВЧИЛАР, ЭКСПЕРТЛАР,
МУТАХАССИСЛАР, ТАРЖИМОНЛАР ВА
ХОЛИСЛАРНИНГ ҚИЛГАН ХАРАЖАТЛАРИНИ
ТУЛАШ ТАРТИБИ ВА МИҚДОРЛАРИ ТҮФРИСИ-
ДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
1992 йил 3 июль

ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 360-модда)

**Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши қарор
қиласи:**

1. «Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, мутахасислар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1992 йил 1 августдан кучга киритилсин.

2. Қуидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Раёсатининг «Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари түғрисида»ги 1963 йил 4 февралдаги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1963 йил, 4-сон, 9-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгаши Раёсати 1967 йил 25 январда қабул қилган «Гувоҳлар, жабрланувчилар, эксперталар, таржимонлар ва холисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Раёсати Фармонига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармон (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1967 йил, 1-сон, 9-модда).

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси**

Ш. ЙУЛДОШЕВ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАЙРАМ КУNLARI TÜFRISIDA

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 368-модда)

Тарихан таркиб топган миллий анъаналарга асосланиб, демократизм, инсонпарварлик қоидаларига ёндашган ҳолда ва фуқаролар ўртасида тотувчиликни ва марҳаматлиликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қиласди:

1. Қўйидаги кунлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида байрам (дам олиш) кунлари деб белгилансин:
1 январь — Янги йил, 8 март — Хотин-қизлар куни,
21 март — Наврўз байрами, 9 май — Фалаба куни,
1 сентябрь — Мустақиллик куни, Рўза хайит (Ийид ал Фитр) нинг биринчи куни ва қурбон хайит (Ийд ал Адха) нинг биринчи куни.

2. Ўзбекистон Республикасининг 1971 йил 17 декабрдаги қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат тўғрисидаги қонунлари Кодексининг 77-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1971 йил, 34-сон, 322-модда) қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«77-модда. Байрам кунлари

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда қўйидаги байрам кунларида ишланмайди:

1 январь — Янги йил;
8 март — Хотин-қизлар куни;
21 март — Наврўз байрами;
9 май — Фалаба куни;
1 сентябрь — Мустақиллик куни;

Рўза хайит (Ийид ал Фитр) байрамининг биринчи куни;

Қурбон хайит (Ийд ал Адха) байрамининг биринчи куни».

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕҚЛАШ ТҮГРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
1992 йил 2 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 392-модда)

Ушбу Қонун тадбиркорликни ривожлантириш ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатлашуви — баҳслашувига йўл бермайдиган, чеклаб қўядиган ёки уни йўқ қиласидиган қўшимча фойда олиш мақсадидаги ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини англатувчи монополистик фаолиятнинг олдини олиш ва пайнини қирқишининг ҳуқуқий асосларини белгила беради.

I. Умумий қоидалар

1-модда. Қонунни қўлланиш соҳаси

1. Ушбу Қонун республика ва маҳаллий товарлар бозоридаги фаолиятда қатнашаётган мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, айrim мансабдор шахслар ўртасидаги муносабатларга татбиқ этилади.

2. Юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикасининг ҳудудидан ташқарида содир этаётган хатти-ҳаракатлар ёки тузайтган битимлар республика бозорида рақобатнинг чекланишига олиб келаётган ёки бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолларда ҳам ушбу Қонун қўлланилади.

3. Қонун:

энергетика тармоғи корхоналари;

мудофаа аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар;

магистраль темир йўллар;

қувур ўтказиш транспорти;

умумдавлат аҳамиятига эга бўлган алоқа тизимлари

фаолияти билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

Қонун, шунингдек ихтиrolар, саноат намуналари, товар белгилари ва муаллифлик ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш меъёрларини тартибга солувчи муносабатларга ҳам татбиқ этилмайди. Бу ҳуқуқлар уларнинг эгалари томонидан рақобатни чеклаш мақсадида қасддан қўлланилаётган ҳоллар бундан мустаснодир.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида монополияга қарши тадбирларни амалга ошириш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан белгилаб берилади.

II. Моноюолистик фаолиятни ва гирром рақобатни чеклаш ва тақиқлаш

2-модда. Бозордаги устунлик мавқенини суистеъмол қилишга йўл қўймаслик

1. Устун мавқе деганда хўжалик юритувчи субъектнинг муайян товар бозоридаги улуши монополияга қарши фаолиятини амалга оширишга ваколатли идора белгилаб қўйган энг юқори меъёр чегарасидан ошиб кетгаи ва бу ҳол унга мустақил равишда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан, биргаликда иш кўриб, товарларнинг олди-сотдисига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг бозорга киришини қийинлаштириб қўйиш ва шу тариқа истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манбаатларига зиён етказиш имконини берадигап ҳукмрон мавқеи тушунилади.

2. Бозорда устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг қўйидаги хатти-ҳаракатларни қилиши тақиқланади:

бозорда тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида товарларни ишлаб чиқаришни камайтириш ёхуд тўхтатиб қўйиш, шунингдек уларни муомаладан олиб қўйиш;

мўмай фойда олиш мақсадида ҳаддан ташқари баланд нарх белгилаш ва уни сунъий равишда шундай ушлаб туриш, нархларни асоссиз равишда пасайтириш, давлат томонидан бошқариб туриладиган нарх-навони бошқа йўснинг бузишлар;

хўжалик юритувчи субъектларга уларни бошқа хў-
жалик юритувчи субъектларга нисбатан нотенг аҳволга
солиб қўядиган шартларни тиқишириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кириши-
га ўзгача тўсқинлик қилиш.

**3-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртаси-
да қонунга хилоф битимлар тузили-
шини (келишиб қилинадиган ҳаракат-
ларни) тақиқлаш**

1. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида:
кимошди савдоларида, биржаларда ва бошқа савдо-
ларда нархларни ошириш, сақлаб туриш ёки пасай-
тириш;

бозорларни ҳудудий принцип бўйича, олди-сотди
ҳажми бўйича сотилажак товарларнинг турлари бўйи-
ча, сотувчилар ёки харидорлар (буортмачилар) дои-
раси бўйича ёхуд уларни монополия қилиб олиш мақса-
дida бошқа белгилар бўйича тақсимлаб олиш;

сотувчи ёки харидор (буортмачи) сифатида хўжа-
лик ёритувчи ўзга субъектларнинг бозорга киришини
чеклаш ёки уларни бозордан сиқиб чиқариш;

муайян сотувчилар ёки харидорлар (буортмачилар)
билин шартномалар тузишдан бош тортиш мақсадида
тил бириктириш;

рақобатни жиддий тарзда чеклайдиган ёки чеклаши
мумкин бўлган бошқа тадбирларни амалга ошириш
йўли билан рақобатни чеклашга қаратилган битимлар
тузиш (келишиб ҳаракат қилиш) тақиқланади ҳамда
ҳақиқий эмас деб топилади.

2. Бири устун мавқега эга бўлган, иккинчиси эса
маҳсулот етказиб берувчи ёки истеъмолчи (буортмачи)
бўлган ва бир-бири билан рақобатлашмаётган хўжалик
юритувчи субъектлар ўртасида тузилган битимлар (ке-
лишиб ҳаракат қилишлар), башарти бундай битимлар
пировардида рақобатни жиддий тарзда чеклаб қўйса,
ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, бундай битимлар
(келишиб ҳаракат қилишлар) ҳақиқий эмас деб топи-
лади.

3. Алоҳида ҳоллардагина хўжалик юритувчи субъ-
ектларнинг ушбу модданинг 1 ва 2-бандларида айтиб
ўтилган хатти-ҳаракатлари, башарти, бу субъектлар ўз
хатти-ҳаракатлари бозорнинг товарлар билан мўл-кўл

бўлишига, товарларнинг истеъмол хусусиятлари яхшиланишига ёки ташқи бозорда ўзларининг рақобат лаёқатларининг ошишига ёрдам беришини исботлаб берсалар, тўғри деб топилиши мумкин.

4-модда. Рақобатни чеклайдиган ташкилий қайта тузилишларни тақиқлаш

1. Бозорда устун мавқега эга бўлишни таъминлайдиган хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш, бирлаштириш, қўшиб олиш, қайта тузиш, тугатиш, уларнинг хўжалик юритувчи бошқа субъектларнинг (шу жумладан ҳамма турдаги хўжалик уюшмаларининг) устав жамғармасида иштирок этиши тақиқланади.

2. Товарлар (хизматлар) бозорида монополистик фаолият олиб бораётган ёки рақобатнинг жиддий равиша чекланишига олиб келувчи хатти-ҳаракатларга йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий тартибда бўлиб юборилиши мумкин.

5-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чекловчи хатти-ҳаракатларига йўл қўймаслик

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, уларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг мустақиллигини чекловчи, улардан айримларининг фаолият олиб боришини камситувчи ёки, аксинча улар учун кутайлик турдирувчи, шароит яратиб берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар чиқаришга ёки ҳаракатлар қилишга ҳақли эмаслар, башарти бундай ҳужжатлар ёки ҳаракатлар ўз пировардида рақобатнинг жиддий равиша чекланишига ёки хўжалик субъектлари ёхуд жисмоний шахсларнинг манфаатларига зарар етказилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қуидаги ҳаракатларни қилиши тақиқланади:

хўжалик юритувчи субъектларнинг муайян фаолият турларини амалга оширишига, айрим товар турларини ишлаб чиқаришга тақиқ белгилаш, қонунларда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклаш ёки уларни бозордан четлатиш;

хўжалик юритувчи айрим субъектларга уларни бозрга худди шу хил товар чиқараётган хўжалик юритувчи бошқа субъектларга нисбатан устун мавқега қўядиган солиқ имтиёзи ёки ўзга имтиёзларни асоссиз рашида бериш;

хўжалик юритувчи субъектларга шартномалар тузида кимгадир устунлик бериш тўғрисида ёки муайян харидорлар (буортмачилар) досирасига молларни биринчи навбатда етказиб бериш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) тўғрисида кўрсатмалар бериш;

фаолиятнинг муайян соҳасида хўжалик юритувчи янги субъектлар ташкил этишга асоссиз тўқинилик қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар мустақиллигини чекловчи қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар содир этиш.

2. Мансабдор шахсларга (Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган рўйхатдаги мансабдор шахсларга) қўйилагилар тақиқланади:

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

корхонанинг эгаси ёки муассиси бўлиш;

давлат тасарруфида бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларининг бошқарув идораларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш;

акцияли жамиятларнинг, масъулияти чекланган жамиятларнинг ёки бошқа хил ширкатларнинг умумий йиғилиши қарорларини қабул қилишда мустақил рашида ёки вакил орқали ўзига тегишли акциялар, улуш катнашувидаги ҳисса воситасида овоз бериш.

6-модда. Фирром рақобатни тақиқлаш

Фиром рақобатга, шу жумладан:

хўжалик юритувчи бошқа субъектнинг мол-мулки ва тадбиркорлик нуфузига зиён етказиши мумкин бўлган өлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатишга;

товар белгисидан, товарнинг фирмасидан ёки маркасидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, шунингдек хўжалик юритувчи бошқа субъект товарининг шаклини, идишини, ташки безагини айнан кўчириб олишга;

илемий-техникагий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, савдо ва бошқа соҳага онд махфий ахборотни эгасининг розилигисиз олиш, ундал фойдаланиш ва уни ошкор қилишга;

товарларниң хусусияти, уларни тайёрлаш усули ва ўрни, истеъмол хоссалари ва сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишига;

хўжалик юритувчи бошқа субъектларниң бозорга киришини чекловчи хатти-ҳаракатлар қилишга йўл қўйилмайди.

III. Монополистик фаолиятни чеклаш ва фирром рақобатни тақиқлаш тадбирлари

7-модда. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора

1. Ўзбекистон Республикасида монополияга қарши давлат сиёсатини юргизиш мақсадида монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора тузилади, унинг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат бўлади:

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, товар бозорида рақобатни ривожлантириш;

монополистик фаолиятнинг, бозордаги устун мавқени суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликка, монополист корхоналар белгилайдиган нарх-наволарни бошқариб боришига, фирром рақобатнинг пайини қирқишга қаратилган чоралар кўриш;

монополияга қарши қонунларга риоя этилишини назорат қилиб турниш.

2. Монополияга қарши қонунлар бузилган ҳолларда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора қонунбўзарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида асосен ортирилган даромадни тегишли бюджетга ўтказиш тўғрисида, хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тартибда майдалаб (бўлиб) юбориш тўғрисида ва хўжалик юритувчи субъектларниң бозордаги устун мавқенини бартараф этиш ёки пасайтиришга қаратилган бошқа тадбирлар тўғрисида хўжалик юритувчи субъектлар бажариши шарт бўлган кўрсатмалар беришига, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларга, бошқарув идораларига ва мансабдор шахсларга жарима солишга ҳақлидир.

3. Тегишли ҳолларда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора материалларни қонунда белгилаб қўйилган тартибда кўриб чиқиш учун

Суд ёки ҳакамлик судига, прокуратура идораларига юборади.

8-модда. Заарни қоплаш

1. Монополияга қарши қонунларни бузган хўжалик юритувчи субъект ўзининг монополистик фаолияти, бозордаги устун мавқенини суисистемол қилиши ёки фирром рақобати оқибатида етказилган заарни суд ёки ҳакамлик судининг қарорига биноан жабр кўрган хўжалик юритувчи субъектга тўлашга мажбурдир.

2. Агар бошқарув идорасининг монополияга қарши қонунларни бузиб қабул қилган ҳужжати туфайли хўжалик юритувчи субъектга заар етказилган бўлса, жабрланувчи томон заарни қоплаш тўғрисидаги даъво билан ҳакамлик судига мурожаат этишга ҳақлидир.

9-модда. Монополияга қарши конунларни бузганлик учун жарималар

1. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора хўжалик юритувчи субъектларга қўйидаги холларда:

а) қонунбузарликларни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, ушбу Қонунга зид шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганилик ёки ўз вақтида бажармаганлик учун:

бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъект бўлган юридик шахсларга — 100 минг сўмдан 1 миллион сўмгача миқдорда;

хўжалик юритувчи субъект бўлган жисмоний шахсларга — 10 минг сўмгача миқдорда;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига — 2 минг сўмгача миқдорда;

б) монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идорага хабар бермаганлик ёки қасддан нотўғри маълумот берганлик учун:

бошқарув идоралари ва хўжалик юритувчи субъект бўлган юридик шахсларга — 50 минг сўмгача миқдорда;

хўжалик юритувчи субъект бўлган жисмоний шахсларга — 5 минг сўмгача миқдорда;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига — 1 минг сўмгача миқдорда жарима солишга ҳақлидир.

Жарималар миқдори нарх-наво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равища индексациялаб турилади.

2. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора томонидан солингган жаримани хўжалик юритувчи субъект, бошқарув идораси ёки мансабдор шахс жарима солингланлиги тўғрисидаги қарорни олган пайтдан бошлаб 30 кун ичida тўлаши керак.

Жаримани белгиланган муддатда тўлашдан бўйин товланган ёки жарима тўлиқ миқдорда тўланмаган тақдирда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора тегишли ариза билан судга ёки ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Агар жарима солиш тўғрисидаги қарорнинг дарҳол ижро этилиши корхонани синишга олиб келиши мумкин бўлса, у ҳолда монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора, суд ёки ҳакамлик суди жарима солингган хўжалик юритувчи субъектнинг аризасига биноан унга жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш имконини беришга ҳақлидир.

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора томонидан солингган жарималар тегишли бюджетга тўланади ёки шу бюджет фойдасига ундирилади.

10-модда. Ушбу Қонунни бузганлик тўғрисидаги ишларни қараб чиқиш учун асослар

1. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идора монополияга қарши қонунларни бузиш ҳолларига оид ишларни ўз материаллари асосида, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг, истеъмолчилар жамиятлари ва уюшмаларининг, бошқа жамоат ташкилотлари, ва айрим шахсларнинг аризалари, прокуратура, суд ва ҳакамлик судининг материаллари асосида қараб чиқади.

Аризалар монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идорага ёзма шаклда берилади, уларга монополияга қарши қонунларни бузиш ҳолларидан шоҳидлик берувчи ҳужжатлар илова қилинади.

Аризалар ва ҳужжатларнинг мазмуни ошкор қилиниши мумкин эмас.

2. Суд ёки ҳакамлик суди монополияга қарши қоңууларни бузганлик ҳақидаги ишларни монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг аризаси, прокуратура материаллари, хўжалик юритувчи субектлар ва бошқарув идораларининг мурожатлари асосида қараб чиқади.

11-модда. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби

1. Бошқарув идоралари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг қарорларига иорози бўлғен тақдирда бундай қарорларнинг бутуплай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топилиши ҳақидаги ёхуд жарима солинганлик тўғрисидаги қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги ариза билан судга ёки ҳакамлик судига мурожаат килишга ҳақлидирлар.

2. Аризалар ҳакамлик суди томонидан — бошқарув идораларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги аризаларни қараб чиқиш учун белгиланган тартибда, суд томонидан эса — маъмурий-хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларни кўриш учун Узбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган тартибда қараб чиқилади.

3. Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг ноқонуний хатти-харакатлари натижасида етказилган зааралар манфаатдор шахсларнинг даъвосига биноан қонунда белгиланган тартибда қопланади.

12-модда. Хўжалик юритувчи субъектнинг асосиз равишда өрттирган фойдасини тортиб олиш

Монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга ваколатли идоранинг кўрсатмаси бажарилмаган тақдирда хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилиш ёки фирром рақобат натижасида олган фойдаси суднинг ёки ҳакамлик суди-

нинг қарори билан тегишли бюджет фойдасига тортиб олинади.

13-модда. Монополияга қарши қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назорати

Уз низомларига кўра рақобатни ривожлантиришга ва истеъмолчиларнинг манфаатларини монополистик фаолиятдан ҳимоя қилишга кўмаклашиш мақсадини кўзловчи жамоат уюшмалари тегишли идоралар билан ҳамкорликда монополияга қарши қонунларга риоя этилиши устидан жамоат назоратини амалга оширишга ҳақлиидирлар.

Мазкур уюшмалар ўз фаолиятларида амалдаги қонунларга риоя қиласидилар.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТНИ ЧЕКЛАШ
ТҮГРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

Узбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг

1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

Ахборотномаси,

1992, йил 10-сон, 393-модда)

Узбекистон Республикаси Олий Кенгashi қарор
қилиади:

1. «Монополистик фаолиятни чеклаш түгрисида»ги
Узбекистон Республикаси Қонунин эълон қилинган пайт-
дан бошлаб амалга киритилсин.

2. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Маҳкамаси зиммасига икки ойлик муддат
ишида:

монополияга қарши фаолиятни амалга оширишга
ваколатли бўлган бошқарув идорасини тузиш;

Узбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлариини
«Монополистик фаолиятни чеклаш түгрисида»ги Қо-
нунга мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги таклифларни
Узбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этиш;

Узбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорла-
рини «Монополистик фаолиятни чеклаш түгрисида»ги
Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш;

Узбекистон Республикаси вазирлеклари, давлат қў-
миталари ва идораларининг ушбу Қонунга зид келади-
гани норматив ҳужжатлари қайта кўриб чиқилишини ва
бекор қилинишпни таъминлаш вазифалари топши-
рилсин.

3. Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқ-
тисадий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини
ўзи бошқариш қўмитаси «Монополистик фаолиятни чек-
лаш түгрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни-
нинг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТҮФРИСИДА¹

Узбекистон Республикасининг

1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 394-модда)

Ушбу Қонун биржалар ташкил этини ва биржа фаолиятини ҳуқуқий бошқариш тартибини белгилайди.

I бўлим. Умумий қондалар

1-модда. Биржа

Биржа аввалдан тайинланадиган манзил ва вақтда белгиланган қондалар асосида очиқ савдо-сотиқ ўтказиш орқали биржа товарлари билан эркин улгуржи савдо қилиш учун шарт-шароитлар яратувчи, юридик шахс ҳисобланадиган корхонадир.

2-модда. Биржа фаолияти

Биржа фаолияти — товарларга бўлган талаб ва уларни таклиф қилишнинг амалда мавжуд нисбатларини аниқлаш ҳамда уни ҳисобга олган ҳолда нарх-навоши шакллантириш асосида биржа товарларининг улгуржи бозорини вужудга келтиришга каратилган ҳаракатларининг мажмуидан иборатdir.

3-модда. Биржа товари

1. Мол-мулк, шу жумладан кўчмас мол-мулк, хизматлар, маҳсулот етказиб беришга доир шартномалар, интеллектуал мулк, қийматли қофозлар, валюта маблағлари ва фуқаролар ўртасида муюмалага чиқариладиган бошқа товар биржа товари хисобланади.

2. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданият ва тарихга доир миллий бойлик-

¹ Узбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги Қонуни билан киритилган ўзгартишлар билан.

лар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа турдаги товарлар биржа товари бўлиши мумкин эмас.

4-модда. Биржа фаолиятининг қатнашчилари

Мулчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, ташкilotлар, хўжалик уюшмалари, брокерлик ва дилерлик фирмалари (идоралари), брокерлар, дилерлар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари биржа фаолиятининг иштирокчилари ҳисобланади.

5-модда. Биржа ва биржа фаолияти тўғрисидағи қонунлар

~~Биржа тузиш ва биржа фаолияти билан боғлиқ муносабатлар «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.~~

Ушбу Қонун меҳнат биржасига тааллуқли эмас.

II бўлим. Биржа таъсис этиш ва унинг фаолиятини ташкил қилиш

6-модда. Биржа таъсис этиш ва уни тугатиш

1. Биржа юридик шахслар томонидан ҳам, жисмоний шахслар томонидан ҳам, шу жумладан чет эл юридик ва жисмоний шахслари томонидан улар ўртасидаги ихтиёрий келишув асосида таъсис этилади. Биржа таъсис этиш таъсис шартномаси билан расмийлаштирилиб, унда биржанинг вазифалари ва фаолият соҳаси, биржа муассисларининг таркиби, устав фондининг миқдори, ҳар бир муассиснинг устав фондидаги улуси, улуш киритиш муддатлари ва тартиби кўрсатилади.

Биржанинг устав фонди 50 миллион сўмдан кам бўйласлиги керак.

Угав фондининг энг кам миқдори хар иили нархнаво даражасининг ўзгаришига мувофиқ равишда қо-

нунларда белгиланган тартибда индексация қилиниши лозим.

2. Қуйидагилар:

давлат ҳокимиюти ва бошқарувининг олий ҳамда ма-
ҳаллий идоралари;

давлат банклари ва давлат кредит муассалари (бун-
да банклар фонд ва валюта биржаларининг муассисла-
ри бўлиши мумкин);

давлат суғурта ва давлат инвестиция компаниялари
ҳамда фондлари;

жамоат, диний ва хайрия бирлашмалари (ташки-
лотлари) ҳамда фондлари;

қонунларга кўра тадбиркорлик фаолияти билан шу-
гулланиши ман этилган жисмоний шахслар биржа
муассислари бўлиши мумкин эмас.

3. Биржа белгиланган тартибда рўйхатдан ўтгандан
кейин биржа савдо-сотиги ўtkазиш ҳуқуқини қўлга
киритади.

4. Биржани тугатиши ва қайта ташкил этиш Ўзбе-
кистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга
oshiрилади.

7-модда. Биржа ташкил қилиш шакллари

Биржалар акциядор жамиятлар (очиқ ёки ёпиқ ҳил-
даги), масъулияти чекланган жамиятлар каби хўжалик
жамиятлари кўринишида ва бошқа шаклдаги уюшма-
лар тарзида тузилиши мумкин.

8-модда. Биржа турлари

1. Биржалар ихтисослашувига қараб:

товар биржалари, шу жумладан универсал ва ихти-
сослаштирилган биржалар;

фонд биржалари;

валюта биржалари;

товар-фонд биржалари;

интеллектуал мулк обектлари билан савдо-сотик қи-
лувчи биржалар;

аралаш биржалар бўлиши мумкин.

2. Фонд ва валюта биржалари, товар-фонд биржалла-
рининг фонд бўлимлари фаолиятининг ўзига хос жиҳат-
лари маҳсус қонунлар билац тартибга солинади.

9-м о д д а. Биржаларнинг хўжалик уюшмалари

1. Биржалар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб бориш, биржа ҳаракатини ривожлантиришга оид бошқа вазифаларни ҳал этиш мақсадида иттифоқлар, уюшмалар ва ўзга бирлашмаларга бирлашиши мумкин.

2. Биржа савдо-сотигида рақобатга барҳам бериш ёки уни чеклаб қўйиш мақсадида биржаларнинг бирлашиши таъқиқланади ҳамда шунга қаратилган битимлар ва ҳаракатлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

10-м о д д а. Биржанинг фаолият соҳаси

1. Биржа биржанинг савдо-сотигини ташкил этиш ва уни тартибга солиб туришга доир фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

2. Биржа олди-сотди, савдо-воситачилик фаолияти билан бевосита шуғулланиши мумкин эмас.

Башарти, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз олдиларига ушбу Қонуннинг 2-моддасида назарда тутилган фаолият билан шуғулланишни мақсад қилиб қўймаган бўлсалар, биржа бу корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга пул қўйишга, уларнинг улуси (пайи)ни, акцияларини сотиб олиш ва муассиси бўлишига ҳақли эмас.

11-м о д д а Биржани бошқариш

Биржани бошқариш унинг уставига мувофиқ амалга оширилади. Биржа ўз бошқарувининг тузилиши, шакли ва услубларини мустақил белгилайди.

12-м о д д а. Биржа устави

Биржа ўз фаолиятини муассислари тасдиқлайдиган устав асосида амалга оширади.

Биржанинг уставида:

биржанинг номи ва тури;

биржа манзилгоҳи;

биржа фаолиятининг соҳаси ва мақсади;

устав фондининг миқдори, муассислар томонидан фондга улушлар киритишнинг тартиби ва муддатлари;

даромадни тақсимлаш ва эҳтимол тутилган зарарларни қоплаш тартиби;

биржа муассислари ва аъзоларининг мулкий жавобгарлиги;

биржанинг бошқарув идоралари, уларни ташкил этиш тартиби ва уларнинг ваколатлари;

биржа савдо-сотиги қоидаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш тартиби;

биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни вақтинча тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тартиби, биржা аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

биржани қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби белгилаб берилиши керак.

Уставда қонунларга зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

13-м о д д а. Биржанинг ҳуқуқлари ва вазифалари

1. Биржа ушбу Қонун ва ўз устави асосида биржа савдо-сотиги қоидаларини қабул қилишга ва бу қоидаларнинг биржа савдо-сотигининг барча иштирокчилари томонидан ижро этилишини талаб қилишга ҳақлидир.

Биржа юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган шуъба корхоналар, шунингдек биржа инфраструктурасини шакллантирувчи филиаллар ва бошқа алоҳида бўлинмалар ташкил этишга ҳақлидир.

2. Биржа:

биржа савдо-сотиги ўтказиш учун шароит яратиб бериши;

биржа операцияларини тартибга солиб бориши;

товарларга бўлган талаб ва таклифлар нисбати асосида нарх-навони аниқлаши;

биржа аъзолари ва мизожларига ташкилий йўсиндаги ҳамда бошқа хил хизматлар кўрсатиши;

мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) нарх-наво аниқланишига, индексацияси ва ўзгаришига, савдо-сотиқ вақти, товарлар, битим ҳажмлари, контрактларнинг миқдорларига ва бошқа кўрсаткичларига доир ахборотлари, товарлар бозорининг аҳволи ва унинг ривожланиши тахминларига доир таҳлилий шарҳларни эълон қилиши шарт.

14-модда. Биржа мол-мулки

1. Биржанинг мол-мулки асосий фондлар ва оборот маблағларидан, шунингдек жамоа әгалиги ҳуқуқида биржага қарашли бошқа мол-мулкдан иборат бўлади.

Биржа мол-мулки биржа қатнашчилари томонидан таъсис пайлари ва кириш бадаллари ҳисобига унинг әгалигига ёки унга нажарага берилади, шунингдек биржа томонидан ўз фаолиятидан орттирган даромадлар ҳисобига мулк сифатида сотиб олинади.

2. Биржа мол-мулкидан фойдаланиш тартибини биржа аъзоларининг умумий йигилиши белгилаб беради.

3. Давлат биржанинг мулкий ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини кафолатлайди. Қонунларда назарда тутилганидан бўлак ҳолларда биржа мол-мулкининг тортиб олиннишига йўл қўйилмайди.

Биржанинг мулкий ҳуқуқларини бузиш туфайли, фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш оқибатида унга етказилган заарлар қонунларда белгиланган тартибда қопланади.

15-модда. Биржа аъзолари

Биржанинг устав капиталида иштирок этувчи (муасислар) ёхуд биржа мол-мулкига ўзга бадаллар киритувчи юридик ва жисмоний шахслар биржа аъзолари ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 6-моддаси 2-бандида санаб ўтилган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек мазкур биржанинг хизматчилари биржа аъзолари бўлиши мумкин эмас.

III бўлим. Биржа фаолияти

16-модда. Биржа фаолиятининг асосий қондадари

Биржа фаолияти:

ўтказиладиган жойи ва вактини олдиндан тартибга солиш йўли билан биржа савдо-сотиги самарадорлигини таъминлаш;

биржа товарлари бозорини шакллантириш;

эркин равишда юзага келадиган бозор нархларини қўллаш;

савдо-сотиқни ошкора ва омма олдида ўтказиш;
биржа битимларини тасдиқлаңган қоидаларга асосан
эркин равишда тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш;
товарларнинг нархини белгилаш ва уларга доир
маълумотларни эълон қилиш;
монополияга қарши кураш тўғрисидаги қонунларга
риоя этиш қоидалари асосида амалга оширилади.

17-модда. Биржа савдо-сотиги иштирокчилари ва уларнинг биржа савдосидаги иш- тироки

Биржа аъзолари, биржа воситачилари, шунингдек
биржа мижозлари биржа савдо-сотигининг қатнашчила-
ри бўлиши мумкин.

Брокерлик жойига эга эканлик ёхуд доимий ва бир
галлик мижозлар томонидан савдо-сотиқقا келганлик
учун йиғимлар тулаганилик биржа савдо-сотигида бево-
сита иштирок этиш хуқуқини беради.

Брокерлик жойига эга бўлмаган биржа аъзолари
биржа савдо-сотигида брокерлик фирмалари (идора-
лари) ва ушбу биржада ўз фаолиятини амалга ошира-
ётган мустақил брокерлар билан тузган шартномалар
асосида иштирок этадилар.

18-модда. Биржа фаолиятидаги воситачилик

Биржа фаолиятидаги воситачилик фақатгина биржа
воситачилари — брокерлар ва дилерлар, брокерлик ва
дилерлик фирмалари (идоралари) томонидан амалга
oshiрилади.

Брокер — олди-сотди битимлар тузилишида ўз ми-
жозларининг топшириғига биноан ва уларнинг номидан
воситачилик хизматини амалга оширувчи шахсdir.

Дилер — биржада ўз номи ва ўз хисобидан восита-
чиликни амалга оширувчи шахсdir.

19-модда. Биржа савдо-сотиги қоидалари

1. Биржа савдо-сотиги қоидалари биржа аъзолари-
ниг умумий йиғилиши ёки умумий йиғилиш ваколат
берган биржанинг бошқарув идораси томонидан тас-
дикланади.

2. Биржа савдо-сотиги қоидаларида:

биржада амалга ошириладиган биржа операцияларининг турлари;

биржа савдо-сотиги иштирокчиларининг таркиби ва уларга қўйиладиган талабларнинг мажмуни;

биржа операцияларини амалга ошириш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби;

биржа товарлари нарх-навосини аниқлаш тартиби;

биржа битимлари тузиш чоғида биржа аъзолари ва биржа савдо-сотиги бошқа қатнашчиларининг ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

биржа хизматидан фойдаланганлик учун тўлов миқдори ва бу тўловларни белгилаш тартиби;

биржа қатнашчилари ва ходимларининг биржа савдо-сотиги қоидаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги Низом акс эттирилиши шарт.

3. Биржа қоидаларидан:

нарх-навонинг ўзгаришига таъсир кўрсатиш мақсадида бир шахс томонидан бевосита ёки сохта шахслар орқали товарларни (битимларни) олди-сотди қилиш;

биржа савдо-сотиги қатнашчилари томонидан келишиб туриб биржадаги куидалик нарх-навони ўзгариши ёки белгилаб бериши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар содир этиш;

бозор конъюнктурасини сунъий равнишда ўзгартиришга олиб келиши мумкин бўлган сохта маълумотлар таркатиш ман этилади.

4. Биржа фаолияти билан шуғулланишини рўйхатдан ўтказувчи ва бундай фаолият билан шуғулланиш учун лицензия берувчи давлат бошқаруви идоралари биржа савдо-сотиги қоидаларининг ижро этилиши республика иқтисодиётига зарар етказиши мумкин бўлган тақдирда ушбу Конун 16-моддасининг талабларига мувофиқ ана шу қоидаларга ўзгартиришлар киритини талаб қилишига ҳақлидирлар.

20-модда. Биржа операциялари

1. Муайян биржада тақдим этилган товарлар олди-сотдиси бўйича биржа воситачилари ўртасида тузилган, биржа савдо-сотиги қоидаларига мувофиқ амалга оширилган ва белгиланган тартибда биржада рўйхатдан ўт-

казилган битимлар биржа операциялари деб эътироф этилади.

2. Биржада рўйхатга олинган битимлар нотариал идорада тасдиқланмайди, амалдаги қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

3. Биржа битимишинг мазмунни (товарнинг номи, инқори, нархи, ижро ўрни ва муддатидан бўлак) ошкор этилиши мумкин эмас. Биржа битимишинг мазмунига доир маълумотлар фақат тергов ва суд идораларининг талаби билан тақдим этилиш мумкин.

4. Биржа битимларн биржа номидан ва унинг ҳисобига тузилиши мумкин эмас.

21-модда. Биржа битимларининг турлари

Биржаларда:

бор товарларнинг олди-сотди битимлари, шу жумладан товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар топширишни ҳам кўзда тутувчи олди-сотди битимлари;

форвард битимлар, яни бор товарни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир битимлар;

фьючерс битимлар, яъни стандарт контрактларга доир олди-сотди битимлари;

опцион битимлар, яъни товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларга доир олди-сотди битимлари;

биржа савдо-сотиги қопдаларида назарда тутилган товарлар контрактлар ёки ҳуқуқларни харид қилиш ва сотишга доир бошқа битимлар тузилиши мумкин.

Форвард ва фьючерс битимлари ҳамда опционлар савдосини амалга оширувчи биржа ўзининг ҳисоб-китоб (клиринг) марказлари орқали битимлар пжросини кафолатлаши шарт.

22-модда. Биржада товар экспертизаси

Биржа савдо-сотиқ қатнашчисининг талабига кўра биржа олди-сотдиси орқали сотиладиган мавжуд моллар сифатининг экспертизасини ташкил этиши шарт.

23-м о д д а. Ҳисоб-китоб ва ҳисобот

Биржа ўз фаолияти натижаларининг оператив ва бухгалтерия ҳисобини, шунингдек амалдаги қонунларда белгиланган тартибда статистика ҳисботини юритади.

Давлат статистика ҳисботини бузиб кўрсатишда ёки белгиланган муддатда тақдим этмаганликда айборд бўлган биржанинг мансабдор шахслари қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

IV бўлими. Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

24-м о д д а. Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга со-
лиш:

биржани ва биржа фаолияти иштирокчиларини (юридик шахсларни) давлат рўйхатидан ўтказиш;
лицензиялар бериш;

биржа фаолиятини солиқ солиш билан бошқариш;

биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат тасарруфида бўлмаган тузилмаларниг биржалар ва биржа қатнашчилари фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва уларга лицензия бериш ишларига аралашувига йўл қўйилмайди.

25-м о д д а. Биржани ва биржа фаолияти қагнашчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш

1. Биржани давлат рўйхатидан Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўтказади, биржа фаолияти қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш эса «Узбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширилади. Давлат рўйхатидан ўтказганлик учун Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган қатъий суммаларда давлат пошлинаси ундирилади.

2. Биржани қайта рўйхатдан ўтказиш унинг таъсис ҳужжатлари (тасис шартномаси ва устави) ўзгаргани тақдирдагина амалга оширилади.

3. Асоссиз равишда рўйхатдан ўтказиши рад этиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

26-модда. Биржа фаолиятига лицензия бериш

Қийматли қоғозлар, валюта, кўчмас мулк, интеллектуал мулк билан савдо операциялари бажариш биржа фаолияти қатнашчилари томонидан лицензиялар асосида амалга оширилади.

Биржа фаолиятига лицензия бериш тартибини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси белгилаб беради.

Биржа фаолиятининг қатнашчиларига лицензия удавлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган идора томонидан тақдим этилади.

27-модда. Биржа фаолиятини солиқ йўли билан тартибга солиш

Биржа фаолиягини солиқ йўли билан тартибга солиб туриш корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. Биржа қонунларига риоя этилиши устидан назорат қилиш

Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда биржа фаолияти қатнашчилариға лицензиялар бериш ишини амалга оширувчи давлат бошкаруви идоралари биржалар ва биржа қатнашчилари биржага доир қонунларга риоя этишларини назорат қиладилар.

29-модда. Биржанинг ташқи иқтисодий фаолияти

Биржа ташки иқтисодий фаолиятни ушбу Қонун ва амалдаги қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан кейин амалга оширади.

Биржа савдо-сотиғига қўйиш учун мўлжалланган товарларга доир экспорт ва импорт ишлари биржа во-ситачилари томонидан амалга оширилади.

30-модда. Биржа фаолиятига давлат кафолати

Давлат амалдаги қонуиларга зид бўлмаган барча турдаги биржа битимлари бўйича мулкчилик ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини кафолатлайди.

Давлат бошқаруви идоралари биржа фаолияти қатнашчиларининг фаолиятига аралashiшга ҳақли эмас, қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

V бўйим. Низоларни ҳал этиш тартиби ва биржа фаолияти субектларининг жавобгарлиги

31-модда. Низоларни қараб чиқиш тартиби

1. Биржа фаолияти қатнашчилари ўртасида, шунингдек биржа фаолияти қатнашчилари билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ўртасида келиб чиқадиган низолар ҳакамлик судлари ёки ҳалқ судлари томонидан ҳал этилади.

2. Биржа битимлари қатнашчилари ўртасида биржа савдо-сотиги қоидаларида назарда тутилган масалалар юзасидан келиб чиқсан низоларни биржанинг ҳакамлик комиссияси ҳал этади, томонлардан биронтаси унинг қарорига рози бўлмаган тақдирда эса тегишли ҳакамлик суди ҳал этади.

Низоларни ҳакамлик комиссиясида қараб чиққанлик учун ҳақ ундириш тақиқланади.

32-модда. Биржа ва биржа фаолияти қатнашчиларининг жавобгарлиги

1. Биржаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва биржа қатнашчиларига лицензияар бериш билан шуғулланадиган идоралар 1, 2, 6 (2-банд), 9 (2-банд), 10, 13 (2-банд, 4-хатбоши), 15 (2-банд), 19 (3-банд), 29-моддаларида назарда тутилган қоидалар бузилган тақдирда биржа фаолиятини ва лицензияларнинг амал қилинишини уч ойгача тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

2. Агар биржа томонидан ушбу Қонуннинг қоидалари бузилиши давом эттирилаверса, назорат қилувчи идоралар Узбекистон Республикаси Олий хўжалик судига биржани тугатиш тўғрисидаги даъвони тақдим қилишга ҳақлидирлар.

3. Ушбу Қонуннинг қоидаларини бузганларга нисбатан:

биржа фаолиятининг қатнашчиси бўлган корхонанинг мансабдор шахсини биржага доир қонунлар бузилганилиги ҳолларига 15 кунлик муддат ичида барҳам бериш тўғрисида огоҳлантириш;

биржа фаолияти қатнашчиси бўлган юридик шахслардан 500 минг сўмгача миқдорда жарима ундириш;

биржа фаолияти қатнашчиси бўлган корхоналарнинг мансабдор шахсларидан 50 минг сўмгача миқдорда жарима ундириш каби жавобгарлик чоралари ҳам қўлланиши мумкин.

Биржага доир қонунлар бузилишига йўл қўйғанлик учун жавобгарлик турини аниқлаш биржага доир қонунларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи идораларнинг ваколатига киради.

Жазо тариқасидаги жарималар назорат қидувчи идора томонидан ҳакамлик судида ёки ҳалқ судида даъво қўзғаш йўли орқали ундирилади.

4. Биржага доир қонунлар ва биржа савдо-сотифи қоидалари бузилганилиги учун жарима ундириш тўғрисида ҳакамлик судида ёки ҳалқ судида даъво қўзғатган давлат бошқаруви идоралари давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинади.

5. Ушбу моддага мувофиқ ундириб олинган жарима суммалари тўлиқ миқдорда тегишли бюджетга ўтказилиади.

6. Жарима миқдорлари нарх-наво даражасининг ўзгаришига мувофиқ индексация қилиниши лозим.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«БИРЖАЛАР ВА БИРЖА ФАОЛИЯТИ ТҮФРИСИ
ДА»ГИ УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ
ХАҚИДА**

Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
1992 йил 2 июль

Қ А Р О Р И

(Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,

1992 йил, 10-сон, 395-модда)

Узбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор
қиласи:

1. «Биржалар ва биржа фаолияти түфрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонуни эълон қилиниши биланоқ амалга киритилсан.

2. Узбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари «Биржа ва биржа фаолияти түфрисида»ги Қонунга мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар амалдаги норматив ҳужжатларнинг ушбу Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилавериши белгилаб қўйилсан.

3. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

Узбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш түфрисида Узбекистон Республикаси Олий Қенгашинга таклифларни тақдим этсин:

Узбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари ни ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтирсиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг ушбу Қонунга зид келадиган норматив ҳужжатлари кайта кўриб чиқилишини ва бекор қилинишини таъминласин;

биржа товари бўлиши ман этиладиган мол-мулк турларининг, миллии, маданий ва тарихий бойликларнинг рўйхатини тасдиқласин:

биржаларнинг устав фондларини индексация килиш тартиби белгилансин;

ушбу Қонунни амалга оширишга доир тегишли қарорлар қабул қилсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси ушбу Қонуннинг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Қенгашининг Раиси**

Ш. ЙУЛДОШЕВ

МУДОФАА ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси, 1992 йил, 10-сон, 398-модда)

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик декларацияси, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари түгрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларидан келиб чиқиб, барча давлатлар билан тинч-тотув яшаш сиёсатини ўтказа бориб ўз мудофаа құдратини қуролли тажовуздан ҳимояланиш учун етарлы даражада сактаб туради.

Ушбу Қонун давлат підоралары ба маҳаллии бошқарув идораларининг Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилятини таъминлаш борасындағы ишларин йўлга қўйиш, бошқариш асосини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

1-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси мудофаасининг асослари

1. Ўзбекистон Республикасининг мудофааси давлат мустақиллигини, худудий яхлитликни, республика манбаатлары ҳимоя қилинишини ва ахолининг тинч ҳаст кечиришини таъминлашга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий-ҳуқуқий тадбирлар мажмуидан иборатдір.

2. Мудофаанинг максадларига Ўзбекистон Республикасига қарши четдан қилинадиган ҳужумнинг олдини олиш ва ҳар қандай тажовуз қилиниши мумкин бўлган шароитда қуролли ҳимояланишини уюшган ҳолатда қўллашнинг барча зарур шарт-шаронтини яратиш орқали эришилади.

3. Ўзбекистон Республикасини мудофаа қилиш Қуролли Кучларининг, иқтисодиётнинг, ахолининг, худуднинг Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринасига мувофиқ тажовузни даф этишга доим тайёрлигига асосланади.

4. Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси Куролли Кучлар тузилишида мудофааланиш кифоя қиласлари даражада бўлиши қондасига амал қиласлари ва Ўзбекистон Республикаси:

урушни халқаро муаммоларни хал этишнинг усули сифатида тан олмаслигидан;

бетарафлик йўлини тутишга итилишидан ва ядро қуролларини яқинлаштирмаслик: ядро қуролларини жойлаштирмаслик, ишлаб чиқармаслик ва сотиб олмаслик қондасига риоя этишга ҳаракат қилишидан;

биронта ҳам давлатга ҳудудий масалада даъво қилмаслигидан ва биронта ҳам халқни душман деб билмаслигидан;

башарти ўзи тажовуз обьекти бўлиб қолмаган тақдирда бирон-бир давлатга қарши жанговар ҳаракатларни биринчи бўлиб бошламаслигидан иборатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикасининг мудофаасини ташкил этиш:

ҳарбий сиёсатни, ҳарбий доктринани ишлаб чиқишини ва ҳарбий фанни ривожлантиришни;

тажовузларнинг олдинни олиш юзасидан халқаро майдонда тегишли тадбирларни амалга оширишни; хавфсизликнинг жамоа бўлиб амалга ошириладиган тадбирларини ишлаб чиқиш ва ўтказишда қатиашниш имкониятларини;

тадбирларни қўриқлапни;

ҳарбий-техника спесатини, ҳарбий-иктисодий тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни ва Куролли Кучларни қурол-ярог, ҳарбий техника билан, ҳарбий-техника ашёлари, озиқ-овқат ҳамда бошқа моддий-техника воситалари билан тўла-тўқис таъминлаб туришни;

халқ хўжалигини, давлат идораларини, бошқарув тизимини сафарбарликка тайёрлашни;

аҳолини ва республика ҳудудини мудофаага тайёрлашни;

Куролли Кучларнинг керакли тузилмаларини ҳозирлаш, тайёргарлик даражасини кучайтириш ҳамда зарур таркибини ва миқдорини таъминлаш, уларнинг жанговарлик қобилияти, жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган

ҳарбий иғвогарларниң пайини қирқишини ва тажо-
вузларни даф этишини таъминлайдиган даражада бўли-
шини;

мудофаа ва ҳарбий қурилишга доир масалаларни қо-
нув йўли билан тартибга солиб боришини ўз ичига олади.

3-модда. Узбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги қонунлари

Узбекистон Республикасининг мудофаа тўғрисидаги
қонунлари ушбу Қонундан ҳамда унга мувофиқ чиқа-
риладиган Узбекистон Республикасининг бошқа қонун
ҳужжатларидан иборатdir.

4-модда. Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ваколатлари

Узбекистон Республикасининг Олий Кенгashi:

мудофаа, ҳарбий қурилиш, ҳарбий хизматчилар ва
уларниң оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий жиҳат-
дан ҳимоя қилиш масалаларига доир қонуилар ҳақи-
катда бажарилиши устидан парламент назоратини
амалга оширади.

Мудофаа концепциясини, ҳарбий қасамёдни, Узбе-
кистон Республикаси Президентининг тақдимига муво-
фиқ Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирини;

Узбекистон Республикаси Президентининг сафарбар
этиш ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисидаги, қурол-
ли ҳужум қилинган тақдирда ҳарбий ҳолат эълон қи-
лиш ҳақидаги, уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги,
ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгач сулҳ тузиш хусусидаги,
тиччилик ва хавфсизликни сақлаш бўйича халқaro шарт-
номаларга доир мажбуриятларни бажариш зарур бўлиб
қолганда Қуролли Кучларни кўллаш тўғрисидаги, шу-
нингдек Республика манбаатлари учун бошқа вазифа-
ларни ҳал этишга доир фармонларини тасдиқлади;

Узбекистон Республикасининг ҳарбий масалаларга
доир халқaro шартномаларини ратификация қиласида ва
бекор қиласида:

Қуролли Кучларниң Бош қўмондонинг олий ҳарбий
унвон беради.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти:

Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларига қуролли хуруж қилинган тақдирда республика мудофаасини таъминлаш, унинг мустақиллигини, худудий яхлитлигини, эркинлигини ҳимоялашнинг зарур чоратадбирларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирини тайинлаб, сўнгра уни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгани тасдигига тақдим этади;

муайян муддатга Қуролли Кучлар тузниш, уларнинг стратегик вазифалари режасини, шунингдек сафарбарлик режасини тасдиқлади;

давлат идораларининг мудофаа соҳасидаги фаолиятини тартибга солиб туради;

ҳарбий масалага доир умумий кўламда музокаралар олиб боради ва халқаро шартномаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикасига қуролли ҳужум қилинган тақдирда умумий ёки қисман сафарбарлик, уруш ҳолати эълон қиласи, айрим ҳудудларда ҳарбий ҳолат жорий этади, ҳарбий вақтнинг норматив ҳужжатларини амалга киритади ва уларнинг амал қилинишини тўхтатади. Қабул қилган қарорларини Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгани тасдигига киритади;

қарорлар қабул қиласи ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига жанговар ҳаракатлар юритин тўғрисида, шунингдек фавқулодда ҳолларда улардан фойдаланиши ҳақида буйруқ беради;

юкори офицерлар составини лавозимларга тайинлайди, уларга ҳарбий ҳамда маҳсус унвонлар беради, шунингдек уларнинг лавозимлари ва унвонларини пасайтиради.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўзига бўйсунадиган тузилмаларнинг мудофаани таъминлаш, Қуролли Кучларни қурол-яроф, ҳарбий техника ва бошқа моддий воситалар билан таъмин этиш борасидаги фаолиятига раҳбарлик қиласи;

мудофаа ва Қуролли Кучлар эҳтиёжлари учун зарур бўладиган моддий-техника ресурслари, озиқ-овқат,

буюм ва бошқа ашёлар мөттәри ва ҳажмиши, ҳарбий хизматга ва муқобил хизматга чақирилиши лозим бўла-дигаи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг миқдорини ҳамда уларниң ҳарбий хизмати ва муқобил хизматни ўташи тартибини, ҳарбий хизмат ёшидагилар ва чақириувчиларни ҳарбий ҳисобга олиш ишини юртиши тартибиши белгилаб беради.

Ҳарбий хизматчиликни муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш ҳамда ҳарбий хизматдан заҳирага бўшатиш ва ҳарбий хизмат ёшидагиларни йигинга чақириши, уруш даврида сафарбар этиши ва сафарбарликдан бўшатиш тўғрисида қарорлар қабул қиласди;

давлат ва сафарбарлик заҳираларининг моддий бойликларини тўплаш режаларини тасдиқлади;

халқ хўжалигини сафарбарликка тайёрлаш, сафарбарликни кучайтириш ва уни уруш ҳолати шароитидаги иш тартибига ўтказишга раҳбарлик қиласди;

Ҳарбий хизматчилар, истеъфодаги ҳарбий хизмат ёнидагилар ва улар ойлаларининг, шуинингдек хизмат бурчини ўтаётгандаги ҳалок бўлган, вафот этган, бедарак йўқолган ёки аспирликка тушиб қолган ҳарбий хизматчилар ойлаларининг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари, уларниң моддий, манший ва иенсия таъминоти масалаларини ҳал этади;

мудофаа соҳасидаги халқаро шартномалар бажарип-лишини таъминлайди;

ҳарбий-хунар таълимига иктинослашган олий ва ўрта ҳарбий-ўқув юртларини тузади ва уларни тугатади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги республика Қуролли Кучларининг давлат бошқарув идораси ҳисобланади ва Қуролли Кучларининг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш учун, жанговор тайёргарлиги ва ҳарбий шитизоми учун тўла жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа вазирлиги:

Қуроли Кучларда мудофаа соҳасидаги ва ҳарбий қурилтиши жабхасидаги давлат сиёсати ўтказилишини таъминлайди;

мудофаа, Қуролли Кучларни тузиш ва ривожлантириш режалари ва концепцияларининг қурол-яроғларни

ва ҳарбий техникани ривожлантириш давлат дастурининг лойиҳаларини, мудофаа эҳтиёжларига пул ажратишга доир таклифларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига киритади;

ҳарбий қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни йўлга кўяди ва олиб боради;

ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий ашёлар яратиш, ишлаб чиқариш ва ремонт қилишга онд давлат буюртмалари бажарилишини назорат қилади;

Қуролли Кучлар шахсий состави билан ҳарбий, ҳуқуқий, ахлоқий тарбия, шунингдек маънавий-психологик тайёргарлик, ҳарбий кадрларни жой-жойишга қўйиш ишларини олиб боради;

ҳарбий хизматдан бўшатилганларга пенсиялар тўланишини, ҳарбий хизматчилар ва улар опла аъзоларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари химоясини амалдаги қонунларга мувофиқ равишда таъминлайди;

халқ ҳўжалигининг сафарбарлик даражасида тайёрлигини ташкил этишда иштирок этади;

сафарбарлик заҳираларини ҳозирлаш ва қайта тайёрлаш, фуқароларни ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш ҳамда белгиланган хизмат муддатини тутагтган ҳарбий хизматчиларни ва муқобил хизматдаги хизматчиларни заҳирага бўшатиш, ҳарбий хизмат ёшидагиларни йигинга чақириш, шунингдек сафарбарликка чақириш ва сафарбарликдан бўшатиш ишларини режалаштиради ва амалга оширишини ташкил этади;

бошқа давлатларнинг Қуролли Кучлари билан ҳарбий, маданий ва илмий алоқалар ўрнатади.

8-модда. Бошқа вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари

Ҳарбий буюртмаларни бажараётган вазирликлар ва идоралар бошқарувининг топширилган тармоқларида мудофаа эҳтиёжларига мўлжалланган зарур маҳсулотларнинг етказиб берилиши учун, тармоқнинг сафарбарлик тайёрлиги учун жавобгар бўлади, тармоқ ҳарбий даврда сафарбарлик тайёрлиги режасига мувофиқ барқарор ишлashingни таъминлашга доир чоратадбирларни амалга оширади.

9-м о д д а. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари:

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар мудофаани, халқ хўжалигининг сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажаришлари учун масъул бўладилар;

ҳарбий қисмларга ва муассасаларга зарур маҳаллий маҳсулотлар етказилиб берилишини, улар сув, иссиқлик ва электр энергияси билан таъминланишини амалга оширадилар, алоқа воситаларини берадилар, коммунал-маниший ва бошқа хизматлар кўрсатадилар;

мудофаа манбаатларини кўзлаб қонунларга мувофиқ ер ажратиб берадилар ва улардан фойдаланишни назорат қилиб борадилар;

конунларда белгиланган тартибда ҳарбий қисмларга, Куролли Кучларнинг муассасаларига, ҳарбий ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларига хизмат бинолари ва турар жойлар ажратиб берадилар, ҳарбий обьектларга, ҳарбий хизматчиларга, уларнинг оиласларига нисбетан конунига зид хатти-ҳаракатлар қилинишига йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирлар кўрадилар.

10-м о д д а. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вазифалари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кимнинг тасарруфида эканликлари ва мулкчиликнинг шаклидан қатъи назар, давлатнинг ҳарбий буюртмалари ва шартномалар бажарилиши учун қонунда белгиланган тартибда жавоб берадилар, сафарбарлик учун керакли кучларни ва заҳираларни яратадилар ва шай қилиб турадилар.

11-м о д д а. Фуқароларнинг бурчи

Ўзбекистон Республикаси, унинг худудий яхлитлигини, мустақиллигини ҳимоя қилиш республика фуқароларининг Конституциявий бурчи ҳисобланади.

Бошқа давлатларнинг Ўзбекистонда доимий яшаб турган ёки вақтинча турган фуқаролари ва фуқаролиги

бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида ҳарбий хизматга ва ҳарбий тайёргарлик кўришга мажбур эмас.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари республика манфаатларини, аҳолининг тинч турмушини, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш учун барпо этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари:
қонуннинг устунлиги;
марказлашган раҳбарлик ва яккабошлилк;
доимий жанговар тайёргарлик ва сафарбарликка шайлик;

фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбурияти;
умумий хавфсизлик тизимини яратиш;
ҳарбий интизомга риоя этиш;
партиядан ҳолилик;
ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишини таъмин этиш асосида қурилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, маҳсус ва Миллий Гвардия қўшинлардан иборат бўлади.

Уруш бўлган тақдирда Қуролли Кучлар ўз вазифаларини Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинлари билан, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари билан ҳамкорликда бажарадилар.

4. Қуролли Кучларни жойлаштириш Ўзбекистон Республикаси ҳудудини, чегараларини ва ҳаво теграларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдек стратегик режалар асосида белгиланади ва ҳарбий доктрина талабларига, стратегик ва оператив режалар асосида, шунингдек қўшинларни сафарбар этиб жойлаштириш режасига мувофиқ амалга оширилади.

5. Қуролли Кучларни тузиш «Ўмумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Қуролли Кучларни тузиш — ҳарбий хизматга шу ҳудуддан ва ҳудуд ташқарисидан чақиришни уйғун ҳолда бажариш орқали амалга оширилади.

6. Қуролли Кучларни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш давлат томонидан амалга оширилади.

Ҳарбий объектлар ва иншоотлар, қурол-яроғларнинг, ҳарбий техниканинг ва бошқа ҳарбий мол-мулкнинг барча турлари давлат мулки ҳисобланади. Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади, улар қонунларда белгиланган асосларга биноан ва ваколатлари доирасида бу нарсаларга эгалик қиласидар, улардан фойдаланадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Қурол-яроғни, ҳарбий техникани, бутловчи буюмларни ва бошқа мол-мулкни ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва таъмирлаш, мудофаа эҳтиёжлари учун озиқовқатни етказиб бериш, шунингдек мудофаа манфаатлари йўлида илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва қурилиш ишларини бажариш, давлат сафарбарлик заҳираларида сафарбарлик бойликларини яратиш, ривожлантириш ва сақлаб қолиш тўла ҳажмта давлат буюртмасига киритилади.

Мудофаа эҳтиёжлари учун давлат буюртмаларининг бажарилиши солиқ, ижара имтиёзлари ва бошқа имтиёзлар билан рағбатлантирилади.

Қуролли Кучларнинг бинолари, иншоотлари, ҳарбий техникаси, қурол-яроғлари ва бошқа мол-мулки давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши мумкин.

13-модда. Уруш ҳолати, ҳарбий давр

Уруш ҳолати Ўзбекистон Республикасига ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда эълон қилинади ва бу ҳолат бир-бирига қарши урушаётган томонлар сулҳ тузганларидан кейингина бекор қилинади.

Уруш ҳолати эълон қилиниши биланоқ ёки ҳарбий ҳаракатлар амалда бошлаб юборилган дақиқадан эътиборан ҳарбий давр амал қиласи ҳамда у ҳарбий ҳаракатлар амалда тўхтатилган кунда ва соатда тугайди.

Республика ҳудудига қўшиналар ёки қуролли гуруҳлар қўққисдан ҳужум қилган ёки бостириб кирган тақдирда ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий идоралари уруш эълон қилинишини кутмай ҳужумни қайтаришнинг барча чораларини кўришлари шарт.

14-модда. Ҳарбий ҳолат

Ҳарбий ҳуруж ҳавфи бўлганида республиканинг айрим ерларида ёки бутун ҳудудида ҳарбий ҳолат жорий этилади.

Олий Бош қўмондоннинг вазифалари ҳарбий ҳолат эълон қилиниши биланоқ Узбекистон Республикаси Президенти зиммасига юкланди. Унинг ҳузурида Мудофаа Кенгаши тузилади. Кенгаши ҳарбий даврда Қуролли Кучларга ва халқ ҳўжалигига раҳбарлик қиласиди.

Ҳарбий ҳолат тартиби қонунлар билан белгиланди.

15-модда. Сафарбарлик

Уруш ҳолати эълон қилиниши ёки ҳарбий ҳолат жорий этилиши биланоқ Қуролли Кучларни сафарбар этиб жойларга тарқатиш ва иқтисодиётни уруш даври иш тартибига ўтказиш мақсадида умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилинади.

Сафарбарликни ўтказиш тартиби қонунлар билан белгиланди.

16-модда. Ҳудудий мудофаа

Ҳудудий мудофаа давлат чегараларини, ҳарбий объектлар ва иншоотларни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш, душманинг десантчи ва қўпорувчи кучларига қарши кураш, шунингдек ҳарбий ҳолат тартибини сақлаб туриш мақсадида ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ҳудудий мудофаани таъминлашга жалб этилаётган кучларнинг вазифалари, уларни ташкил этиш ва ҳамкорликда ҳаракат қилиш тартиби Қуролли Кучларнинг сафарбарлик режасида белгилаб қўйилади.

17-модда. Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлиги

Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг мудофаа тўғрисидаги қонунларни бажармаслиги амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«МУДОФАА ТҮГРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТҮГРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 399-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қиласиди:

1. «Мудофаа түгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси-
нинг Қонуни эълон қилинган дақиқадан бошлаб амалга
киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Вазирлар Маҳкамаси:

«Конверсия түгрисида»ги Қонуннинг лойиҳасини иш-
лаб чиқсин ҳамда уни Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгаши муҳокамасига киритсин;

«Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини, давлат
идораларини, бошқарув тизимларини сафарбарлик тай-
ёргарлиги түгрисида» ва «Ўзбекистон Республикаси аҳо-
лисини ва худудини мудофаага ҳозирлаш түгрисида»ги
низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг

1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 9-сон, 348-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгashi қарор
қилади:

1. Ҳарбий қасамёднинг қўйидаги матни тасдиқланасин:

«Мен (фамилияси, исми, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, ҳалқимга, Президентимга содик бўлишга тантанали равишда қасамёд қиласман.

Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқадас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, қўмондонлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиласман.

Сўнгги нафасим қолгунча она-Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун мashaққати ва қийинчиликларини сабот билац енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиласман.

Жонажон Ўзбекистонимни нурли истиқболи учун унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигини химоячиси бўлишга қасамёд қиласман.

Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам қонунларда белгиланган жазога ва ҳалқнинг нафратига мубтало бўлай».

2. Белгилаб ёйилсанки, Ҳарбий қасамёдни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларга, муассасаларга, бошқа ҳарбий қўшилмаларга ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар, ҳарбий-ўқув юртларининг илгари Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган курсантлари қабул қиласдилар.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат ўтаётган ва илгари Ҳарбий қасамёдни қабул қилган ҳарбий хизматчилар қасамёд қилдирмайдилар.

4. Ҳарбий қасамёд қилдириш тартиби тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Қенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТҮГРИСИДА¹

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 401-модда)

1 боб. Умумий қоидалар

I-модда. Умумий ҳарбий мажбурият

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ мамлакатни мудофаа қилиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи барча фуқароларнинг вазифасидир. Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституциявий бурчидир.

2. Умумий ҳарбий мажбуриятнинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини ўз мамлакатларини қуролли ҳимоя қилиш учун мажбурий ҳарбий тайёргарликдан ўтказишдан иборат бўлиб, республика Қуролли Кучларини бутлаш ва резерв таъёrlашни таъминлаш мақсадларида жорий этилади.

3. Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, чақирув участкаларида қайд этишни, ҳарбий хизматга чақиршни, ҳарбий хизматни (чақирув бўйича ва ихтиёрий равишда) ўтасини, захирада хизмат қилишни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, умумий ҳарбий таълим беришни (уруш даврида) қамраб олади.

4. Ушбу Қонунни бажариш Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, давлат бошқарувининг марказий идоралари, ҳокимликлар, жамоат бирлашмалари, ўқув юртлари, муассасалар, корхоналар, жамоа хўжаликлири, кооперативлар ҳамда идоравий бўйсунуви, мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш шарт-шароитларидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги Қонуни билан киритилган ўзгаришлар билан.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилувчи ажнабий шахслар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тааллуқли эмас.

5. Ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон фуқароларидан:

чақириув участкаларида қайд этилгунга қадар чақириувгача бўлган тайёргарликни ўтаётган шахслар—чақириув ёшига етмаган шахслар;

чақириувчилар ҳисобида турган шахслар—чақириувчилар;

ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар—ҳарбий хизматчилар;

Қуролли Кучларнинг заҳираси ҳисобида турган шахслар—ҳарбий хизматга мажбурлар;

турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки бу рўйхатдан чиқариб юборилган, шу жумладан иштєфога ўтказилган шахслар—ҳарбий хизматга мажбур булмаган шахслар деб аталади.

6. Эркак фуқаролар, башарти, саломатниклари ва ёшлари нуқтаи назаридан ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар, ҳарбий хизматга чақирилишлари шарт.

Шу муносабат билан улар:

ноҳия, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақириғига биноан қайд ҳисобидан, тиббий кўрикдан ўтиш, ҳарбий ихтисосни ўрганишга боришга йўлланма олиш, ҳарбий хизматга ва ўқув машқлари йиғинига чақириув йўлланмасини олиш учун чақириув участкаларига келишлари;

чақириувга қадар тайёргарликдан ўтишлари, ҳарбий хизматни ўташлари ва заҳирада хизмат қилишлари;

ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишлари шарт.

7. Тиббий тайёргарликка эга ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган рўйхатга кўра ҳарбий ихтисосликларга турдош касб эгалари бўлган хотин-қизлар ҳарбий рўйхатга олинишлари мумкин.

Улар тиббий кўрикдан ўтиш ва ҳарбий рўйхат қоидаларини бажариш учун ноҳия, шаҳар мудофаа ишлари идораларининг чақириувига биноан ҳозир бўлишлари шарт.

Тинчлик вақтида хотин-қизлар ихтиёрий равища битим бўйича ҳарбий хизматга киришлари мумкин. Ҳарбий рўйхатда турган ёки умумий ҳарбий таълим олган хотин-қизлар уруш даврида ҳарбий хизматга Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг қарорига биноан ча-
кирилишлари мумкин.

2-м о д д а. Ҳарбий хизмат ва заҳирадаги хизмат

1. Ҳарбий хизмат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа ҳарбий тузилмаларида умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришлари ҳамда битимга биноан хизмат қилишлари борасидаги давлат хизматининг алоҳида туридир.

Ҳарбий хизматнинг:

муддатли ҳарбий хизмат;

аскар, денгизчи, сержант ва старшина, шунингдек прапоршчик ва мичман лавозимларида битимга биноан ҳарбий хизмат;

хотин-қизлар битимга биноан ўтайдиган прапоршчик ва мичман, шунингдек аскар ва сержант лавозимларидағи ҳарбий хизмат;

ҳарбий ўқув юртларининг курсанти (тингловчиси) сифатида ўталадиган ҳарбий хизмат;

офицерлар лавозимларида ўталадиган ҳарбий хизматдан иборат турлари жорий этилади.

2. Тинчлик вақтида заҳирадаги хизмат — ўқув машқлари йиғинида қатнашишдан, уруш вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучларининг, шунингдек Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Стратегик Кучларининг сафарбар этилгани ва ёйилганида ҳарбий хизматга мажбурлардан ҳарбийлар рўйхатида қайд этилган ихтисослари бўйича талаб қилинадиган билим, кўнинма ва маҳоратни сақлаб қолиш ҳамда такомиллаштиришдан иборатdir.

3. Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга кирган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг халқига ва Президентига содик эканликлари тўғрисида Ҳарбий қасамёд қабул қиласидилар.

Муқаддам Ҳарбий қасамёд қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбуrlар йиғинга ёки сафарбарликка чақирилган вақтда Ҳарбий қасамёд қабул қиласидилар.

3-м о д д а. Муқобил (меҳнат) хизмат

Муқобил хизмат Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил (меҳнат) хизмат тўғрисида»ги Қонуни билан тартибга солиб борилади.

4-м о д д а. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларини ва бошқа қўшинларини ҳарбий хизматчилар билан бутлаш

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Қучлари ва
бошқа қўшинлари:

умумий ҳарбий мажбурият асосида фуқароларни ҳар-
бий хизматга чақириш;

фуқароларнинг битимга биноан ҳарбий хизматга ки-
риши орқали бутланади.

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Қучлари ва
бошқа қўшинларини уруш вақтида тақозо этиладиган
штатлар дарајасигача ҳарбий хизматчилар билан қў-
шимча равишда бутлаш ушбу Қонунда ва бошқа қонун
хужжатларида белгилаб берилади.

5-м о д д а. Ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматта мажбурларнинг таркиби ҳамда уларнинг ҳарбий унвонлари

1. Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбур-
лар оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар тарки-
бига, прaporшчиклар ва мичманлар таркибига ҳамда
офицерлар таркибига бўлинади.

Офицерлар таркиби — кичик, катта ва олий офицер-
лар таркибига бўлинади.

2. Ҳар бир ҳарбий хизматчи ва ҳарбий хизматга маж-
бурга тегишли ҳарбий унвон берилади. Ўзбекистон Рес-
публикаси Қуролли Қучлари ва бошқа қўшинларида
ҳарбий унвонлар — қўшинлар унвонлари ва кема тарки-
бидаги унвонларга бўлинади.

Қуролли Қучларда қуйидаги унвонлар жорий этила-
ди:

Қўшинлар унвонлари

Кема таркибидаги унвонлар

Оддий аскарлар таркиби
Оддий аскар

матрос

Сержантлар ва старшиналар таркиби

кичик сержант	2-даражадаги старшина
сержант	1-даражадаги старшина
катта сержант	бош старшина
старшина	кеманинг бош старшинаси

Прапорщиклар ва мичманлар таркиби

прапорщик	мичман
катта прапорщик	катта мичман

Кичик офицерлар таркиби

кичик лейтенант	кичик лейтенант
лейтенант	лейтенант
катта лейтенант	катта лейтенант
капитан	капитан-лейтенант

Катта офицерлар таркиби

майор	3-даражадаги капитан
подполковник	2-даражадаги капитан
полковник	1-даражадаги капитан

Олий офицерлар таркиби

генерал-майор
генерал-лейтенант
генерал-полковник
армия генерали
Ўзбекистон Республикаси
Маршали

Заҳира ёки истеъфодаги фуқароларнинг ҳарбий унвонларига тегишинча «заҳирадаги» ёки «истеъфодағи» деган сўзлар қўшилади.

3. Ҳарбий унвонлар «Мудофаа тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўтashi тўғрисида»ги Низомга мувофиқ берилади.

4. Офицерлар таркибига кирувчиларни ҳарбий унвондан маҳрум қилиш оғир жиноят учун маҳкум этилганларида суднинг қарорига биноангина мумкин бўлади.

Аскар, матрос, сержант ва старшина лавозимларида (оддий аскар ва матрос унвонига эга шахслардан ташқари) муддатли хизматни ва битимга биноан хизматни ўтаётган прaporшчиклар (мичманлар), ҳарбий хизматчилар Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Интизомий Уставида белгиланган тартибдагина ҳарбий унвондан маҳрум этилишлари ёки уларнинг ҳарбий унвонлари пасайтирилиши мумкин.

5. Ҳарбий унвонни тиклаш «Узбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низом талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Ҳарбий лавозимлар

1. Ҳарбий лавозимлар (ҳарбий хизматчилар эгаллаши лозим бўлган штат лавозимлари) ва уларга мувофиқ келадиган ҳарбий унвонлар Узбекистон Республикаси ҳарбий қисмларининг, ҳарбий бошқарув идоралари ва муассасаларининг, ҳарбий ўқув юртларининг штатларида назарда тутилади.

Узбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олий раҳбарлик лавозимларига тайинлаш Узбекистон Республикасининг Президенти томонидан, бошқа лавозимларга тайинлаш эса Узбекистон Республикасининг Мудофаа вазири томонидан амалга оширилади.

2. Ҳарбий лавозимлар:

оддий аскарлар таркиби лавозимлари;
сержантлар ва старшиналар таркиби лавозимлари;
прапоршчиклар лавозимлари;

офицерлар таркиби лавозимларидан иборат бўлади.

3. Ҳарбий хизматчилар ўз розилигига кўра Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг қарори асосида ҳарбий хизматдан қолдирилган, шунингдек ижтимоий ҳимояланиш ҳуқуқлари сақланган ҳолда давлат ҳуқуқ ва мудофаа йўналишидаги вазифаларини бажариш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувни идораларига ишга йўлланиши мумкин.

4. Ҳарбий хизматчиларни хизматда юқори лавозимга ўтказиш «Узбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомда белгилаб берилади.

7-м о д д а. Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечаклари ва фарқловчи нишонлари

1. Ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурлар йигинларда иштирок этаётганда ҳарбий унвонни ва қўшин турини фарқловчи нишонлари бўлган ҳарбий кийим-кечакда юрадилар.

Ҳарбий кийим-кечак ва фарқловчи нишонлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тасдиқланади.

2. Қайси идорага тегишли эканлигидан қатъи назар, ишни ва хизматчилар учун ҳарбий хизматчиларнинг кийим-кечагини ва фарқловчи нишонларини жорий этиш беради таҳади.

3. Ҳарбий кийимда юриш ҳуқуқига эга бўлмаган ҳолда фуқароларнинг ҳарбий кийимда юриши, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий кийим-кечакларини ва фарқловчи нишонларини таҳқирлаш ёки хўрлаш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувафиқ жазоланади.

II боб. Фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш

8-м о д д а. Чақириш ёшига етмаганларни ва чақириувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш

1. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақириувчилар билан тайёргарлик ишлари олиб борилади, бу иш қуйидагиларни қамраб олади: ўспириналарни чақиришга қадар тайёргарликдан ўтказиш; чақириувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш; ҳарбий ўқув юртларига ўқишига киришга тайёрлаш; жисмоний жиҳатдан тайёрлаш, даволаш-соғломлаштириш ишлари ўтказиш; умумий олган таълим мининг савиясини ошириш; давлат тилини ўргатиш; ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

2. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақириувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарлиги остида вилоятлар, ноҳиялар, шаҳарлар, шаҳарлардаги ноҳияларнинг ҳокимликлари томонидан амалга оширилиб, бу идоралар ўспириналарни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини пул билан таъминлайдилар, моддий-техника таъминотини

амалга оширадилар, ўқув-моддий баъзасини вужудга келтирадилар ва ўспиринларни ҳарбий хизматга тайёрлаш учун жавобгар бўладилар.

Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларни ҳарбий хизматга тайёрлашнинг ташкил этилишини амалга оширилишини ва бу ишнинг натижаларини назорат қилиб бориш, чақиришга қадар бўлган тайёргарликни дастурий ва услубий жиҳатдан таъминлаш ишларн Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, шунингдек ўқув юртларини тасарруф этувчи вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан амалга оширилади.

9-м о д д а. Чакиришга қадар тайёргарлик ишлари

Успиринларни чақиришга қадар тайёрлаш ишлари, шу жумладан уларни фуқаролар мудофаасига тайёрлаш ишлари мажбурий фан бўлиб, умумий таълим мактабларида (шу жумладан гимназиялар, лицейлар ва урта умумтаълим ўқув юртларининг бошқа турларида), ҳунар-техника билим юртларида битирниши йили арафасидаги синфларда, курсларда штатдаги ҳарбий раҳбарлар томонидан ўқитилади.

Чақиришга қадар тайёргарлик даражаси паст бўлган ўспиринлар чақиришдан олдин Ўзбекистон Республикаси ҳокимликлари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда уюштириладиган мудофаа-спорт-соғломлаштириш лагерларида чақиришга қадар қўшимча тайёргарликдан ўтадилар.

10-м о д д а. Чакирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш

Чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисослари бўйича тайёрлаш, яъни:

ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари орасидан бўлган чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритилган соҳага ўхшаш ихтисослар бўйича тайёрлаш — бевосита ана шу билим юртларида;

ишловчи ва вақтинча ишламаётганлар жумласидан, шунингдек ҳунар-техника билим юртларида ҳарбий рўйхатга киритилган ихтисосга даҳли бўлмаган мутахасислик бўйича таълим олаётган ўқувчилар орасидан бўлган чақирилувчилар тайёрлаш — Ўзбекистон Республикаси мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг ўқув ташкилотларида амалга оширилади.

Бундай таълимга 17 ёшга тўлган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ҳамда ўқишини битиргач ҳарбий хизматга чақирилиши лозим бўлган чақирилувчилар жалб этилади.

Ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича тайёргарликдан ўтказилиши лозим бўлган чақирилувчиларнинг сони, шунингдек ихтисосликларнинг ва дастурларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Мудофааа вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда белгиланади ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Мажхамаси томонидан тасдиқланади.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг мактабларида чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича тайёрлашни пул билан таъминлаш унинг Марказий Кенгаши орқали республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

11-модда. Олий ўқув юртларида заҳирадаги офицерларни тайёрлаш

1. Заҳирадаги офицерларни тайёрлаш олий ўқув юртларининг талабаларига олий ўқув юртлариаро ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларида (ҳарбий кафедралар ёки циклларда) таълим бериш орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида ўқиётган, саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли талабалар (27 ёшгача бўлган эркаклар) ҳарбий тайёргарлик курсини, тиббиёт олий ўқув юртларининг талаба хотин-қизлари-ҳарбий тиббий тайёргарлик курсини ўтайдилар.

Талабаларни ҳарбий тайёргарлик курсларига қабул қилиш ихтиерий асосларда (талабаларнинг шахсий аризаларига биноан) амалга оширилиши мумкин. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган шахслар ҳарбий тайёргарликни юкори курсларда ўтайдилар.

2. Олий ўқув юртлариаро ўқув марказларида (ҳарбий кафедралар ёки циклларда) ҳарбий тайёргарлик курсини ўтган, таълим дастурини ўзлаштирган, белгиланган давлат имтиҳонларини топширган шахслар кичик лейтенант унвони олганларидан кейин заҳирадаги офицерлар ҳисобига киритиладилар. Олий ўқув юртлариаро ўқув марказларида таълим курсини муваффақиятли тутгаллаб, офицер лавозимида ҳарбий хизматни ўташ истагини билдирган эркак талабалар дастлабки офицерлик унвони олганлари ва олий ўқув юртини битирганларидан

кейин қўшинларга жўнатилишлари мумкин. Бунда олий ўқув юртида ўқиш даври ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

Олий ўқув юртларининг кичик курсларида сержантлар тайёрлаш дастурини ўтган ёки юқори курсларда ҳарбий таълим олишни давом эттиришни рад этган, ҳарбий тайёргарлик таълими олиш истагини билдирамаган талабалар (олий ўқув юртини битиргандан кейин) ушбу Қонунга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўташга жалб этиладилар.

3. Заҳирадаги офицерларни тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда олий ўқув юртларини тасарруф этувчи вазирликлар (қўмиталар) зиммасига юклатилиади.

Олий ўқув юртлариаро ҳарбий тайёргарлик ўқув марказларининг (ҳарбий кафедралар ёки циклларининг) йўналишларини, заҳирадати офицерлар ихтисосларининг рўйхатини Мудофаа вазирлиги белгилайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

4. Таркибида олий ўқув юртлариаро ўқув марказлари (ҳарбий кафедралар ёки цикллар) ташкил этилган олий ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва давлат бошқарувининг бошқа идоралари ҳарбий тайёргарликни алоқида модда бўйича пул билан таъминлайдилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг қўмагида зарур ўқув-моддий базани яратадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги талабаларининг ҳарбий тайёргарлиги устидан назоратни, ўқув юртлариаро ўқув марказларининг, ҳарбий кафедралар (цикллар)нинг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари лавозимига ушбу келишган ҳолда, бошқа лавозимларга эса—олий ўқув юртларининг ректорлари билан келишган ҳолда офицерлар ташлаш ва тайинлашни амалга оширади.

Олий ўқув юртлариаро ўқув марказларининг, ҳарбий кафедраларининг (циклларининг) ҳарбий лавозимига тайинланган ҳарбий хизматчилар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг кадри сифатида қоладилар ва ҳақиқий ҳарбий хизматдагилар учун белгиланган барча имтиёзлардан фойдаланадилар.

12-м о д д а. Ҳарбий ўқув юртига киришга ва ҳарбий хизматга тайёрлаш тартиби. Жисмоний тайёргарлик. Даволаш соғломлаштириш ишлари, Умумтаълим тайёргарлик савиясини ошириш. Давлат тилини ўрганиш. Ватанпарварлик руҳида тарбиялаш

1. Ҳарбий ўқув юртига кириш истагини билдирган фуқаролар ҳарбий лицейларда, умумтаълим ўқув юртларида (гимназияларда, лицейларда), Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамиятининг ташкилотларида, ҳарбий ўқув юртлари қошибдаги тайёрлов курсларида ёки мустақил равишда тайёргарликдан ўтадилар.

2. Чақириш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларни жисмоний жиҳатдан тайёрлаш жисмоний тарбия дастурiga мувофиқ ҳалқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, спорт жамиятлари ва клублари, даволаш муассасалари томонидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардаги мудофаа-спорт соғломлаштириш лагерларида амалга оширилади.

3. Ўспиринлар ўртасида даволаш-соғломлаштириш ишлари соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасалари томонидан уларнинг турар жойларида, иш ёки ўқиш жойларида, даволаш муассасаларида, даволаш-олдини олиш ва даволаш-соғломлаштириш муассасаларида ташкил этиладиган ўсмирлар хоналари ва поликлиникаларида уюштирилади ҳамда ўтказилади.

15—17 ёшдаги ўспиринлар ҳар йили чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишига жалб этиладиган мутахассис врачлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилади.

4. Таълимни бошқариш давлат идоралари чақирилиш ёшига етмаганлар ва чақирилувчиларнинг тарбия, умумтаълим тайёргарлик даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришлари, давлат тилини яхши билмайдиган ёки мутлақо билмайдиган ўсмирлар билан давлат тилини ўрганиш бўйича қўшимча машғулотлар ўтказишни уюштиришлари ва ўтказишлари шарт.

13-м о д д а. Ҳарбий хизматга тайёргарликка жалб этиладиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ҳунар-техника таълимининг ўқув ташкилотларида, Ўзбекистон Республика

ликаси мудофаасига күмаклашувчи «Ватапарвар» жамиятининг ўқув ташкилотларида ҳарбий-техника ихтинососликлари бўйича тайёргарлик кўришга жалб этилган фуқароларнинг иш ўрни ва эгаллаган лавозими уларнинг юқоридаги вазифаларни бажаришларининг бутун даврида, шу жумладан ўқиш (йигин) ўтказиладиган жойга бориш ва орқага қайтиш даврида сақлаб қолади.

2. Чақирилувчиларнинг таълим олиш (йигинлар) даврида ижарага олган уй-жойларга қилган харажатлари, ўқиш жойга бориш ва у ердан қайтишнинг (башарти, бошқа аҳоли пуктига бориш билан боғлиқ бўлган бўлса) йўлкира қиймати, шунингдек ўртача ойлик иш ҳақи асосий иш жойида тўланади. Ишламайдиган чақирилувчиларнинг ана шундай ҳаражатлари, шунингдек кун кечиришнинг белгиланган энг кам миқдоридаги нафака ҳокимиятлар томонидан тўланади.

3. Ҳарбий-техник ихтиослар бўйича чақиришга қадар тайёргарликдан ўтишга жалб этилган фуқаролар машгулотларда қатнашиштари шарт.

III боб. Фуқароларни чақириш пунктларида қайд этиши. Ҳарбий хизматга чақириш ва қабул қилиш (кириш)

14-модда. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиши

1. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиши ўспириналарни рўйхатга олиш, уларнинг сонини, ҳарбий хизматга қай даражада яроқли эканлигини аниқлаш, умумтаълим савиаси, эгаллаган ихтиоси ва жисмоний тайёргалигини билиб олиш мақсадида ўтказилади.

Фуқароларни қайд этиш учун ноҳияларда (шаҳарларда) чақириқ участкалари ташкил этилади.

2. Чақириқ участкаларида ҳар йили январь—март ойларида шу йил 17 ёшга тўладиган фуқаролар қайд этиладилар.

Қайд қилиш қайд қилинадиган фуқароларнинг турар жойларидаги ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари идоралари томонидан ўтказилади.

Чақириқ участкаларида қайд қилинадиган фуқароларни врачлар, шу жумладан жарроҳлар, терапевтлар, асаб касалликлари, руҳий касалликлар, кўз касалликлари, қулоқ, томоқ, бурун касалликлари, тиш касалликлари мутахасислари, заруратга қараб бошқа ихтиосидаги врачлар тиббий кўрикдан ўтказадилар.

3. Уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари, уйлардан фойдаланишини амалга оширувчи корхоналар ва муассасалар, уй эгалари, шунингдек ҳарбий хизматга мажбурулар ва чақириувчиларни дастлаб рўйхатга олиш вазифаси юклатилган ҳокимиятлар, корхоналар, ташкилотлар ва ўкув юртларининг кадрлари бўлимлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги белгилаган муддатларда ҳар йили тегишли ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари идораларига чақириқ участкаларида қайд этилиши лозим бўлган ўспириналарниңг рўйхатини берадилар.

4. Чақириқ участкасида қайд этиш учун фуқаролар чақириув қофозида кўрсатилган муддатда мудофаа ишлари идораларига келиб, зарур ҳужжатларни тақдим этишлари шарт.

5. Фуқароларни чақириқ участкаларида қайд этиш ишларини ўтказиш учун ноҳияларда (шаҳарларда) тегишли комиссиялар тузилади.

6. Чақириқ участкаларида қайд этилган фуқаролар чақириувчилар деб ҳисобланади. Уларга чақириувчнинг қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси берилади, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳарбий рўйхатга олиш ва ҳарбий хизматга тайёрлаш тартиби тушунтирилади. Қайд этилган вақтдан бошлаб фуқаролар ҳарбий рўйхатга киритиладилар.

15-модда. Чақириув ёши. Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш

1. Тинчлик вақтида саломатлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган ва чақириув куни 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмиш йигитлар муддатли ҳарбий хизматга чақириладилар.

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан ийлига икки марта: май-июнь ва ноябрь-декабр ойларида ўтказилади.

Вазирлар Маҳкамасининг Қарори чақириув бошланшига камида бир ой қолганида оммавий ахборот во-ситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинганидан кейин ҳар бир чақириувчи, шу жумладан вақтинча рўйхатда турган чақириувчи чақириув қофозида кўрсатилган муддатда чақириув пунктида ҳозир бўлиши шарт. Муддатли ҳарбий хиз-

матни ўтамаган ва ҳарбий рўйхатга киритилмаган чақирав ёшидаги фуқаролар, шунингдек доимий истиқомат жойидан вақтинча бошқа жойга кетиб қолган ва у ерда ҳарбий рўйхатда турмаган чақириувчилар турар жойларидағи мудофаа ишлари идораларига боришлиари шарт.

2. Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари, кооперативлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари хизмат сафарида бўлган чақириувчиларни чақиритириб олишлари ва уларнинг чақириқ участкасида ўз вақтида ҳозир бўлишини таъминлашлари шарт.

3. 18 ёшга тўлган ва 18 ёшдан катта чақириувчиларнинг ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартиришига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги чақирав тўғрисидаги Қарори эълон қилингунга қадар йўл қўйилади. Қарор эълон қилинганидан кейин эса фақатгина айrim ҳолларда, башарти чақириувчи мудофаа ишлари идораларига:

бошқа жойдаги ишга ўтказилганлигини;

янги истиқомат жойига кўчиб ўтганлигини;

ўқув юртига қабул қилинганилиги ва таълим олишни давом эттириш учун кетаётганлиги ёки ўқув юртини туғатиб, йўлланма бўйича ишга жўнатилаётганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этганидан кейин ҳарбий рўйхатда туриш жойини ўзгартириши мумкин.

4. Кўйидагилар:

фуқаронинг чақириқ участкасига шахсан келишига имкон бермаган касаллиги;

яқини туғишганининг вафот этгани ёки оғир бетоблиги;

фуқарога боғлиқ бўлмаган ҳолда, уни кўрсатилган участкаларга ва муддатларда шахсан етиб келишига тўс-қинлик қилган табиий оғат ва шунга ўхшаш бошқа вазиятлар фуқаронинг мудофаа ишлари идоралари белгилаган муддатларда чақириқ участкаларига етиб келмаганилигининг узрли сабаблари ҳисобланади.

Ҳозир бўлмаганлик сабаблари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши лозим.

5. Тинчлик вақтида:

ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларига мувофиқ чақирувдан озод этилган;

ўтказилаётган дастлабки суриштирув ёки тергов дахлдор бўлган шахслар; жиноий ишга дахлдор бўлган шахслар иш то судда узил-кесил қараб чиқилиб, айблов ёки оқлов хуносаси чиқарилгунга қадар;

шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлмаган шахслар муддатли хизматга чақирилмайдилар.

16-модда. Чакирув комиссиялари

1. Фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматга чақирувни ўтказиш учун ноҳияларда, шаҳарларда, вилоятларда, Қорақалпоғистон Республикасида чакирув комиссиялари тузилади.

Чакирув комиссияларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва ноҳия ҳокимлари томонидан вилоят, шаҳар ва ноҳия ҳарбий бошқарув идораларининг муқаррар иштирокида белгиланади.

Юқори турувчи чакирув комиссиялари зиммасига:

чакирув муддатини кечикириш ёки чакирувдан озод қилганлик қай даражада тўғри эканлигини текшириш;

чакирилувчиларни ҳарбий касб-корларга тайинлашда уларнинг тажрибаси, қобилияти, қизиқишилари ва шахсий имкониятларини ҳисобга олиши қай даражада асосли бўлганлигини назорат қилиш;

фуқароларнинг ноҳия (шаҳар) чакирув комиссияларининг хатти-ҳаракатлари устидан қилган шикоятларини қараб чиқиш вазифалари юклатилади.

Муддатли ҳарбий хизматга чакирилганларни, шунингдек ноҳия (шаҳар) чакирув комиссияларининг тиббий кўрик натижаларига ҳамда қарорига норозилигини баён этган шахсларни ҳарбий қиёмларга жўнатишдан аввал назорат тарзида тиббий кўрикдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Мудофааа вазирлигининг ҳарбий врачлар комиссиялари амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чакирув комиссиялари ноҳия (шаҳар) чакирув комиссияларининг қарорларини кўриб чиқиш ва бекор қилиш ҳуқуқига эгалар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар чакирув комиссиясининг қарорлари устидан давлат бошқаруви идоралари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш учун белгиланган тартибда халқ судига шикоят қилиши мумкин.

2. Ҳарбий хизматга чақирилаётган барча фуқаролар Үзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ва Үзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган Үзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ мутахассис врачларнинг тиббий кўригидан ўтишлари шарт.

3. Чақирилувчини тиббий кўрикдан ўтказиш натижаларига, унинг маънавий ва касбий хислатларини ўрганишга, шунингдек оила аъзоларининг моддий ва ижтимоий аҳволини ўрганиб чиқиш натижаларига мувофиқ ноҳия (шаҳар) чақирув комиссияси:

ҳарбий хизматга яроқлилиги ва қўшин турини белгилаган ҳолда ҳарбий хизматга чақириш тўғрисидаги;

муқобил хизматга яроқлилиги ва муқобил хизматга чақириш тўғрисидаги;

саломатлигига кўра ҳарбий хизматга вақтинча яроқлизилиги тўғрисидаги;

ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларига асосан муддатли хизматга чақиришни кечикитириш ёки чақиришдан озод қилиш тўғрисидаги;

саломатлигига кўра тинчлик вақтида ҳарбий хизматга яроқлизилиги, уруш вақтида чекланган равишда яроқлилиги ва заҳирага ўтказиш тўғрисидаги;

ҳарбий рўйхатдан чиқарган ҳолда ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиш тўғрисидаги қарорлардан бирини қабул қиласиди.

17-модда. Чақириш муддатини кечикитириш

1. Муддатли ҳарбий хизматга чақириш муддатини узайтириш;

фуқароларнинг оилавий шароити, саломатлигининг ёмонлашганлиги муносабати билан ўқиши давом эттиришлари учун ноҳия (шаҳар) чақирув комиссиясининг қарорига биноан амалга оширилади.

Кўйндаги чақирилувчиларнинг чақириш муддати оилавий шароитга кўра узайтирилади, чунончи:

а) чақирилувчининг отаси ва онаси ёки улардан бирни меҳнатга қобилиятсиз бўлиб, улар билан бирга ёки айрим ҳолда истиқомат қилишдан қатъи назар, ўзларини боқини шарт бўлган бошқа меҳнатга қобилиятли ўғли бўлмаса. Ота-оналарнинг меҳнатга қобилиятсизлиги амалдаги қонунларга мувофиқ аниқланади;

б) чақирилувчининг меҳнатга қобилиятли онаси ёлғиз бўлиб, унинг 16 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи бўлса-ю, истиқомат жойидан қатъи назар, амалдаги қонунларга мувофиқ онасига моддий ёрдам кўрсатиши шарт бўлган меҳнатга қобилиятли бошқа болалари бўлмаса;

в) чақирилувчининг бир фарзанди бўлиб, уни ёлғиз ўзи тарбиялаётган бўлса;

г) чақирилувчининг икки ва ундан ортиқ фарзанди бўлса, ёки хотини I ёки II гуруҳ ногирони бўлса.

Ота-онасининг вафот этганилиги, уларнинг узоқ муддат бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра чақирилувчини камида беш йил давомида ўз қарамогида сақлаётган шахслар унинг ота-онасига тенг шахслар ҳисобланадилар.

Ўрта умумий таълим, ҳунар техника билим юртлари, кундузги диний ўрта ўқув юртларида таҳсил кўраётган чақирилувчиларнинг чақириш муддати — тўлиқ умумий таълим олгуналарига қадар, лекин кўпи билан 21 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган студентларга ҳамда кундузги диний олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган фуқароларга чақириш муддати — ўқув юртини битиргунларига қадар таълим олишни давом эттиришлари максадида узайтирилади.

Ўқув юртларидан интизомсизлиги, ўқишида улгурмаслиги ва ўқишини хоҳламаслиги сабабли ҳайдаб юборилган шахслар чақирилиш муддатини узайтириш ҳуқуқидан маҳрум бўладилар.

2. Табиий оғат рўй берган жойлардан кўчирилган чақирилувчиларнинг чақириш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан кўчирилган вақтдан бошлаб кўпи билан 2 йилга кечиктирилади.

3. Чакирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган чақирилувчилар, шунингдек чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган чақирилишдан озод бўлиш асослари бўлмаган шахслар ва турли сабабларга кўра муддатли хизматга чақирилмаганлар қўшинларга жўнатиш кунигача 27 ёшга тўлгунга қадар навбатдаги чақириш амалга оширилаётганда чақириладилар.

18-м о д д а. Муддати ҳарбий хизматга чақиришдан озод этиш

Тинчлик вақтида:

тинчлик вақтида саломатлиги ёмонлашганлиги учун ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган;

27 ёшга тўлгунига қадар муддатли ҳарбий хизматга ёки муқобил хизматга чақирилмаган;

рўйхатдан ўтказилган диний идораларнинг бирида диний рутбага эга бўлган;

туғишиган ака-укаларидан бири муддатли ҳарбий хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ёки ўлган чақирилувчилик муддатли ҳарбий хизматга чақирилишдан озод этиладилар.

19- м о д д а. Заҳирадаги офицерларни ҳарбий хизматга чақириш

Муддатли хизматни ўтамаган 40 ёшгача бўлган ва (17-моддага биноан) чақирилиш муддатини кечиктириш асосларига эга бўлмаган офицерлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғига биноан тинчлик вақтида 18 ой давомида офицерлар таркибига кирувчи лавозимларда ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилишлари мумкин.

Кейинчалик эса офицер ихтиёрий равишда ҳарбий хизматни ўташи мумкин. Бунда олий ва Ўрта маҳсус ўқув юртида таълим олиш даври ва ҳарбий рўйхатдаги ихтисосликка мос келадиган узлуксиз иш стажи ҳарбий хизмат муддатига қўшилади.

20-м о д д а. Битимга биноан ҳарбий хизматга (кириш) қабул қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилади)

1. Ҳарбий хизматнинг талабларига жавоб берувчи қўйидаги фуқаролар, чунончи:

чақирувга биноан камида бир йил оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибида хизматни ўтаган ҳамда ихтисоси бўйича тегишли ҳунар бўйича тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар битимга биноан аскарлик ва сержантлик лавозимидағи ҳарбий хизматга;

19 ёшдан 30 ёшгача бўлган оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибидаги лавозимларда хотин-қизлар бажарадиган ҳарбий хизматга;

муддатли хизматни ўтаб бўлган оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар—30 ёшга тўлгунга қадар, шунингдек 19 ёшдан 40 ёшгача бўлган олий ва ўрта маҳсус маълумотли, тегишли ихтинос тайёргарлигинга эга хотин-қизлар — прапорщиклар лавозимидағи ҳарбий хизматга;

17 ёшдан 21 ёшгача бўлган фуқаролар, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили 17 ёшга тўлган фуқаролар, шунингдек офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга эга бўлмаган 18 ёшдан 23 ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар — ҳарбий ўқув юртларининг курсантлари лавозимидағи ҳарбий хизматга;

заҳираадаги офицерлар ва офицерлар таркибига кирувчи унвонлар берилган 40 ёшгача бўлган хотин-қизлар — офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда қабул қилинадилар.

2. Ҳарбий хизматга қабул қилинаётган фуқаролар мажбурий тиббий кўрикдан ўтадилар.

21-м о д д а. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақирилганлиги ёки қабул қилинганлиги муносабати билан моддий таъминлаш

1 Ҳарбий хизматга чақирилган ёки қабул қилинган фуқароларга иш жойидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ ишдан бўшаганлик нафақалари тўланади.

2. Фуқаролар ҳарбий рўйхатдан ўтиш, ҳарбий хизматга чақирилиш ёки кириш билан боғлиқ вазифаларни бажаришлари учун кетадиган зарур вақт давомида ишдан (ўқищдан) озод этилиб, уларнинг доимий иш (ўқиши) жойидаги ўртacha иш ҳақи (ўқиши пули) сақлаб қолинади.

3. Ҳарбий ўқув юртларига кираётган фуқаролар ўқув юртига бориш ва у ердан қайтиш, кириш имтиҳонлари ни топшириш учун кетадиган зарур вақт давомида ишдан озод этилиб, доимий иш жойидаги лавозими ва ўртacha иш ҳақи сақланиб қолади.

4. Мудофаа ишлари идоралари томонидан диспансер ёки стационар текширувга юборилган фуқароларнинг тиббий текширувда бўлган бутун давр учун иш жойи ва эгаллаб турган лавозими, ўртача иш ҳақи сақланиб қолади, текширув жойига бориш ҳамда у ердан қайтишга кетгани харажатларини иш (ўқиш) жойида қопланади. Фуқаро стационар даволанишга юборилганида унга иш жойидан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда меҳнат қобилиятини вақтингчалик йўқотганлик нафақаси тўланади.

IV боб. Ҳарбий хизматни ўташ

22-модда. Ҳарбий хизматни ўташ тартиби, ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси

1. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби ушбу Қонун, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низом билан белгилаб берилади.

2. Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси:

а) хизматни битимга биноан ўтаётган аскарлар, денгизчилар, сержантлар ва старшиналар учун — 45 ёшгacha;

б) оддий аскарлар, сержантлар ва старшиналар таркибидаги лавозимларда хизмат қилаётган хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун, шунингдек прaporшчиклар ва мичманлар учун — 45 ёшгacha;

в) кичик офицерлар учун — 43 ёшгacha;

г) катта офицерлар учун — 45 ёшгacha, полковниклар (1 даражадаги капитанлар) учун — 50 ёшгacha;

д) олий офицерлар учун: генерал-майор, генерал-лейненат ҳарбий унвонидагиларга — 55 ёшгacha, генерал полковник ҳарбий унвонидагиларга — 60 ёшгacha, армия генералларига — 65 ёшгacha қилиб белгиланади.

Илмий даражада ва илмий унвонга эга бўлган офицерларнинг, шунингдек юксак касб маҳоратига, эгаллаб турган лавозимида амалий иш тажрибасига эга бўлган саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли офицерларнинг хизмат муддати Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томонидан беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири хизматни битимга биноан ўтаётган аскарлар, денгизчилар, сержантлар

жантлар ва старшиналарнинг, шунингдек прaporшчик ва мичман лавозимидағи ҳарбий хизматчиларнинг, шу жумладан хотин-қиз ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасини беш йилгача узайтириш мумкин.

Ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегарасига етган ҳарбий хизматчилар «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомда белгиланган тартибда заҳирага бўшатилишлари лозим.

23-модда. Ҳарбий хизмат муддатлари

Ҳарбий хизмат муддатлари календарь ҳисобда:

а) аскар, сержант ва старшинадар учун: хизматни чақиравга биноан ўтаётганларга — 18 ой (олий маълумотли шахслар учун — 12 ой), биринчи битимга биноан ўтаётганларга 3 йил;

б) аскар, сержант лавозимларидағи хотин-қизлар учун—биринчи битимга биноан камидан 3 йил;

в) прaporшчиклар учун—биринчи битимга биноан камидан 5 йил;

г) ҳарбий хизматга заҳирадан чақирилган офицерлар учун 12 ой, ҳарбий хизматга ихтиёрий равишда келганлар учун—камидан уч йил қилиб белгиланади. Ушбу моддада белгиланган ҳарбий хизмат муддати тугаганидан сўнг бу хизмат офицерларининг истагига кўра давом эттирилиши мумкин.

24-модда. Ҳарбий хизматнинг бошланиши ва тугаши

1. Чақирилувчилар ва заҳирадан чақирилган офицерлар учун — ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари идораларига келган кун;

хотин-қиз ҳарбий хизматчилар учун — мудофаа ишлари идораларининг кўрсатмасига мувофиқ хизмат жойига жўнаб қетилган кун;

ҳарбий хизматга мажбур бўлган чақирилувчилар учун ҳарбий ўқув юртларига ўқишига қабул қилинган кун ҳарбий хизматнинг бошланиши ҳисобланади.

2. Ҳарбий қисм командиригининг бўйруғига биноан ҳарбий хизматдан бўшатилиши, истеъфога чиқиши мусносабати билан шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган кун—ҳарбий хизматчи учун ҳарбий хизматнинг тугаши ҳисобланади.

25-м о д д а. Ҳарбий ўқув юртлари курсантлари ва тингловчиларнинг ҳарбий хизмати

1. Ҳарбий ўқув юртларида таълим олаётган фуқаролар курсантларнинг ва (tinglovchilarning) ҳарбий хизматида бўлиб, башарти, улар офицерлар таркибига кирувчи унвонга эга бўлмасалар—курсантлар деб, агар бундай унвонларга эга бўлсалар — тингловчилар деб аталадилар.

2. Ҳарбий ўқув юртига киргунга қадар ҳарбий унвонга эга бўлмаган фуқароларга ўқишига қабул қилиниш чоғида «оддий аскар» ҳарбий унвони берилади. Ҳарбий ўқув юртига киргунга қадар берилган бошқа ҳарбий унвонлар сақлаб қолинади.

Курсантларнинг ҳарбий хизматни ўташига доир ма-
салалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун-
лари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири томо-
нидан тасдиқланадиган «Мудофаа вазирлигига қарашли
оддий ҳарбий ўқув юртлари тўғрисида»ги Низом ҳамда
Ўзбекистон Республикасининг Куролли Кучлари умум-
кўшин уставларида белгилаб берилади.

Курсантлар амалдаги қонунларда назарда тутилган
хуқуқлар, имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланади-
лар ҳамда вазифаларни бажарадилар.

3. Ҳарбий ўқув юртидан чиқарилган курсантлар за-
ҳирага бўшатиладилар ёки агар, муддатли ҳарбий хиз-
мат муддатини ўтамаган бўлсалар, ҳарбий хизматни да-
вом эттириш учун ҳарбий қисмларга юбориладилар.

26-м о д д а. Ҳарбий хизматдан бўшатиш

1. Ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизматдан:

а) башарти, ҳарбий хизматчилар заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етмаган бўлсалар, саломатликларига кўра уруш ёки тинчлик вақтида ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлсалар — заҳирага;

б) башарти, ҳарбий хизматчилар заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган бўлсалар ёки ҳарбий-врачлар комиссияси томонидан саломатлигига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз деб топилсалар — ҳарбийлар рўй-
хатидан чиқарилган ҳолда истеъфога;

в) башарти, ҳарбий хизматчилар белгиланган ёш чегарасига етишларига беш йил ва ундан кам муҳлат қолса-ю, узоқ йил хизмат қилганлик учун пенсия олиш ҳу-
қуқига эга бўлсалар — ёшга кўра;

г) ҳарбий-врачлар комиссиясининг ҳарбий хизматга яроқсизликка доир қарорига асосан саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли;

д) штатларнинг қисқартирилиши, хизматда фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда ташкилий тадбирлар муносабати билан;

е) хизматга номувофиқлиги туфайли;

ж) маҳкум этилганлиги муносабати билан бушатиладилар.

V боб. Заҳирадаги хизмат

27-м о д д а. Заҳирадагилар рўйхатига олиш Заҳира тоифалари

1. Ҳарбий хизматдан бўшатилган, шунингдек муддатли ҳарбий хизматга чақиришдан озод этилган фуқаролар (саломатлигининг ёмонлашганлиги туфайли ҳарбий ҳисобидан чиқарилганлардан ташқари) заҳирадагилар рўйхатига олинадилар.

2. Заҳира биринчи ва иккинчи тоифаларга бўлинади.

Ҳарбий хизматда камида 18 ой хизмат қилиб, шу давр ичida ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахасисликни эгаллаган ҳарбий хизматга мажбурлар биринчи тоифадаги заҳирага кирадилар.

12 ой дан кам ҳарбий хизмат қилган ёки ҳарбий хизматга чақирилмаган ҳарбий хизматчилар иккинчи тоифадаги заҳирага кирадилар.

Иккинчи тоифадаги заҳирага кирадиган ҳарбий хизматга мажбурлар ўқув машқлари йиғинида ҳарбий ихтисослар рўйхатига кирадиган мутахасисликни ёки тегишли фуқаролик касбини эгаллаганлари тақдирда биринчи тоифадаги заҳирага ўтказиладилар.

Ҳарбийлар рўйхатига олинган хотин-қизлар иккинчи тоифадаги заҳирада бўладилар.

3. Заҳирага ўтказилган шахслар вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтишга юборилишлари мумкин. Бунда ҳарбий хизматни ўтамаган ҳолда саломатлигига кўра заҳирага ўтказилган ҳарбий хизматчилар 27 ёшга тўлгунга қадар ҳарбий хизматга яроқли деб топилсалар, чақирилувчиларнинг рўйхатига қайта киритилиб, улар умумий асосларда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишлари лозим.

28-м о д д а. Заҳирада бўлиш ёшининг чегараси. Заҳира даражалари

1. Заҳирадаги ҳарбий хизматга мажбурлар ёшига қараб уч даражага бўлинади. Учинчи даражада заҳира бўлиш ёшининг чегараси умуман заҳира бўлиш ёшининг чегараси ҳисобланади.

2. Аскарлар, сержантлар ва старшиналар, прaporшчиклар ва мичманларнинг заҳира бўлиш ёшининг чегараси қўйидагичадир:

биринчи даражадагилар учун — 35 ёшгача;

инкинчи даражадагилар учун — 45 ёшгача;

учинчи даражадагилар учун — 50 ёшгача.

3. Офицерлар таркибидан бўлган шахслар заҳира даражадаги энг юқори ёшгача бўладилар:

Ҳарбий унвонлар	Ёш чегараси		
	1-даражадаги заҳира	2-даражадаги заҳира	3-даражадаги заҳира
Кичик офицерлар	45	50	55
Катта офицерлар	50	55	60
Олий офицерлар	55	60	65

4. Ҳарбий хизматга мажбур хотин-қизлар, ўзларига берилган ҳарбий унвондан қатъи назар, учинчи даражадаги заҳира бўладилар. Уларнинг заҳира бўлиш ёшининг чегараси қўйидагича белгиланади:

офицерлар таркибига кирувчи шахслар учун — 50 ёш;
бошқа ҳарбий хизматга мажбур хотин-қизлар учун — 40 ёш.

29-м о д д а. Йиғинларда қатнашиш

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар заҳира бўлиш вақтида: ўқув (синов) машқларига ва маҳсус машқларга чақириладилар.

Йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат шарт-шароитларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ

ва мажбуриятлари ушбу Қонун ва «Ҳарбий хизматчи-
ларнинг мақоми, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя-
си тўғрисида»ги Қонун билан белгиланади.

2. Офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонларга
эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар заҳирада бў-
лиш вақтларида йиғинларга қўйидаги муддатларга ча-
қириладилар:

Даража	Ўқув машқлари йигини муддатлари
Биринчи даража	ҳар бири бир ой муддатли ик- кита йиғинга
Иккинчи даража	ҳар бири бир ой муддатли ик- кита йиғинга
Учинчи даража	бир ой ўқув машқлари йигини

Заҳирадаги офицерлар таркибига кирувчи шахслар
заҳирада бўлиш вақтларида қўйидаги муддатларга ўқув
йиғинларига чақирилишлари мумкин:

Даража	Ўқув машқлари йигини муддати
1 даража	уч йил давомида—бир ойгача муддатга
2 даража	ҳар бири бир ой муддатли ик- кита йиғинга
3 даража	бир марта бир ойлик йиғинга

3. Ҳарбий мажбурларнинг йиғинларини ўтказиш муд-
дати ва вақти ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Респу-
бликаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланади.

4. Ҳарбий хизматга мажбурлар йиғинлар оралиғида-
ги даврда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-
маси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикаси Мудо-
фаа вазирлигининг режасига биноан 10 кунлик муҳлат-
га синов йиғинга жалб этилишлари мумкин.

5. Заҳирада бўлиш вақтида жами йиғинларнинг уму-
мий вақти 4 ойдан ошмаслиги керак. Бунда ҳарбий ун-

вон олиш учун тайёргарлик йиғинида бўлиш вақти ҳам заҳирадаги офицерларнинг йиғинларда иштирок этиши умумий муддатига қўшилади.

6. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг қарорига биноан ҳарбий хизматга мажбурлар Ўзбекистон Республикасининг тинч ҳаёт фаолиятига таҳдид солиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини тугатиш учун 2 ойгача муддатга маҳсус йиғинларга чақирилишлари мумкин.

7. Йиғинларга чақирилган ҳарбий хизматга мажбуrlар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда ва миқдорларда нақд пул билан таъминланадилар. Йиғинда бўлишнинг бутун даврида, шу жумладан йиғин ўтказиладиган жойга бориш ва у ердан орқага қайтиш учун кетадиган вақт давомида уларнинг эгаллаб турган лавозимлари (ишлиари) сақлаб турилади ва уларга иш ҳақи тўланади.

Уқтириб ўтилган шахслар йиғинга бориш тўғрисидағи чақириқ қофозини олган кундан бошлаб то йиғиндан қайтгунга қадар ишдан бўшатилиши мумкин эмас, корхона, муассаса ва ташкилот тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустаснодир. Бундай ҳолларда ҳарбий хизматга мажбуrlарга таалукли иш ҳақи ёки бошқа моддий тўловлар тугатилган корхона, муассаса ёки ташкилот ёхуд уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан тўланади.

Шахсий секторда ишлаётган ҳарбий хизматга мажбуrlарни йиғинларга чақириш тартиби, шунингдек улар йўқлигида ишлаб чиқаришга етказилган зарар учун тонон тўлаш йўл-йўриқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

Башарти, ҳарбий хизматга мажбур шахс йиғин вақтида бетоб бўлиб қолса ва йиғинлар тугаганидан кейин ҳам бетоб бўлса, унинг иш жойи ва лавозими сақланади, йиғин тугаган кундан бошлаб эса—унга иш ҳақи ўрнига амалдаги қонунларга мувофиқ меҳнат қобилиятини вақтинчалик йўқотганлик нафақаси тўланади.

30-модда. Ўқув машқлари йиғинида иштирок этишдан озод қилиш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича бронлаб қўйилган ҳарбий хизматга мажбуrlар ўқув машқлари йиғинида қатнашишдан озод қилинадилар.

31-м о д д а . Заҳирадаги ҳарбий унвонларни бериш

Ўқув машқлари йифинида иштирок этиб, таълим дастури бўйича синовларни муваффақиятли топширган ҳарбий хизматга мажбуурларга «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи тўғрисида»ги Низомда белгиланадиган тартибда заҳирадаги подполковник унвонигача (подполковник унвони ҳам шунга киради) навбатдаги ҳарбий унвонлар берилиши мумкин.

32-м о д д а . Ҳарбий хизматга мажбуурларни истеъфодагилар ҳисобига ўтказиш

Заҳирада бўлиш ёшининг чегарасига етган, шунингдек ҳарбий-врачлар комиссияси ҳарбий хизматга яроқсиз деб топган ҳарбий хизматга мажбуурлар ҳарбий рўйхатидан чиқарилиб, истеъфодагилар ҳисобига ўтказиладилар.

VI боб. Ҳарбий хизматга мажбуурлар ва чақирилувчиларнинг ҳарбий рўйхатга киритилиши

33-м о д д а . Ҳарбий рўйхатга киритишнинг умумий қондалари

Ҳарбий хизматга мажбуурлар ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхатга киритилишлари лозим. Ҳарбий хизматга мажбуурлар ва чақирилувчиларни ҳарбий рўйхатга киритиш давлатнинг мавжуд бўлган ва ҳарбий хизматга яроқли чақирилувчиларининг ҳисобини олиш ва таҳлил этиш умумдавлат тизими ҳисобланадп. Ҳисобга олиш тизимиning амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоят, ноҳия ва шаҳар ҳокимликлари томонидан таъминланади.

Ҳарбий хизматга мажбуурларнинг ва чақирилувчиларнинг барчасини ҳарбий рўйхатга киритиш ишлари уларнинг турар жойларида ўтказилиб, умумий, маҳсус, шахсий-сифат кўрсаткичи ва шахсий бошланғич рўйхатга бўлинади.

34-м о д д а . Умумий ва маҳсус рўйхат

Умумий ҳарбий ҳисобда чақирилувчилар, шунингдек, сафарбар этиш даврида ва уруш вақтида халқ хўжали-

ги учун бронлаштириб қўйилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар бўладилар.

Сафарбар этиш даври ва уруш вақтида ҳалқ ҳўжалиги учун бронлаштириб қўйиладиган ҳарбий мажбурлар ҳарбийларнинг маҳсус рўйхатида бўладилар.

35-м одда. Шахсий-сифат кўрсаткичи рўйхати ва шахсий-бошлангич рўйхат

Ҳарбии хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг шахсий-сифат кўрсаткичи рўйхатини юритиш нохия (шаҳар) мудофаа ишлари идораларига юклатилади.

Мудофаа ишлари идоралари йўқ бўлган қишлоқ жойларида, шаҳарлар ва посёлкаларда ҳарбий хизматга мажбурлар ҳамда чақирилувчиларнинг шахсий-бошлангич рўйхтини юритиш ишлари тегишли ҳокимликлар томонидан амалга оширилади.

Ишловчи ёки таълим олаётган ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни помма-ном рўйхатга олиш қайси идорага бўйсуниш, мулкчилик шакли ва ҳўжалик юритиш шарт-шаронтларидан қатъи назар корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртлари томонидан амалга оширилади.

36-м одда. Ҳарбий рўйхатга киритиш ва ундан чиқариш

1. Ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақириув бўйича хизмат қилиб заҳирага бўшатилган шахслар ҳарбий рўйхатда расмийлаштирилиш учун турар жойларга қайтиб келганларидан кейин З кунлик муддат ичida мудофаа ишлари тегишли идораларида ҳозир бўлишлари шарт.

2. Турар жойи бир ярим ойдан кўпроқ муддатга ўзгаргани, уч ойдан кўпроқ муддатга хизмат сафари, ўқиши, таътил ёки даволанишга боргани тақдирда ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар турар жойларидаги ҳарбий рўйхатдан чиқишлари, янги турар жойга (доимий ёки вақтинчалик) келганларидан сўнг ўн кунлик муддат ичida ҳарбий рўйхатдан ўтишлари лозим.

Уруш вақтида ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларнинг нохия (шаҳар) мудофааа ишлари бўлими бошлиғининг рухсатисиз доимий пистикомат жойидан бошка жойга кетиши ман этилади.

3. Ушбу модданинг 2-бандида уқтириб ўтилган ҳолларда ҳарбий рўйхатдан чиқиш ва ҳарбий рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш учун ҳарбий хизматга мажбурлар уй-жойдан фойдаланиш идорасига ҳарбий билетларини топширишлари лозим.

Кишлоқ жойига келган ёки у ердан кетаётган ҳарбий хизматчилар ҳарбий рўйхатдан ўтиш ёхуд ҳарбий рўйхатдан чиқишни расмийлаштириш учун ҳарбий рўйхатга доир ҳужжатлари билан тегишли ҳокимликка шахсан келишлари лозим.

Заҳнрадаги офицерлар ҳарбий рўйхатдан чиқиш ёки ҳарбий рўйхатдан ўтишни расмийлаштириш учун ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимида шахсан келишлари лозим.

4. Олис ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи захирадаги офицерларин ҳарбий рўйхатга киритиш ва ҳарбий рўйхатдан чиқаришни расмийлаштириш ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими белгилайдиган тартибда шахсий-бошланғич ҳисобни юритиш вазифаси зиммасига юклатилган тегишли ҳокимликлар амалга оширишлари мумкин.

5. Куйидаги фуқаролар:

а) врачлар комиссияси томонидан ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган фуқаролар ҳарбий рўйхатдан чиқарилган ҳолда;

б) захирада бўлиш ёшининг чегарасига етган фуқаролар;

в) ҳарбий хизматга чақирилган ёки қабул этилган фуқаролар;

г) бошқа доимий истиқомат жойига жўнаб кетган фуқаролар;

д) вафот этган фуқаролар ҳарбий рўйхатдан чиқарилшилари лозим.

**37-м одла. Давлат идоралари, корхоналар,
муассасалар, ташкилотлар, мансабдор
шахслар ва ҳарбий хизматга
мажбурларнинг ҳарбий рўйхат
қоидаларига риоя этиш борасидаги
вазифалари**

1. Шахсий-бошланғич рўйхат юритиш вазифаси юклатилган ҳокимликлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва ўқув юртларининг раҳбарлари мудофаа ишлари идораларининг талабига биноан ҳарбий хизматга

мажбуrlар ва чақирилувчиларни чақирилаётганликлардан воқиф этишлари ҳамда уларнинг чақирув бўйича ўз вақтида ҳозир бўлишларини таъминлашлари шарт.

2. Йчки ишлар идоралари:

ҳарбий рўйхатга доир ҳужжатларда мудофаа ишлари идораларининг ҳарбий рўйхатга олингандик ёки ундан чиқарилганлик тўғрисидаги белгилари бўлган тақдирдагина ҳарбий хизматга мажбуrlар ва чақирилувчиларни турар жойларида рўйхатга олишлари ёки рўйхатдан чиқаришлари;

чақириш ёшига етмаганларни ҳарбий рўйхатга олишда, фуқароларнинг ҳарбий хизматга (йиғинларга) чақирувини ўтказиша, ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчилар ҳарбий рўйхат қоидаларига риоя этишлари устидан назорат қилишда ва ҳарбий рўйхатнинг белгиланган қоидаларини бузувчи ҳарбий хизматга мажburlar ҳамда чақирилувчиларни аниқлашда мудофаа ишлари идораларига ёрдам кўрсатишлари ва кўмиташишлари;

умумий ҳарбий мажбуриятни, шунингдек муқобил хизматни ўташдан бўйин товлаган шахсларни қидирниб топиш, ушлаш ва мудофаа ишлари идораларига етказиб келишини ташкил этишлари шарт.

3. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш идоралари ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчилар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ўзгартирганилиги тўғрисида, фуқаролик ҳолатини қайд ҳужжатларига уларнинг туғилган куни ва жойига ўзгартиришлар киритилганлиги ҳақида, шунингдек ҳарбий хизматга мажбуur ёки чақирилувчilarning вафоти қайд этилган ҳоллар тўғрисида етти кунлик муддат ичида ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилишлари шарт.

4. Суриштирув ва дастлабки тергов идоралари суриштирув ва дастлабки тергов олиб борилаётган ишга дахлдор бўлган чақирилувчилар тўғрисида, судлар эса суд қараб чиқаётган жиноий ишга дахлдор бўлган чақирилувчилар тўғрисида, шунингдек ҳарбий хизматга мажburlar ва чақирилувчilarга дахлдор бўлган қонуний кучга кирган ҳукмлар тўғрисида ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига етти кунлик муддат ичида маълум қилишлари шарт.

Озодликдан маҳрум этилган (шу жумладан шартли маҳкум этилган) ҳарбий хизматга мажburlarning ҳарбий билетлари ва чақирилувchilarning гувоҳномалари

судлар томонидан тегишли мудофаа ишлари бўлимла-
рига юборилади.

5. Врачлардан иборат меҳнат эксперт комиссиялари
қайси гуруҳ ногирони эканлигидан қатъи назар, ногирон
деб топилган барча ҳарбий хизматга мажбурлар ва ча-
кирилувчилар тўғрисида тегишли ноҳия (шаҳар) мудо-
фаа ишлари бўлимларига етти кунлик муддат ичида
маълум қилишлари шарт.

Чақириув ўтказилаётган вақтда даволаш муассасалари
даволаш учун қабул қилинган чақириув ёшидаги барча
фуқароларни уч кунлик муддат ичида тегишли ноҳия
(шаҳар) мудофаа ишлари бўлимларига маълум қилиш-
лари шарт.

6. Уй-жойлардан фойланиш идораларининг раҳбар-
лари ва уй эгалари тегишли мудофаа ишлари бўлими
ва ҳарбий рўйхатни юритиш вазифаси юклатилган ҳо-
кимликнинг талабига биноан ҳарбий хизматга мажбур-
лар ва чақирилувчиларга доир уй дафтарлари, турар
жойда рўйхатдан ўтказишга доир варагалар, ҳарбийлар
рўйхатига доир ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишла-
ри, шунингдек ҳарбий хизматга мажбуrlар ва чақири-
лувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақирилти-
рилганликларидан воқиф этишлари шарт.

7. Оилавий шароитлари, сиҳат-саломатликлари; ту-
пар жойлари, маълумотлари, иш жойлари ва лавозим-
лари ўзгаргани тақдирда ҳарбий хизматга мажбуrlар
ҳамда чақирилувчилар ўзлари ҳарбий рўйхатда турган
жойдаги идорага етти кунлик муддат ичида маълум қи-
лишлари шарт.

VII боб. Сафарбарлик бўйича чақириш ва ҳарбий хизматдан бушатиш тўғрисида

38-м о д д а. Уруш вактида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар

1. Ўзбекистон Республикасига қарши қилиниши эҳти-
мол тутилган ҳарбий ҳужумнинг олдини олиш ва тажо-
вузга қуролли зарба бериш мақсадида умумий ва қис-
ман сафарбарлик эълон қилинганда зарур миқдордаги
ҳарбий хизматга мажбуrlар заҳирадан ҳарбий хизмат-
га уч ойгача муддатга чақирилади. Бу муддат Ўзбекис-
тон Республикасининг Олий Кенгаши томонидан узай-
тирилиши мумкин.

Фуқароларни уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари асосида ўтказилади.

2. Сафарбарлик эълон қилинганида ҳарбий хизматда ва ҳарбий йиғинларда бўлган барча фуқаролар махсус фармойиш берилгунига қадар ушлаб туриладилар, ҳарбий хизматга мажбурлар эса ҳарбий хизматга чақириладилар. Ҳарбий хизматчиларнинг таътиллари тўхтатилади. Ҳарбий хизматга мажбурлар ўзлари ҳарбий рўйхатга олинган жойдаги ноҳия (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимига, ҳарбий хизматчилар эса ўзлари хизмат ўтаётган жойга келишлари шарт. Сафарбарлик эълон қилинганида ноҳия чақириув комиссияларининг чақириув ёшидаги фуқароларни чақириш муддатини кечиктириш ва уларни чақиришдан озод этиш тўғрисидаги қарорлари бекор қилинади. Кейинчалик чақириув муддатини кечиктириш ва чақиришдан озод этиш фақатгина сяломатлигига кўра, махсус рўйхатда турганлигига қараб амалга оширилиши мумкин.

3. Уруш вақтида сафарбарлик эълон қилинганида ва ундан кейинги чақириқларда ҳарбий хизматга 17 ёшдан то ушбу Қонунда белгиланган заҳирада бўлиш ёшидаги ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчилар ҳамда ҳарбий рўйхатда турмаган 18 ёшдан 45 ёшгacha бўлган хотин-қизлар (16 ёшгacha бўлган болалари бор хотин-қизлар бундан мустасно) чақирилишлари мумкин.

4. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар фақатгина мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ўтказилади.

39-м одда. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ҳарбий хизматга чақириш ва ундан кейинги чақириқлар муносабати билан фуқароларни моддий жиҳатдан таъминлаш

1. Уруш вақтида сафарбарлик бўйича ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролар билан иш (хизмат) жойида тўла ҳисоб-китоб қилинади, уларга амалда ишлаган вақтлари учун иш ҳақи, ишдан бўшаганда бериладиган нафақа ва фойдаланилмаган таътил учун товон тўланади.

Уруш вақтида сафарбарлик ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган шахсларнинг эгаллаб турган ўз номларида қолади.

2. Уруш вақтида сафарбарлик ва ундан кейинги чақириқлар бўйича ҳарбий хизматга чақирилган фуқароларнинг оиласарини давлат томонидан таъминлаш (ёрдам кўрсатиш ва пенсия) мавжуд қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

40-модда. Сафарбарликтан бўшатиш

1. Сафарбарликтан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан амалга оширилади.

2. Ҳарбий хизматдан сафарбарликтан сўнг бўшатиляётган ҳарбий хизматчиларга давлат ҳисобидан тўлиқ кийим-кечак ва пойабзал берилади. Бундай ҳарбий хизматчиларни турар жойларига етказиб қўйиш, йўлда озиқ-овқат билан таъминлаш давлат ҳисобидан амалга оширилади.

41-модда. Фуқароларнинг умумий ҳарбий таълими

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва бошқа қўшинлари учун уруш вақтида бутлаш учун талаб қилинадиган миқдордаги хизматчиларни тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан барча фуқаролар учун мажбурий умумий ҳарбий таълим жорий этилади. Бу таълимга:

15 ёшдан 55 ёшгача бўлган — эркаклар;
болалари бўлмаган ёки болалари 8 ёшдан катта бўлган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган — хотин-қизлар жалб этиладилар.

Фуқароларнинг умумий ҳарбий таълими ишлаб чиқаришдан ёки ўқишдан ажралмаган ҳолда, иш, ўқиш ёки турар жойларда амалга оширилади.

2. Умумий ҳарбий таълимни ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилади. Вазирликлар ва идоралар, давлат бошқарувининг бошқа марказий идоралари, ҳокимиятлар, корхона, муассаса ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси олий Кенгashi томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан ташкил этилади.

публикаси Мудофаа вазирлиги билан биргаликда зарур ўқув-моддий базасини яратадилар, ҳарбий таълим раҳбарларининг танловини ва уларни тайёрлашни таъминлайдилар.

3. Умумий ҳарбий таълимни ўтказиш тартиби ва бу таълимдан озод этиладиган шахслар доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

VIII боб. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Конунни бузганлик учун жавобгарлик

42-м о д д а. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Конунни бузганлик учун мансабдор шахслар ва фуқароларнинг жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилиш республика ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий хизматдан бўйин товлаганлари тақдирида амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиладилар.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Конунни бузишда айборд бўлган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

IX боб. Якуний қоидалар

43-м о д д а. Умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш билан боғлиқ чора-тадбирларни молиявий ва моддий таъминлаш

1. Умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ чора-тадбирларни молиявий ҳамда моддий таъминлаш амалдаги қонунларда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, тегишли ҳокимиятлар фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни ҳарбий хизматга чақириш, чақирилгандарни ҳарбий қисмларга жўнатиш учун мудофаа ишлари идораларини қурилмалар, алоқа воситалари, чақириув (йифин) пунктлари, дори-дармонлар, асбоб-ускуналар, тиббиёт ва хўжалик мол-мулки, автомобиль транспорти билан таъминлашлари, шунингдек жамоат тартиби сақланишини таъминлашлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун мутахасисларнинг ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар тайёргарлиги Вазирлар Маҳкамаси республика бюджетдан ажратиб берадиган маблағлар, шунингдек маҳаллий бошқарув идоралари бюджетидан ажратиладиган маблағлар хисобидан пул ва моддий-техника билан таъминланади.

3. Уруш вақтида сафарбарлик ўтказиш режаларини тўлиқ ва сифатли бажариш учун вазрликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар, ўқув юртлари, жамоа хўжаликлари, шўро хўжаликлари, кооперативлар тегишли ҳокимиятларнинг қарорига биноан тинчлик вақтида мудофаа ишлари бўлимлари билан биргаликда ҳарбий хизматга мажбурларни хабардор этиш пунктларини, ҳалқ хўжалиги техникасини тўплаш пунктларини ташкил этадилар, асосий иш жойидаги вазифаларидан озод этмаган ҳолда ана шу пунктларнинг шахсий таркибини бутлайдилар.

4. Чакириув ёшига етмаганларни ҳарбий рўйхатга олиш ва фуқароларни ҳарбий хизматга ёки йифинларга чақириш, фуқароларни тиббий кўрикдан ва такрорий кўрикдан ўтказиш, шунингдек чақирилганларни ҳарбий хизматта яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлаш вазифаларини бажаришга жалб этилган мудофаа ишлари идоралари ҳузуридаги чақириш ёшига етмаганларни чақириш участкаларида қайд этиш комиссиялари аъзоларининг, чақириув комиссиялари ва врачлар комиссиялари аъзоларининг, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг, ёрдамчи ходимлар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг иш жойи, лавозими ва ўртacha иш ҳақи юқорида уқтириб ўтилган ишлар бажарилишининг бутун даврида сақлаб қолинади.

Уқтириб ўтилган комиссиялардаги ишга жалб этилган тиббиёт ходимларини сақлашга кетадиган ҳаражатлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Башарти, юқорида уқтириб ўтилган шахслар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни доимий истиқомат жойларидан ташқаридан бажарсалар, уларнинг истиқомат жойларидан иш жойларига бориш ва орқага қайтиш, уй-жойни ижарага олиш билан боғлиқ харажатлари мудофаа ишлари идораларининг тақдимига кўра тегишли ҳокимиятлар томонидан қопланади, уларга хизмат сафарлари учун белгиланган маъёrlар бўйича суткалик ҳақ тўланади.

44-модда. Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ваколатлари

Қуролли Кучларга, Миллий хавфсизлик хизматининг чегара қўшинларига, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинларига ва республиканинг бошқа ҳарбий тузилмаларига чақириш ва улар сафидан бўшатиш Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ушбу қонуннинг 6, 19 ва 26-моддаларида назарда тутилган Узбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг хукуқлари тегишинча Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Миллий хавфсизлик хизмати Раисига ҳам берилади.

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ҳарбий мажбуриятларни бажариш ва ҳарбий хизматни ўташ тартибига доир чиқарадиган меъёрий ҳужжатлари ушбу Қонуннинг талабларига зид бўлмаслиги керак.

Узбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ
ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА ҚИРИТИШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси

Олий Кенгашининг

1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг
Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 402-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қилиади:

1. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган дақиқадан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат түғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси «а» банди Ўзбекистон Республикасидан ушбу Қонун қабул қилингунга қадар муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларга ҳам тааллуқли бўлади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси шу йилнинг 15 сентябрига қадар «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташи түғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги иккى ой муддат ичида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрик түғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТҮГРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 йил, 11-сон, 434-модда)

1-м о д д а. Муқобил хизмат тушунчаси

Муқобил хизмат — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўтайдиган давлат хизматининг алоҳида туридир. Бу хизмат фуқаронинг корхоналардаги, муассасалардаги, халқ хўжалиги ташкилотларидағи, юқори малака талаб этилмайдиган (ёрдамчи) ишларни ёки ўз малакасинга мос ишларни, шу жумладан фалокат, фожна, табишиофат ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этишга онд ишларни бажариш билан боғлиkdir. Муқобил хизмат фуқароларни ҳарбий ишга ўргатишни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун заҳирадаги жангчилар тайёрлашни кўзда тутиди.

2-м о д д а. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар

Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонундан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларидан иборатdir.

Муқобил хизматни ўташ тартиби ушбу Қонун билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби тўғрисидаги Низом билан белгиланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар меҳнат ҳуқуқларини ва вазифаларини амалга ошириш чоғида юзага келувчи муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунлари билан тартибга солинади.

3-м о д д а. Муқобил хизматни ўташ ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 27 ёшгacha бўлган, ҳарбий ҳисобда турадиган, муддатли ҳарбий

хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролари, башарти улар:

хизматга чақирилаётган шахсдан ташқари 16 ёшга тўлмаган тўрт ва ундан ортиқ болали оиласдан бўлсалар;

ҳарбий хизматни ўташ даврида ногирон бўлиб қолган ота-онаси ёки ака-ука (опа-сингил) лари бўлса;

диний таълимоти қурол иштатишга ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг аъзоси бўлсалар, муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўладилар.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муқобил хизматни ўташ ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг ўзга тоифаларини ҳам белгилаши мумкин.

Муқобил хизматни ўтаётган шахслар муқобил хизмат хизматчилари деб аталадилар.

4-модда. Муқобил хизмат муддати

Муқобил хизмат муддати 24 ой, олий маълумотли фуқаролар учун эса 18 ойдир.

5-модда. Муқобил хизмат ўталадиган жой

Узбекистон Республикасининг фуқаролари муқобил хизматни Узбекистон Республикаси корхоналари, муассалари, халқ хўжалиги ташкилотларида ўтайдилар. Муқобил хизмат ўталадиган вазирликларнинг, идораларнинг, шундай хизмат қўлланадиган соҳаларнинг ҳамда бажариладиган иш турларининг рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Чақиравчилар муқобил хизматни ўташи мумкин бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари тасдиқлайди.

6-модда. Муқобил хизмат хизматчиларини ўқитиши

Муқобил хизмат хизматчилари ишчи ихтисосини ўрганиши учун халқ таълими тизими, тармоқ вазирликлари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ўқув юртларига юборилиши мумкин.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган

дастурлар асосида ҳарбий тайёргарлик йигинларига (машғулотларига) чақириладилар, шу йигинлар (машғулотлар) вақтида ҳарбий ҳисобдаги ихтисосни әгаллайдилар.

Муқобил хизмат хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда Ҳарбий қасамёд қиласылар.

Муқобил хизматдан бўшатилган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳираси ҳисобига киритиладилар.

7-м о д д а. Муқобил хизматга раҳбарликни амалга оширувчи идоралар

Ўзбекистон Республикасида муқобил хизматга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Муқобил хизмат бошқармаси амалга оширади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳрида муқобил хизмат тузилмаларига раҳбарликни мудофаа ишлари бўйича тегишли бошқармалар ҳузуридаги муқобил хизмат бўлимлари амалга оширадилар.

Айрим ноҳияларда (шаҳарларда) мудофаа ишлари бўйича тегишли бўлимлар қошида муқобил хизмат бўлинмалари (гуруҳлари) тузилиши мумкин.

8-м о д д а. Вазирликлар, идоралар, концернларнинг мажбурияти

Тасаррүфларидаги корхоналарда, ташкилотларда, мусассасаларда муқобил хизмат хизматчиларидан фойдаланаётган вазирликлар, идоралар, концернлар уларни жойлаштириш, ўқитиш-ўргатиш учун, иш жойларида меҳнатни мухофаза қилиш, хавфсизлик қоидалари талабларини бажаришлари, барча турдаги тиббий ёрдам, имтиёзлар, товон пули, устама ҳақ ва ёрдам пули, шу жумладан иш қобиلىятини вақтинча йўқотганлик сабабли ёрдам пули олишлари учун керакли шароит яратиб беришлари шарт.

9-м о д д а. Муқобил хизмат давлат идораларининг фаолият кўрсатишини таъмин этишга мўлжалланган маблағ

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларга иш ҳақининг 80 фонизи тўланади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинаётган пуллар муқобил хизмат бошқарув идораларининг ҳисобига ўтказилади. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳам муқобил хизмат идораларининг таъминоти учун ҳамда муқобил хизмат шахсий таркибиға ишчи касбларни ўргатиш учун муқобил хизмат идораларининг ҳисобига тегишли шартномаларда белгиланган ҳажмларда пул ўтказадилар.

10-модда. Муқобил хизматга чақириш

Фуқароларни муқобил хизматга чақириш муддатли хизматга чақирилаётганлар учун белгиланган тартибда амалга оширилади, бу ишни ташкил этиш ва ўтказиш вазифаси эса нохия (шаҳар) чақирув комиссиялари ва ҳокимиятлари зиммасиңга юкланади.

11-модда. Корхона, муассаса ва ташкилот маъмуриятининг мажбуриятлари

Корхона, муассаса ва ташкилотнинг маъмурияти: фуқаро муқобил хизматни ўташдан бош тортган ҳоллар тўғрисида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг тугатилиши, иш ўринлари ва ходимлар миқдори қисқартирилиши ҳақида камида икки ой олдин муқобил хизмат бошқарув идораларини хабардор қилиши:

муқобил хизматни ўтаётган фуқарога, у ҳалок бўлган ҳолларда эса, унинг оиласига, ишлаб чиқариш фалокати оқибатида, улар хизмат (мехнат) вазифасини бажараётган чоғда меҳнатни мухофаза қилиш ҳамда хавфсизлик қоидалари талабларининг бажарилишини таъмин этмаганлик оқибатида унинг саломатлигига етказилган зарар учун бир марта бериладиган нафақа ҳамда товоғ пули тўлаши шарт.

12-модда. Муқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро: хизмат ва иш жойидаги тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдамнинг барча турларидан фойдаланиш;

иш жойида барча нафақалар, устама ҳақлар ва ёрдамлар, шу жумладан меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик учун нафақалар олиш;

хизматга чақирилгунга қадар ўзи ишлаган ёки ўқи-
ган корхонага, муассасага, ташкилотга аввалги ишига
ёки аввалгисига тенг лавозимга, шунингдек ўқув юртига
қайтиш;

бошқа хизмат жойига ўтказиш, мүқобил хизматдан
муддатидан аввал бўшашга оид масалалар бўйича, бош-
қа мазмундаги аризалар, шикоятлар ва таклифлар би-
лан мүқобил хизмат бошқаруви давлат идораларига му-
рожаат этиш ҳуқуқига эга.

13-м о д д а. Мүқобил хизматни ўтаётган фуқароларнинг мажбуриятлари

Мүқобил хизматни ўтаётган фуқаро:

хизматни белгиланган жойда, мүқобил хизмат тузил-
малари таркибида ўташи;

ушбу Қонунда, ҳарбий низомларда белгиланган та-
лабларни, шунингдек иш жойида амал қилиб турган ич-
ки меҳнат тартиб-қоидаларини сўсиз бажариши;

ҳарбий билимларни сабот билан эгаллаши, ишлаб
чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб
бажариши шарт.

Мүқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳалокат, фа-
локат ва табиий оғатларнинг оқибатларини бартараф
этиш учун жалб этилган тақдирда, улар юзага келган
вазиятдан келиб чиқадиган ҳамда ана шу оқибатларни
бартараф этиш юзасидан комиссия ёки штабларнинг
жойлардаги раҳбарлари белгилайдиган маҳсус вазифа-
ларни бажарадилар.

Мүқобил хизматни ўтаётган фуқаролар:

раҳбарлик ва сайлаб қўйиладиган лавозимларни
эгаллаш;

хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

олий ва ўрта маҳсус билим юртларига ўқишга ки-
риш;

тегишли мансабдор шахснинг рухсати бўлмагани ҳол-
да хизмат жойидан ва ишдан кетиб қолиш ҳуқуқига эга
эмас.

14-м о д д а. Мүқобил хизматни утаётган фуқаролар учун ижтимоий кафолатлар

Мүқобил хизматни ўтаётган фуқаролар ҳарбий хиз-
матни бажаришга мажбур фуқаролар учун белгиланган

тартыбда ҳарбий тайёргарликкүй үташ, ҳарбий қасамел қилиниш ва ҳарбий ҳисобдаги ихтиносин әгаллаши учун зарур бўлган вақтга ишлардан озод этиладилар.

Чақирав комиссиялари томонидан тиббий текширувдан ўтиш учун диспансер, амбулатория ва стационарга юбориладиган фуқаролар тиббий муассасаларда бўлган даврларида уларнинг иш жойлари, әгаллаб турган вазифалари ва ўртача иш ҳақлари сақланиб қолади.

Муқобил хизматни ўтаётган фуқаро ҳар йили 15 иш кунига тенг муддатга таътил олиш ҳуқуқига эгадир.

Муқобил хизмат муддати умумий стажга ва маҳсус мөннат стажига қўшилади.

Муқобил хизматни ўташ чорига мөннат қобилиятини нўқотган фуқаролар ҳамда шу аснода ҳалок бўлган фуқароларнинг онлалари, шунингдек уларнинг қарамогида бўлган шахслар амалдаги қонунларга мувофиқ, муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари учун белгиланган тарзда нафақалар олишга ва пенсия таъминоти ҳуқуқига эгадирлар.

15-модда. Муқобил хизматни тўхтатиш

Муқобил хизматининг белгиланган муддатини адо этган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи билан хизматдан бўшатиладилар.

Фуқаро онлавий шаронти ўзгарганилиги муносабати билан, башарти, бу ҳол унга амалдаги қонунларга мувофиқ хизматни кечиктириш ёки хизматдан озод бўлиш ҳуқуқини берса, муқобил хизматдан муддатидан илгари бўшатилиши мумкин.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги даволаш муассасаларининг ҳарбий-шифокорлар комиссиялари томонидан саломатлигига кўра хизматни давом эттиришга қодир эмас, деб топилган ҳолларда ҳам муддатидан илгари хизматдан бўшатилиши мумкин.

Муқобил хизматдан муддатидан илгари бўшатиш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қабул қиласди.

16-модда. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Чақирав комиссияларининг аъзолари, муқобил хизмат бошқарув идораларининг мансабдор шахслари, кор-

хоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари қонунга хилоф қарорлар чиқарганиклари ҳамда муқобил хизмат тўғрисидаги қонуилариш ўзгача тарзда бузганиклари учун амалдаги қонуиларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчилар ҳарбий низомларда ҳамда Ўзбекистон Республикасида муқобил хизматни ўташ тўғрисидаги низомда белгилаб берилган муқобил хизматни ўташ, ҳарбий тайёргарлик ва хизматдан бўшаш тартибини бузганлари тақдирда амалдаги қонуиларга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчилар битимдаги мажбуриятларини бузганларида, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга зарар етказганиларида Ўзбекистон Республикаси қонуиларидан белгиланган тарзда моддий, интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Муқобил хизматдаги хизматчиларга онд жиноий ишлар прокуратура идоралари томонидан тергов килинади ва республика судлари томонидан кўриб чиқилади.

17-м о д д а. Муқобил хизмат тўғрисидаги қонуиларнинг ижросини назорат қилиш

Муқобил хизмат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуиларининг ижросини назорат қилини вазифаси Ўзбекистон Республикасининг прокуратура идоралари зиммасига юкланди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. КАРИМОВ

**«МУҚОБИЛ ХИЗМАТ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 йил, 11-сон, 435-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор
қиласди:

1. «Муқобил хизмат түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

иикки ойлик муддат ичида «Муқобил хизматни ташкил этиш ва уни ўташ тартиби түғрисида»ги Низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

муқобил хизмат қўлланадиган вазирликлар, идоралар, соҳаларнинг рўйхати ҳамда улар бажарадиган ишларнинг турларини белгиласин;

Ҳукуматнинг қарорларини «Муқобил хизмат түғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига муовфик ҳолга келтирисин.

3. Корабийликестон Республикаси Вазирлар Кенганий вилоятлар, Тошкент шаҳар хокимлари фуқаролар муқобил хизматни ўташ учун йўлланадиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг рўйхатини тасдиқласинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ИУЛДОШЕВ

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг
1992 йил 3 июль

ҚОНУНИ

(Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 403-модда)

I бўлим. Умумий қоидалар

1-модда. Деҳқон хўжалиги

1. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган хўжаликни мустақил тарзда юритувчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан, шу жумладан ўзи ~~егалиши~~ қиладиган сручасткасидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект деҳқон хўжалиги ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги тадбиркорлик шаклларидан бири-дир.

2. Хўжалик бошлиғи, унинг хотини (эри), фарзандлари, асранди болалари, ота-онаси, бошқа қариндош-уруглари, шунингдек меҳнат қила олиш ёшига етган, биргаликда деҳқон хўжалиги юритаётган, шу хўжаликдаги иш асосий меҳнат фаолияти жойи бўлган ўзга шахслар деҳқон хўжалигининг аъзоси ҳисобланадилар. Хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар деҳқон хўжалиги аъзоси ҳисобланмайдилар.

3. Хўжалик бошлиғи давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва айрим шахслар билан ўзаро муносабатларда деҳқон хўжалигининг манфаатларини ҳимоя қилади.

4. Хўжаликнинг 18 ёшига тўлган, қишлоқ хўжалигида иш тажрибасига эга бўлган ёки қишлоқ хўжалик мутахасислиги бўлган ёхуд маҳсус тайёргарлик кўрган, ишга лаёқатли, соғлом аъзоларидан бири деҳқон хўжалигининг бошлиғи ҳисобланади.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи иши қобилиятини вақтинча нўқотган ёки хўжаликда узоқ муддат бўлолмаган тақдирда ўз вазифасини вақтинча бажариб туриш ваколатини шу жамоа аъзоларидан биринга, деҳқон хўжалигини бир киши юритаётган ҳолларда эса шартнома асосида исталган шахсга беришга хақлидир.

5. Деҳқон хўжалиги мулкнинг бошқа шаклидаги корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар билан тенг ҳуқуқли мустақил ишлаб чиқариш бирлиги ҳисобланади.

6. Янги барпо этилаётган деҳқон хўжаликлари дастлаб жамоа ва давлат хўжаликлари таркибида шартнома асосида ташкил этилиши мумкин.

2-м о д д а. Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар

Деҳқон хўжаликлари тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу Қонун билан, «Ер тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Гадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади. Қорақалпоғистон Республикасида деҳқон хўжаликларини тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади.

3-м о д д а. Деҳқон хўжаликларини тузиш тартиби

1. Деҳқон хўжаликлари заҳира ерларда, республиканинг маҳсус фондидағи ерларда, меҳнат ресурслари этишмайдиган хўжаликларда ва янги суғориладиган сраларда тузилади. Давлат хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фойда бермайдиган ёки кам рентабелли ерларида ҳам деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин.

Деҳқон хўжаликлари жамоа хўжаликларининг ва ўзга кооператив хўжаликларнинг ерларида ушбу хўжаликлар аъзолари умумий йиғилишининг қарорига биноан тузилади.

2. Йлмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртлари ва ўзга қишлоқ хўжалик муассасаларига, қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ва умумтаълим мактабларига берилган, шунингдек саноат, транспорт ва ўзга корхоналар, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари учун берилган ерларда ва сув фондига тегишли ерларда деҳқон хўжаликлари тузилиши мумкин эмас.

3. Дәхқон хұжалиғи унинг аъзоларининг похия ҳоқимига ёзма мурожаатын асосан иктиёрийлік ассоциациясынан әтапади ва ерга мунтазам әгалік қилиш ва ердан фойдаланыш ҳуқуқи берилгаппаги хусусидаги давлат ҳужжати берилған пайтдан эътиборан тузылған деб ҳисобланади. Дәхқон хұжалиғи похия ҳоқими томонидан рүйхатдан үтгач, юридик шахс макомига эга бўлади, банк муассасаларида ҳисоб-китоб счёtlари ва ўзга счёtlарни очиш, ўз номида мухрға эга бўлиш, ўзга корхоналар, бирлашмалар, муассасалар, ташкилотлар, ажнабий фирмалар ва айрим шахслар билан амалий мунотбатларга киришиш ҳуқуқини кўлга киритади.

4. Тегишли похия ҳоқими ваколат берган идора ҳар бир дәхқон хұжалигининг рүйхат варақаси юритилишини ташкил этади, ҳалқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгаши ҳар бир дәхқон хұжалигини хұжалик китобида қайд этади, бу китобга дәхқон хұжалиги таркиби түғрисидаги, хұжаликнинг бошлиғи ҳамда хұжалик бошлиғи вактича нуқ бўлған ҳолларда унинг вазифаларини бажариб турувчи шахс түғрисидаги маълумотлар, шунингдек хұжаликка ажратилған ер участкаси хусусидаги асосий маълумотлар киритилади.

4-м о д д а . Дәхқон хұжаликларининг фаолиятини уйғунлаштириш

Ижроия ҳоқимияти идоралари тизимида тармоқ бўлималари тузилиб, улар дәхқон хұжаликларининг ишлаб чиқариш хұжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда дәхқон хұжаликларининг фаолиятини уйғунлаштирадилар, фан-техника тараққиётини ривожлантириш, инвестиция, тараққиёт истиқболини олдиндан белгилаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадилар.

II бўлим. Ер ажратиш. Ерга әгалік қилиш, ердан ва сувдан фойдаланиш

5-м о д д а . Дәхқон хұжаликларига ер ажратиш

1. Дәхқон хұжалиғи юритиш учун айрим шахсларга мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод әгалік қилиш, камидан 10 йил муддат билан фойдаланиш учун ёки ижарага ер участкалари ажратилади.

2. Дәхқон хұжалиғи ишлаб чиқариш мақсадида қўшимча ер участкаларини ижарага олиши мумкин.

3. Дәхқон хұжалигига берилған ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбашлаш объекти бүлиши мүмкін әмас.

4. Дәхқон хұжалиги юритиш учун ажратыладын ер участкасияның сақни ҳар бир алоҳида ҳолда маҳаллий шароитты (ернинг унумдорлығи, сув билан таъминланғанлығи, сув бериш усууллари, жамоа хұжалиги ёки давлат хұжалигидаги мәхнатта лаёқатты ҳар бир шахс ер билан ўртача қай даражада таъминланғанлығи, шахсий томорқа хұжаликларини юритиш учун, ахоли пункттарини көнгайтириш ва бошқа мақсадлар учун қишлоқ хұжалиги майдонларига бүлгап талабни ва бошқа ҳолатларни), шуннанда дәхқон хұжалиги қанча кишидан иборат эканлигини ҳисобға олған ҳолда нохия ҳокими томонидан белгиланади.

5. Ер участкалари дәхқон хұжаликларига одатда су-гориш ва коллектор-дренаж тармоқтары бүлгап ва дала йүллари ўтказылған яхлит майдондан ажратып берилади.

6. Дәхқон хұжалиги юритиш истагини билдирган шахслар халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Қенгашына ер ажратып бериш тұғрисида ариза билан мурожаат этадилар. Аризада сұралаётгап ер майдони қаерда жойлашғанлығи, уннан сақни, дәхқон хұжалигисын таркиби күрсатылады ва қишлоқ хұжалиги маңсулотлары этиштиришин ташкил этиши дастуры тақдим этилади.

7. Халқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Қенгашы ер ажратыш тұғрисидеги аризани 15 күннік муддат ичінде қараб чиқады ва аризачининг илтимосини құллаб-қувватлаган тақдирда нохия ҳокимідан ер ажратынни сүрайді, ҳоким ариза берилған кундан бошлаб узоги билан иккі ой муддат ичінде дәхқон хұжалиги юритиш учун ер ажратыш тұғрисида қарор қабул қиласы. Ҳокимнинг ер участкаси беришни рад этиши тұғрисидеги қарори устидан судга шикоят қилиш мүмкін.

8. Дәхқон хұжаликларига ер ажратыш тұғрисидеги масаланы ҳал этиши учун халқ депутатлари нохия Қенгашының депутатларидан, Дәхқонлар иттифоқы, касаба үюшмасы, сув хұжалиги идоралари ва ер тұзувчи хизматтар вакилларидан иборат таркибда нохия комиссиясы тузилади.

9. Ушбу ҳудудда яшайдын шахслар ер майдони олишда устун ҳуқуққа әга бўладилар.

10. Ерга доимий әтаплик қилиш ва ердан фойдаланыш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати дәхқон хұжалиги-

нинг бошлиғига ер тұғрисидаги қонунларда белгиланған тартибда берилади.

11. Дәхқон хұжалиги юритиш учун ер участкалари олган ҳамда қишлоқ ақоли пунктіда уй-жойи бүлган шахсларнинг уйга туташ томорқаси — чек ери сақланиб қолади.

12. Дәхқон хұжалигига ажратылған ернинг чегаралари натура ҳолида ер тузувчи хизматлар томонидан мағаллий бюджет маблағлари ҳисобига белгилаб қўйилади.

13. Дәхқон хұжалигига кириш йўлларини лойиҳалашва қуриш ишлари мағаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, ерларни мелиорация ишлари эса ягона мавзе таркибида республика бюджети маблағлари ҳисобидан бажарилади. Дәхқон хұжалиги ҳудудидаги гидромелиорация иншоотларини таъмирлаш, тузатиш ишлари ва уларнинг таъминоти шу хұжалик ҳисобидан амалга оширилади.

6-м о д д а. Дәхқон хұжалигининг ерга әғалик қилиши ва ердан фойдаланиши

1. Дәхқон хұжалигининг ерга әғалик қилиш ва ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва вазифалари «Ер тұғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгилаб қўйилади.

2. Дәхқон хұжалигига берилған ер участкаси тақсимланиши мумкин эмас.

Ер участкасининг саҳни ва унинг чегаралари дәхқон хұжалиги раҳбарининг розилиги билангина ўзgartирилиши мумкин.

3. Ер участкаси тортыб олинған ёки бошқа шахсга, корхона ёхуд ташкилотга берилған тақдирда дәхқон хұжалиги қонунларга мувофиқ кўрган зарарининг ва қилган сарф-харажатларининг ўрнини қоплатиб олиш ҳуқуқига эга.

Ер участкасига әғалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига доир низолар суд орқали ҳал этилади.

4. Дәхқон хұжалигининг бошлиғи вафот этган тақдирда ёки мөхнат қобилиятини бутунлай йўқотган ҳолларда ер участкасига әғалик қилиш ёхуд ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи хұжалик аъзоларининг розилиги билан улардан бирига ёки қонунларда белгиланған тартибда ва шартларда ўзга шахсларга берилади.

5. Дехқон хўжалиги ўз фаолиятни тўхтатган ҳолларда унга ажратилған ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги масала ноҳия ҳокими томонидан ҳал этилади.

7-м о д д а . Ер ҳақи

«Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш пуллидир.

Ер ҳақи ер солиги ёки ижара ҳақи тарзида, ер участкасининг сифатига, қаерда жойлашганлигига ва сув билан тамилланганлигига караб, унинг кадастр баҳосини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ҳажмда ундирилади.

Дехқон хўжаликлари га солиқ солиш тартиби, уларнинг ер ҳақи тўловининг ставкаси ва энг кам ҳамда энг кўп миқдорлари давлат, жамоа ва ўзга корхоналар ҳамда хўжаликлардан ундириладиган даражага тенг бўлади.

Дехқон хўжалиги рўйхатга олинган пайтдан бошлаб дастлабки икки йил давомида ундан ер солиги олинмайди.

Халқ депутатлари тегишли Кенгашлари ер ҳақини ундиришда бошқа имтиёзлар ҳам белгилашлари мумкин.

8-м о д д а . Дехқон хўжалигида сувдан фойдаланиш

1. Дехқон хўжаликлари учун сув ишлатишнинг лимитлари давлат, жамоа корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотлари ҳамда айрим шахсларга белгилангани каби ноҳия ҳокими ваколат берган идоралар томонидан белгиланади.

Дехқон хўжалигига бериладётган сувнинг сарфланишини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

2. Сув хўжалиги идоралари билан дехқон хўжаликлари ўртасидаги муносабатларда келиб чиқадиган низолар суд ва ҳакамлик суди томонидан қонунда белгилangan тартибда ҳал этилади.

9-м о д д а. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолари томонидан деҳқон хўжалигини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари

1. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативларининг, хўжалик ёки кооператив таркибидан чиқиб, мустақил деҳқон хўжалиги юритиш истагини билдирган аъзолари кооператив уставига мувофиқ молмулк қийматининг ва фойданинг тегишили улушкини олишга ҳақлидирлар, бу улуш кооператив аъзосининг меҳнат иштирокини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

2. Жамоа хўжаликлари ва ўзга қишлоқ хўжалиги кооперативлари жамоа хўжалиги ёки кооперативнинг деҳқон хўжалиги тузиш истагида бўлган аъзоларига молмулк қийматининг ва фойданинг тегишили улушки ҳисобидан ўзаро келишувга мувофиқ жамоа хўжалигидан чиқаётганларга асосий ва оборот маблағларини берадилар ёки уларни ижарага топширадилар, ёхуд деҳқон хўжалиги банклардан кредит олаётганда кафил бўладилар, ёнки ижара ҳақи ва ссудалардан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш сарф-харажатларини улуш суммаси доирасида қоплайдилар. Жамоа хўжалигидан ва бошқа кооператив ташкилотлардан чиқаётганларга молмулк қийматининг ёки фойданинг улушкини тўлаш муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

III бўлим. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки

10-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг мулки

1. Деҳқон хўжалиги турар жойлар, хўжалик бинолари, томорқадаги дов-дараҳт ва экинлар, маҳсулдор чорва, парранда, қишлоқ хўжалиги техникаси, анжомлар, ускуналар, транспорт воситалари, пул маблағлари, шунингдек бошқа нарсаларга мулк эгаси бўлишга ҳақлидир.

2. Деҳқон хўжалигининг пул жамғармаларини ҳосил қилиш манбалари:

дехқон хўжалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағларидан;

маҳсулот реализация қилишдан, иш бажариш, хизмат кўрсатишдан, шунингдек меҳнат фаолиятининг ўзга турларидан келган даромадлардан;

қимматли қофозлардан келган даромадлардан;

кредитлардан;
бюджетдан қилинган капитал ажратмалар ва дотациилардан;
корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва фуқароларниң ҳайрия ва ўзга бадаллари, эҳсонларидан;
қонунларда тақиқланмаган ўзга манбалардан иборат бўлади.

11-модда. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи

1. Деҳқон хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи давлат ҳимоясида бўлади.

2. Деҳқон хўжалигининг мол-мулки умумий (пайчилик ёки ҳамкорликдаги) эгалик асосида унинг аъзолалига тегишли бўлади.

3. Деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишувга мувофиқ амалга оширилади.

4. Деҳқон хўжалигини тусиҳ мақсадида унинг таркибидан чиқаётган бўлсалар, у ҳолда деҳқон хўжалигидан чиқаётгандарни натура ҳолида олишга ҳақлидилар. Бундай пайтда мулкдаги улуш натура ҳолида шундай ажратиладики, фаолият кўрсатиб келаётган деҳқон хўжалиги ишлаш учун ўзига зарур бўлган асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум бўлмайди.

5. Деҳқон хўжалиги корхоналар, бирлашмалар, ташкилотлар ва айрим шахслардан мол-мулкини сотиб олиш, ижарага олиш ёки вақтинча фойдаланиб тuriш учун олиш ҳуқуқига эгадир.

12-модда. Деҳқон хўжалигининг маблағи ва ҳисоб-китоби

Деҳқон хўжалиги пул операцияларини юритиш ва пул маблағларини сақлаш учун банк бўлинмаларида счёtlар очиш ҳамда бу маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқига эгадир. Деҳқон хўжалигининг ҳисоб-китоб счётидан маблағлар фақат хўжаликнинг розилигига биноан ёки суд қарорига кўра чегирилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар нақд пулсиз тартибда ҳам, нақд пул бериш йўли билан ҳам ишлатилади.

IV бўлим. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг асослари

13-м о д д а. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат

1. Деҳқон хўжалигининг фаолияти кўпроқ хўжалик аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Деҳқон хўжалигидаги ишларни бажаришга ўзга шахслар меҳнат шартномаси асосида вақтинча жалб этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигидаги меҳнат қилиш тўғрисидаги шартномани тузиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Қенгаши томонидан белгиланадиган тартибда тасдиқланади.

2. Деҳқон хўжалигидаги меҳнат тартибини хўжалик бошлиғи белгилайди. Деҳқон хўжалиги аъзоларининг ва меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахсларнинг меҳнат фаолиятини деҳқон хўжалиги ҳисоб қилиб боради.

3. Меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига томонларнинг келишувига мувофиқ пул билан ҳам, натура билан ҳам, аммо белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади.

4. Деҳқон хўжалиги бошлигининг розилигига биноан деҳқон хўжалигидаги шартнома бўйича ишлаётган шахс хўжалик мулкига пул ёки ўзга улуш киритиб, ана шу улушкига мутаносиб тарзда хўжалик даромадини тақсимлашда иштирок этишга ҳақлидир.

5. Деҳқон хўжалигининг бошлиғи ўз хўжалигининг аъзолари учун ва меҳнат шартномаси тузган шахслар учун бехатар меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт.

Деҳқон хўжалигининг аъзолари, шунингдек хўжаликда меҳнат шартномасига биноан ишлаётган шахслар қонунларга мувофиқ ижтимоий суғурталаниши ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши лозим.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи тегишли қасаба уюшмасида ва суғурта идораларида суғурталовчи супатида рўйхатдан ўтади ва деҳқон хўжалигининг барча аъзолари учун ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар учун давлат ижтимоий суғурта жамғармасига белгиланган тартибда бадаллар тўлайди.

6. Деҳқон хўжалигидаги ишланган вақт ижтимоий суғурта юзасидан бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумий ва узлуксиз меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Деңқон хўжалиги аъзоларининг ҳамда меҳнатларидан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома тузган шахсларнинг иш стажига оид ёзув меҳнат дафтарчаларига хўжалик бошлиғи томонидан киритилади ва ҳалқ депутатлари қишлоқ (посёлка) Кенгашларнинг раислари томонидан тасдиқланади.

7. Ижтимоий суурита бўйича давлат нафақалари тайинлаш, пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонунларда белгиланган тартибда ва шартлар асосида амалга оширилади. Деңқон хўжалигининг аъзоларига ва меҳнат шартномасига биноан ишлётган фуқароларга тайинланган пенсиялар, олаётган маоши (даромади)ни ҳисобга олмаган ҳолда, тўлалигигча берилади.

8. Деңқон хўжалигининг аъзоларига ижтимоий ва маддий хизмат кўрсатиш хўжаликнинг ўз маблағлари ҳисобига ҳамда ижтимоий истеъмол жамғармалари эвазига таъминланади. Деңқон хўжаликлари аъзоларининг умумий фойдаланишдаги ижтимоий муассасалар хизматларидан жамоа хўжалиги ва ўзга қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишчилари, хизматчилари ва аъзолари билан тенг равиша фойдаланишлари таъминланади.

9. Деңқон хўжалиги билан меҳнат шартномаси тузган шахслар ўртасидаги меҳнатга оид низолар суд томонидан ҳал этилади.

14-модда. Деңқон хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

1. Деңқон хўжалиги ўз фаолиятининг йўналишини, ишлаб чиқарини таркиби ва ҳажмларини мустакил тарзда белгилайди. Деңқон хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг амалдаги қонунларда ман этилмаган ҳар ғандай тури билан шуғуланишга, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва реализация қўлишга ҳақлиdir.

Деңқон хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идоралар ҳамда ташкилотларнинг аралашувига йўл қўйилмайди, бу хўжаликлар томонидан қонунлар бузилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Давлат, жамоат, кооператив ва ўзга идораларнинг қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида, шунингдек бундай идоралар, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг деңқон хўжалиги олдида қонунларда кўзда тутилган ўз мажбуриятларини лозим даражада бажарма-

ганлиги оқибатида етказилган зарап, шу жумладан бой берилған фойдаларнинг ўрни қопланмоғи керак.

2. Дәхқон хұжалиги бошқа мулк әгалари билан тенг шартларда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширади.

15-м о д д а. Дәхқон хұжалиги томонидан маҳсулотларни реализация қилиш тартиби

1. Ўзи етиштирған маҳсулотни тасарруф этишдан, шу жумладан уни ўз ихтиёрига кўра истеъмолчиларга со-тишдан иборат мутлақ ҳуқуқ дәхқон хұжалигига тегиши-лидир.

Дәхқон хұжалиги маҳсулот сифатига доир амалдаги нормативлар ва стандартларга, қонунларда белгиланған экологик, санитария ҳамда ўзга меъёрлар ва қоидалар-га риоя этиши Шарт.

2. Дәхқон хұжалиги ўзи етиштирған маҳсулотта мус-такил тарзда нарх қўяди.

3. Дәхқон хұжалиги ўзи етиштирған маҳсулотни реа-лизация қилиш учун давлат, кооператив корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлари ва муассасалари билан ихтиёрийлик асосида хұжалик шартномаларини тузишга ҳаклидири. Шартномага риоя қилинмаган ёки унинг та-лаблари бузилған тақдирда томонлар амалдаги қонун-ларда ёки шартномада белгиланған тартибда мулкни жавобгар бўладилар.

Дәхқон хұжалиги етиштирған маҳсулотларни эк-спортга жўнатиш, шунингдек хорижий мижозлар билан хисоб-китоб қилиш қонунларда белгиланған тартибда амалга оширилади.

16-м о д д а. Дәхқон хұжаликларининг ҳамкорликдаги фаолияти

Дәхқон хұжаликлари маҳсулот етиштирувчи, уларни харид этувчи; қайта ишловчи ва сотувчи, моддий-техни-ка таъминоти билан, қурилиш, техника, сув хұжалиги, ветеринария, агрохимия хизмати кўрсатиш, маслаҳат бериш ва хизмат кўрсатишнинг ўзга шакллари билан шуғулланувчи кооперативларга, жамиятларга, уюшма-ларга, концернларга ва бошқа бирлашмаларга ихтиё-рийлик асосида бирлашиши ёки улар таркибига кириши мумкин.

17-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг моддий-техника таъминоти

1. Деҳқон хўжалиги давлат ҳамда кооператив корхоналари ва ташкилотларидан, биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда, аҳолидан ўзи учун зарур мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситалари сотиб олишга ҳақлидир.

2. Деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулотларининг шартномада айтилган қисмини давлатга (республика фондига) келишув асосидаги нархларда сотсалар ва давлат буюртмаларини бажарсалар, қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, ёш моллар ва парранда билан, зооветеринария ёрдами, ем-хашак ва бошқа ресурслар билан давлат корхоналари учун белгиланган тартибда ва нархларда таъминланадилар.

3. Деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ва маший йўналишдаги обьектлар йўқ ҳудудда тузилган тақдирда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари унинг дастлабки қулийликларини таъминлаб берадилар: йўлларни, электр узатгич тармоқларини қуриш, сув таъминоти, газлаштириш, телефонлар ўрнатиш, радиолаштириш, ерларни текислаш, ерларни мелиорациялаш ишларини марказлаштирилган тартибда ажратиладиган давлат капитал маблағлари ва молия ресурслари ҳисобидан амалга оширадилар. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, шунингдек ишлаб чиқариш обьектлари ва уй-жойларни тиклашда деҳқон хўжаликларига ёрдам кўрсатадилар.

18-м о д д а. Деҳқон хўжалигидан солиқ олиш

1. Деҳқон хўжалиги Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ солиқ тўлайди.

Ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўз ваколатлари доирасида деҳқон хўжаликларини солиқ тўлашдан озод этиш ёки солиқ миқдорини камайтириш хуқуқига эгадирлар.

2. Деҳқон хўжалигининг даромадлари, хўжалик аъзоларининг ҳамда хўжаликда шартнома асосида ишлётган шахсларнинг шахсий даромадлари даромадлар тўғрисидаги маълумотнома (декларация) ларда акс этирилади.

19-м о д д а. Деҳқон хўжалигининг молиявий ва кредит муносабатлари

1. Деҳқон хўжалигига қарашли ишлаб чиқарнишга мўлжалланган объектлар қурилишига узоқ муддатли кредитлар бериш, ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларини сотиб олиш ва хўжаликнинг жорий ишлаб чиқариш фаолияти учун қисқа муддатли кредитлар бериш кредит шартномасига мувофиқ амалга оширилади. Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, бирлашмалари, ташкилотлари ва муассасалари, айрим шахслар деҳқон хўжаликларига тузилган шартномаларга мувофиқ кредитлар беришга ҳақлидирлар.

Деҳқон хўжаликлари уларга хизмат кўрсатиш учун банк муассасалари томонидан тузилган маҳсус кредит фондидан имтиёзли шартларда фойдаланади.

Ерларни медпорациялашга йўллар, кўпиклар, газ, электр, иссиқлик тармоқлари, сув қувурлари, коммунал йўналишдаги ўзга объектлар қуриш ишларига қаратиладиган бюджет маблағлари ҳам деҳқон хўжаликлари ни пул билан таъминлашнинг манбани бўлиши мумкин.

2. Деҳқон хўжалиги тузилётган пайтда, унга ссудалар ва кредитлар берилётганида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда тўлов қобилиятига эга бўлган ўзга юридик ҳамда жисмоний шахслар, шунингдек ўз мол-мулкини гаровга қўйиб деҳқон хўжаликларининг ўзи ҳам кафил бўлишлари мумкин.

3. Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида ўзига қарашли ва ижарага олган ишлаб чиқариш воситаларини, шунингдек қишлоқ хўжалиги экинлари (кўчатлари)ни, кўп йиллик дов-дараҳтларни, тайёрланган маҳсулотни, хом ашёни, материалларни нобуд бўлишдан ёки шикастланишдан суғурталайди ва амалдаги қонунларда белгиланган тартибда ва шартларда суғурта тўловларини олади.

20-м о д д а. Деҳқон хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиш

Деҳқон хўжалиги ўз ишининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва молия идораларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

21-м о д д а. Дeҳқон хўжалигининг жавобгарлиги

Дeҳқон хўжалиги ўз мажбуриятларига мол-мулки билан жавоб беради, амалдаги қонунларга биноан бу мол-мулки тортиб олиниши мумкин. Давлат дeҳқон хўжалигининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, дeҳқон хўжалиги эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Дeҳқон хўжалигининг ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари талабларини бузишда айбор бўлган аъзолари белгиланган тартибда моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгар бўладилар.

Амалдаги қонунларга мувофиқ дeҳқон хўжалиги меҳнат вазифаларини адо этиш чоғида хўжалик аъзолари ва меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар шикастланиш ёки саломатлигига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

22-м о д д а. Дeҳқон хўжалигининг мол-мулки ва ерини мерос қолдириш

1. Дeҳқон хўжалигининг мол-мулки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунлари қоидаларига мувофиқ мерос қолдирилади. Хўжаликда фаолиятини давом эттираётган меросхўрлар мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилганилиги учун давлат пошлинаси тўлашдан озод этиладилар.

2. Ер майдони «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунила белгиланган тартибга мувофиқ мерос қолдирилади.

V бўлим. Дeҳқон хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиши

23-м о д д а. Дeҳқон хўжалиги фаолиятининг тўхтатилиш асослари

Дeҳқон хўжалигининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

хўжалик фаолиятини давом эттиришни истайдиган хўжаликнинг бирорта аъзоси, меросхўр ёки ўзга шахс қолмаган бўлса;

ер майдонига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганда;

ер майдони берилган муддат тугаган ва ерга эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш имкони бўлмаган тақдирда;

ердан ўзга мақсадларда фойдаланилганда, ер майдонидан самарасиз фойдаланилганда, кадастр баҳоси мөъридан муттасил паст даражада маҳсулот олинган тақдирда;

ерларнинг экологик ҳолати бузилган тақдирда;

ер майдони белгиланган тартибда давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда;

дехқон хўжалиги тўлов қобилиятини йўқотган деб эълон қилинганда;

ер солиғи ёки ижара ҳақи мунтазам равишда белгиланган муддатларда тўланмаётган бўлса;

башарти, дехқон хўжалиги рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб бир йил давомида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошламаган бўлса;

дехқон хўжаликларининг фаолиятини тартибга солиб турувчи қонунлар бир неча бор ёки бир марта, лекин қўйил равишда бузилган тақдирда;

шартнома талабларини бузганлиги сабабли ижара шартномаси бекор қилинганда;

дехқон хўжалиги қайтадан тузилганда.

24-модда. Дехқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш тартиби

1. Дехқон хўжалиги фаолиятини тўхтатиш тўғрисидағи қарор ноҳия ҳокими томонидан қабул қилинади.

2. Дехқон хўжалигининг фаолиятини тўхтатиш билан боғлиқ низолар суд орқали ҳал этилади.

3. Дехқон хўжалигидан давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер майдонларини олиб қўйиш — хўжалик ихтиёрига кўра, унга шу ерга тенг ер участкаси ажратилиб, унинг ер майдони кимга берилаётган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот томонидан олиб қўйилаётганларининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш ва ўзга иморатлар қуриб берилгач ҳамда етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда ўрни тўла ҳажмда тўлангац амалга оширилади.

4. Дехқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг мол-мулки хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш учун,

бюджет тўловлари тўлаш, банкларнинг ссудаларини қайтариш ҳамда ўзга қарз берганлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун ишлатилади.

Дехқон хўжалигининг фаолияти тўхтатилиши била-ноқ хўжалик аъзоларининг эгалигида бўлган турар жой, томорқа, шунингдек ўзга мол-мулк улар ихтиёрида сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

**«ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТҮҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ
АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикаси Олий

Кенгашининг

1992 йил 3 июль

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси,
1992 йил, 10-сон, 404-модда)

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши қарор
қиласиди:

1. «Деҳқон хўжалиги түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан эътиборан амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсники, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари «Деҳқон хўжалиги түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирилиб олингунга қадар ушбу Қонунга зид бўлмагани учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги хужжатлари қўлланаверади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига уч ойлик муддат ичидаги:

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Деҳқон хўжалиги түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларини «Деҳқон хўжалиги түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштириш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига таклифлар тақдим этиш вазифаси топширилсин.

4. «Ер түғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, 16—18-сонлар, 294-модда) 11-моддасига ўзгартириш киритилиб, модданинг биринчи қисмидаги «5 йилга» деган сўзлар «10 йилга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси**

Ш. ЙУЛДОШЕВ

МУНДАРИЖА

- Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 3
- «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚАРОРИ**. 7
- Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи Агентлигигининг аъзоси эканлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 9
- «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро валюта фонди, Реконструкциялаш ва ривожланиш халқаро банки, Ривожланиш халқаро ассоциацияси, Халқаро молия корпорацияси, кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи Агентлигигининг аъзоси эканлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚАРОРИ**. 13
- «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 14
- «Ўзбекистон Республикаси чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 16
- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 23
- «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚАРОРИ**. 43
- «Ўзбекистон Республикаси ҳалқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунишига 8-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 45
- Таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 46
- «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚАРОРИ**. 71
- Касаба уюшмалари, уларинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июль **ҚОНУНИ**. 72
- «Касаба уюшмалари, уларинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль **ҚАРОРИ**. 83
- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналарини бошлиқларини тайинлаш ҳамда ча-

қириб олиш тартиби тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	85
Узбекистон Республикасиның дипломатия ходимлари учун дипломатия даражасы	да Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	87
«Узбекистон Республикасиның дипломатия ходимлари учун дипломатия даражасы	да» гі Узбекистон Республикасы Қонунини амалга киритиш ҳақида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ	90
Автомобиль жүллары тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	91
Давлат санитария назораты тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	105
«Давлат санитария назораты тұғрисида» гі Узбекистон Республикасы Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ	125	
Узбекистон Республикасынинг Жиноят-процессуал кодексінде үзгартыштар ва құшымчалар киритиш тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	126
Гувоҳлар жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар таржимонлар ва холистарнинг қылган харажатларини тұлаш тартиби ва миқдорлари тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	140
«Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ходистарнинг қылган харажатларини тұлаш тартиби ва миқдорлари тұғрисида» гі Узбекистон Республикасынинг Қонунини амалга киритиш ҳақида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ	143	
Узбекистон Республикасида байрам күнлари тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 2 июль КОНУНИ	144
Монополистик фаолиятни чеклаш тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 2 июль КОНУНИ	145
«Монополистик фаолиятни чеклаш тұғрисида» гі Узбекистон Республикасы Қонунини амалга киритиш ҳақида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 2 июль ҚАРОРИ	155	
Биржалар ва биржа фаолияти тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	156
«Биржалар ва биржа фаолияти тұғрисида» гі Узбекистон Республикасынинг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 2 июль ҚАРОРИ	169	
Мудофаа тұғрисида	Узбекистон Республикасынинг 1992 йил 3 июль КОНУНИ	171
«Мудофаа тұғрисида» гі Узбекистон Республикасы Қонунини амалга киритиш тұғрисида Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ	181	
Харбий қасамәд тұғрисида	Узбекистон Республикасы Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ	182
Умумий ҳарбий мажбурият	ва ҳарбий хизмат тұғрисида	

Узбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июль ҚОНУНИ.	184
«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ.	220
Муқобил хизмат тўғрисида Узбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июль ҚОНУНИ.	221
«Муқобил хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ.	228
Деҳқон хўжалиги тўғрисида Узбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июль ҚОНУНИ.	229
«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида Узбекистон Республикаси Олий Қенгашининг 1992 йил 3 июль ҚАРОРИ.	245

Официальное издание
На узбекском языке

НОВЫЕ ЗАКОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
6-ВЫПУСК

Нашриёт муҳаррири *Д. Дўстжонова*
Рассом *А. Баҳромов*
Техник муҳаррир *М. Сайдова*

Босмахонага 13.05.93 й. да берилди. Босишига 19.11.93 й. да рухсат этилди.
Короз бичими $84 \times 108^{1/32}$. Босма табоги 7,75. Нашриёт ҳисоб табоги 15,1.
Шартли босма табоги 13,0. 2000 нусха. 84-буюртма. Нархӣ шартнома асоси
сида.

Узбекистон Республикаси Аддия вазирлиги «Адолат» нашриёти: 700047, Тошкент,
Сайилгоҳ кӯчаси, 5.

УзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент акад. Ҳ. Абдуллаев кӯчаси, 79.